


R 566


# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2012






300

**ЖАН - ЖАК РУССО**





Ҳар қандай адолат – Ҳудодан, зеро, адолат манбаи ҳам Унинг ўзиdir. Бироқ адолат бизга тўппа-тўғри Арши аълодан нозил этилса эди, шаксиз, на ҳукумат ва на қонунга муҳтож бўлар эдик. Бинобарин, инсон ақл-заковати маҳсули бўлган яна бир адолат ҳам мавжудки, уни қабул қўлмогимиз учун барча эътироф этмоғи даркор. Масалага инсоний нуқтаи назардан қаралганда, агар ижроси ўз кўйига ташлаб кўйилса, у ҳолда адолат қонунлари ҳеч қандай кучга эга бўлмайди, улар фақат нопокларга наф келтиради, ҳалолларга эса кулфат етказади, холос. Яъни, ҳалол инсонлар адолатли муносабатда бўлгани ҳолда бошқалар уларга нуқул адолатсизлик кўрсатади. Демак, ҳуққу ҳаётни бурчнинг таъминланиши, адолатнинг қарор топиши улар барча томонидан бирдек адо этилишини тақозо қиласди.



Ҳалқ ҳоҳиш-иродаси мудом ягона мақсад – жамият манфатига қаратилган бўлади. Бироқ бундан ҳалқнинг азму қарори доимо ҳам шундай бехато бўлади, деган фикрга бормаслик керак. Омма гарчи ҳар қачон баҳт-саодатга интилса-да, баҳт-саодатнинг нима эканини теран англайвермайди. Ҳалқ сотилмайди, лекин алданади, ёлғончи майллар қурбони бўлади. ...Омманни ана шундай алданишлардан муҳофаза эта билмоқ лозим.



Ахлоқий эркинлик туфайлигина инсон том маънода ўзининг ҳукмбардорига айланади. Зеро, фақат шахсий ҳою ҳавасларга уралашиб яшаш айни қуллик бўлса, ахлоқий меъёр улароқ қабул қилинган қоидаларга бўйсунуб яшаш чинакам ҳурлиқдир.



Шогирдингиз олдига фақат муаммонигина кўйинг, ечим топишини эса ўзига қолдиринг. Үнга ҳақиқатни тўлиқ ошкор этманг, бунга унинг ўзи етиб борсин. ...Агар таълим беришда тафаккурни авторитетта алмаштирангиз, шогирдингиз фикрлашдан тўхтайди ва ўзгалар фикрининг итоаткор ижрочисига айланади.

*Жан-Жак РУССО трактатларидан олинди.*



# ТАФАККУР

## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЊАВИЙ-МАЂИРИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлатган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир  
Эркин АЎЗАМ

*Тағтириш:*  
Муҳаммадин РАҲИМ  
(бош мухаррир ўринбосари)  
Дамин ЖУМАҚУЛ  
(масъул котиб)  
ШОҲСАНАМ  
(буллим мудири)  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
(буллим мудири)  
Хуршид ЙўЛДОШЕВ  
(мухаррир)  
Наргиза СИМОНОВА  
(техник мухаррир)  
Гулнара ФАТТОХОВА  
(мусахих)  
Машраб НУРИНБОЕВ  
(фотомухабир)

*Жамоат кенгаси:*  
Ўрзобой АДУРАХМОНОВ  
Дилором АЛИМОВА  
Хуришид ДАВРОН  
Нуридин ЗАЙНИЕВ  
Шукрат РИЗО  
Хайридиш СУЛТОН  
Нурислом ТўХЛИЕВ  
Аблуроҳим ЭРКАЕВ  
Муртазо ҚАРИШБОЙ  
Фарҳод ҲАМРОЕВ  
Ибронҳом ҲАККУЛ

Муассис — Республика Мањавият ва маърифат кенгаси.

Ўзбекистон Республикаси. Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-роҳам билан рўйхатга олинган. Матнларде фойдаланилган мисол, кўчирма ва маъзузларни анниятни учун муалиффар жаъовандарид.

Журналдаги ёнубир боситига манба ҳайд этишини шарт.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шахри,  
Мустакиллик шоҳкӯчаси, 59-бино

233-10-68  
239-46-16  
233-79-40

Журнал андоғаси таҳдиритиянг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси 100029, Тошкент шахри, Буюк Турон кучаси, 41-йул.

2012 йил 26 марта куни босмахонага топширилди. Қўюқ бичими 70x100 ғ, 6 босма тобок, 2179-бюартма. Нашр аддади 2670 нусха.


ISSN 2010-649

tafakkurtahrifiyati@gmail.com



### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Савоб ҳам заҳмат эвазига олинади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг муовини, шайх Абдулазиз МАНСУР билан сұхбат.....4



### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Баҳодир ЗОКИР. “Осиё йўлбарслари”: либераллашувнинг шарқона тажрибаси.....12

### МАЊНО ВА МОҲИЯТ

Абдулла ШЕР. Эркинлик, ихтиёр ва ирода.....20

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Сафар ОЛЛОЁР. Олисдаги маёқ шульаси.....28



# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### МОҲИЯТ ЖИЛОПАРИ

- Абдуғафур РАСУЛОВ. Икки дунё – бир қадам..... 31

### НАВОЙЙ СОГИНЧИ

- Мирзо КЕНЖАБЕК. Жон ва жонон сирлари..... 38

### ҚҮНГИЛ САЛТАНАТИ

- Сироҷиддин САЙИД. Умр фардлари..... 48

### НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

- Николай ГОГОЛЬ. Бурун. Қисса..... 52

### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

- Дамин ЖУМАҚУЛ. Томир она..... 70

### МОҲИЯТ ЖИЛОПАРИ

- Муҳаммад ҚУРОНОВ. Хуллас..... 76

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

- Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ. Маърифатдир қалбнинг қуввати..... 78



### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Бунёдбек МАМАТЮСУПОВ. Ижтимоий адолат манбаи..... 84  
Нематжон БЕКЧНОВ. Фуқаролик жамияти ва сиёсий маданияти..... 85  
Санжар Юлдошев. "Трансплантациявий туризм" нима?..... 86  
Нодирахон НИШОНОВА. Аёл нуфузи..... 87  
Элмурод ТОШЕВ. Аҳмад Дониш – нафосатшунос..... 89  
Дилдораҳон АБДУЛЛАЕВА. Масал: ҳам қисса, ҳам ҳисса..... 90  
Ойбек КОМИЛОВ. Чўлга "хужум" асоратлари..... 92  
Авазбек МИРЗАЕВ. "Туркестанские ведомости" – тарих гувоҳи..... 93  
Журналнинг ингли芝ча мухтасар мазмуни..... 95



## SAVOB HAM ZAHMAT EVAZIGA OLINADI

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раисининг муовини, шайх Абдулазиз МАНСУР  
 билан сұхбат

— Мұхтарам шайх, глобаллашув түғи остида бошланған XXI асрда инсоният бир талаі зиддиятлар, чуончи, америкалик сиёсатшунос Самуэль Ҳантингтон иборасы билан айтганда, тамаддунлар тұқнашуви хавфига юзма-юз кепіл турибди. Ҳозир Ер юзида исломий тамаддунга хайрухохлық билан бокуечи исломофиллар ҳам, аксина, унга қадиксираб қаровчи исломофблар ҳам етарли. Айтинг-чи, жадал ўзгариб бораёттан бүгунғи дүнёда ислом дини ҳамда мусулмон қавмисининг үрни ва ролини Сиз қандай масавөр этасиз? Унинг шундай таҳликали глобал вазиятда янги ҳәёт барпо этаёттан мустакип Ўзбекистондагы үрни ва ролини-чи?

— Бисмиллахир роҳманир роҳий! Дарҳақиқат, глобаллашув жараёни давом этаёт-тан ва ҳатто фаоллашған бир даврда яшайамиз. Ҳозирги вақтта келиб наинки иқтисодий ва сиёсий глобаллашув, маданиятлар яқынлашуви ҳам тұхтатиб бўлмас ҳодиса экани аён бўлиб қолди. Ҳўш, айни жараёнга ислом динининг муносабати қандай? "Хужурот" сурасининг 13-оятида Оллоҳ таоло "Эй инсонлар, ...сизларни (турлі-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик", дея марҳамат қиласи ва бунинг сабабини "Бир-бириңгиз билан танишмогингиз учун!" дея изоҳлайди. Ҳўш, инсонлар ўзаро танишган-

да қандай ҳолат рўй беради? Улар ўзида йўқ мақбул хислатларни бошқалардан олади, бошқалардаги номақбул хислатлардан эса сақланиш чорасини кўради. Келинг, шу ўринда ўз ҳаётий тажрибамдан бир мисол келтириб ўтай. Мен ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Суданда бир йил яшаб, таҳсил олганман. Бу мамлакат халқи бирмунча но-чор яшайди, бир қисм аҳолисининг ҳатто бошпанаси ҳам йўқ. Бироқ уларнинг турмуш тарзига разм солиб, айрим ибратли хислатларга ҳам гувоҳ бўлғанман.

Масалан, бу мамлакат халқининг жилди – териси қора бўлғани билан аксариятининг дили оқ – пок экан. Улар бир-бiri билан шу қадар ҳолоп, самимий муомала қиласиди, беихтиёр лоп қоласан киши. Мен Судан кўчапаридан бирида ямоқчилик қиласётган олтмиш ёшлардаги косибни кузатганин. Ўшандан пойабзалим пугтурдан кетиб, яматмаса бўлмай қолган эди: бир тарафи му-соғирлик, бошқа тарафи талабалик – янгисини олишига маблағ қайда?! Косиб пойабзаларни тикиб-ямаб узаттиятида, мижоз қанча пул берса, санамай чўнтагига солиб қўйяпти. Ямоқчи ҳолоп, покиза одам бўлғанидан мижозлар ҳам унинг ҳақига хиёният этмаляти. Мен ана шу кекса косибни, рости, азиз-авлиёлардан бўлса керак, дея хаёл қилғанман.

Айни чоқда, суданликларда менга маъқул бўлмаган жиҳатларни ҳам кузатганин. Масалан, улар меҳмондорчилик одобини биздан ўрганса бўлар экан, деган хulosага келганин. Бизда меҳмонлар келиб бўлгач, қани, марҳамат қилсинлар, дея дастурхон атрофига таклиф этилади, шунда ҳам хоҳлаган одам хоҳлаган жойига ўтиравермайди, ёши улуғ ёки олим-уламо кишилар тўрга чикарилади, кейин эса бошқалар ўзига муносиб жойни эгаллайди. Бундан ташқари, дастурхондаги таомларга ҳам дарров кўл чўзилмайди. Аввало дуо қилинади, сўнг ҳол-аҳвол сўралади, кейин қани, бошлаб берсинлар, деб яна тўрдагиларга манзират қилинади. Улар кўл узатмагунча кўйидагилар одоб саклайди. Таомлар еб бўлингандан кейин ҳеч ким ўрнидан кўзгалмайди. Зиёфат сўнгига яна дуо, иложи бўлса, тиловати Куръон қилиниб ўриндан турилади. Яна қаерда бор экан бундай одобу маданият?! Мен наинки Судан, бутун араб мамлакатларида ҳам бундай гўзал хислатни учратмаганин.

Хозирги глобаллашув шароитида мусулмонлар ўзини қандай тутиши лозим? Менинг тавсиям шуки, мўмин-мусулмонларимиз ҳар бир ишда, аввало, ўз диндошлари, қолаверса, бошқа қавмлар учун намуна бўлишин. Бунинг учун албатта бошқа миллат ва дин вакилларига бағрикенглик билан муносабатда бўлмоқ даркор. Зоро, ислом дини тарихига назар ташласак, пок ахлок ва бағрикенглик муборак динимизда азалдан мавжуд бўлгани аёнлашади. Муҳаммад с.а.в. янги, ҳақ дин пайғамбари бўлиб келганинда Макка ва Мадинада яхудолар, насоролар, шунингдек, ҳеч бир самовий динга ишонмайдиган, факат ўзлари ясаган бутларга сифинадиган мушриклар ҳам бор эди. Пайғамбаримиз с.а.в. уларни хушмуомалалик билан Оллоҳнинг ҳақ динига даъват этдилар. Гайридиинлар бирор бир тараздаги масхараламаган ёки мажбурлаб исломга кири-тилмаган. Аксинча, ҳақиқат мантиқ асосида тушунтириб берилган. Масалан, Куръони каримда, на эшийтмайдиган, на гапирмайдиган шу бутларга сифинасизларми, деган мазмунда кўплаб оятлар бор. Табиийки, мушриклар бу далилни, йўқ, бутларимиз гапиради, эшитади, дея рад этолмаган. Пайғамбаримиз с.а.в. шу тариқа бошқа дин вакиллари билан сулҳ асосида тинч яшаш тарафдори бўлган. Макка мушриклари адоватни ҳаддан ошириб юборгачгина ул зот қавми билан Мадинага ҳижрат қилдилар. Душманлар шунда ҳам таскин топмай улар ортидан бостириб келмагунча мусулмонлар кўлига курол олмади.

Ер юзида ислом дини кенг ёйилиб, мусулмонлар адади орта бориши натижасида ушбу дин таъсири кучайиб кетишидан чўчийдиганлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Лекин, дангал айтиш лозимки, ўринли чўчиш бор, ноўрини ҳам. Ўринлиси



шуки, мусулмонлар орасида ҳам ислом динини тўғри тушунмасдан, уни ҳаётга нотўғри татбиқ қиласидан тоифаю оқимлар кўп. Шуларнинг касрига бошқа қавмлар, агар дунёда ислом дини хукмрон бўлиб, фақат шуларнинг айтгани бўлса, демак, бошқа диндагиларга кун йўқ экан-да, дея хавотирга тушмоқда. Агар мазкур оқимлар ислом динини нотўғри талқин қилиб, шафқатсизлик, кўпорувчилик орқасида динимизни хунук кўрсатиб қўймаганда, албатта, бундай кўркув ҳам бўлмас эди. Ноўрини шуки, агар ислом таълимоти соғ ҳолича талқин этилса бо дин дунё узра ҳар қанча кенг ёйилса, мусулмонлар адади ҳар қанча ортса-да, ислом ва мусулмонлардан ҳеч ким зарар кўрмайди. Аксинча, бу қавмдан бошқа миллат ва дин вакилларига кўп баҳрамандлик етади. Чунки ислом дини буюрадики, агар қўшнинг ҳам мусулмон, ҳам қариндош бўлса, унинг сенда учта ҳақи ғулди – мусулмонлик, қариндошлик ва қўшничилик ҳақи. Агар қўшнинг қариндош эмас-у, аммо мусулмон бўлса, унинг сенда иккита ҳақи қолади – мусулмонлик ва қўшничилик ҳақи. Қўшнинг мусулмон ҳам, қариндошинг ҳам бўлмаса, у ҳолда сенда битта ҳақи қолади – унинг олдида қўшничилик ҳақини адо этмогинг керак. Хўш, қўшничилик ҳақи деганда нималар назарда тутилади? Ушбу ҳақни адо этмоғинг учун қўшнингизга ҳатто соянгизни ҳам туширмаслигингиз керак. Бильякс, қўшиллар ҳолидан, имкон топиб, хабар олиб туринг, дея таълим беради Пайғамбаримиз с.а.в. Ул зотнинг ўзи бу борада барча мусулмонларга ибрат бўлгани маълум. Чунончи, яхудий қўшнисининг боласи касал бўлиб қолганда у киши дарров ҳол-аҳвол сўраб кирдилар. Ёки шу динданги киши майити тобутда олиб ўтилганда ўринларидан туриб кузатиб қолдилар. Мана, сизга инсонни қадрлашнинг чинакам намунаси! Биз, мусулмонлар ислом динини асл, соғ ҳолиди намоён қила олсаккина ундан ҳеч ким хавфсирамайди. Бироқ, минг афсуслар бўлсинким, яқин ўтмишда қанчадан-қанча разил кўпорувчиликларга гувоҳ бўлдик. Тўғриси, телевизорда баъзи оқим жангарилигининг алвастисифат башарасию бетартиб соч-соқолларини кўриб хижолат бўлиб кетаман. Уларнинг шу турқ-авторига қараб, бирон бир овруполик ҳавас билан мусулмон бўламан дейдимиш!

– Одатда, кўпорувчи ўгурухлар Farbnинг дунёга ҳокум бўлиш иддаосидаги баъзи сиёсий кучларига шу йўл билан норозилик билдирияпмиз, дейди. Бир қарагандা, уларнинг фикрида ҳамто жон бордек...

– Йўқ, аспо, ундаи тоифалару оқимларнинг даъволари пуч, асосиз! Куръони камримда Оллоҳ таоло Ер юзидағи мувозанатни сақлаб туриш учун, яъни бир ҳалқ эзувчию бошқаси эзилувни бўлиб қолмаслиги учун бирини иккincinnиси билан даъф қилиб туради, деган ояти карима бор. Сиёсат шундай мураккаб соҳаки, унинг “формула”сини ақл билан ёзib бериб бўлмайди. Оллоҳ таоло дунёни фақат ўзигагина аён бўлган илм билан идора этиб туради.

Оллоҳ таоло Куръони каримнинг бир неча оятида, агар мен хоҳласам эди, ҳамма ҳалқларни бир динга солиб қўйган бўлардим, дея марҳамат қиласи – бутун инсоний тарихида ислом Ўзининг ҳақ дини бўлса, нима учун уни дунёга хукмрон кимламяпти? Бунинг сабаби шуки, дунё кураши ижобий ва салбий, мусбат ва манфий қутблар ўтасидаги муросасизлик билан субидтир. Ана шунда манфий борлиги учун мусбатнинг қадри билинади. Агар мусулмон бандага барча шароит муҳайё этиб қўйилса, у на ҳаёти ва на мусулмончилигига заҳмат чекса, хўш, ниманинг эвазига савоб олади?! Шунинг учун Оллоҳ таоло баъзан яхши инсонлар бошига ҳам ғам-ташвиш юборади, мусибат, дард, қашшоқлик ёки шунга ўхшаш синовларга дучор қиласи, зеро, инсон сабр билан ҳам катта-катта савобларга мушарраф бўлади. Биз шўролар даврида эътиқодий жиҳатдан эркин бўлолмаганимиз, катта машақатлар эвазига мусулмончилик қилганимиз. Бироқ ибодатни муносиб ихлос ва холислик билан адо этганимиз ва ундан теран ҳаловат топганимиз. Мустақилликдан кейин, қанча масжиди мадраса бўлса қураверинг, дея кенг йўл очиб қўйилгандан кейин эса аввалигидан охислиг ҳолислик чекиниб қолгандек, назаримда. Қаранг, мусулмончилик осон бўлиб қолса, одамлар ҳаддидан ошиби, ношуқурлик ҳам қилас ҳекан...

— Ўзингизга яхши маълум, юртимизда азал-азалдан диний ва дунёвий илмга баайни ялакат магиздек бир бутун деб қаралган. Аммо дахрий шўро тузуми диний илмни таъқиб остига олиб, дунёвий илмни зўравонларча ундан ажратиб кўйди. Оллоҳ бизга ато этган бугунги Истиклол замонида ҳам, афсуски, бу икки илм муштарак ўзанга тушиб олмаётгандек туғолади. Ушиб ҳол диний ва дунёвий олимларнинг тафаккур тарзида айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Дунёвий олимларимиз бальзан диний мавзудан баҳс очгандарида испом асосларидан дуруст воқиф эмаслиги аён бўлиб қолади. Диний олимларимиз қарашларида эса аксинча ҳолни кузатши мумкин. Улар мавъеви-заларда далшти аксарият узоқ ўтмишдан келтириради оқибаттда бугунги кунга унчалик ҳам дахли ўйқ бир ривоят сўйлаётгандек тасаввур ўйготади. Диний олимлар ҳозирги инсон, дунё ва фандан етарли хабардор эмасдек, назаримда. Бу хусусда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Пайғамбаримиз с.а.в. дунёни деб охиратдан, охиратни деб дунёдан юз ўғирмай, унисидан ҳам, бунисидан ҳам насиба олиб юрганингиз сизнинг орангизда энг яхши-ларингиздир, деган эканлар. Шунга кўра, фақат дунё ёки нуқул динга берилмоқ дуруст эмас – унисида ҳам, бунисида ҳам меъёрни сақламоқ лозим. Тўғри, диний уламоларга дунёвий фанлардан ҳам бир мутахассисча билимингиз бўлсин, деган талабни кўйиш ноўйиндир. Бироқ у ўзи яшаб турган даврда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан бехабар қолса, бундай лоқайдликни кечириш мумкиними?

Ўзим ҳар куни "ойнайи жаҳон"да дунёни бир "кезиб" чиқмасам, кўнглим тинчмайди. Бир ўзбек фуқароси ва дин арбоби сифатида билишим зарур бўлган юртимиз ва дунё янгиликларини эринмай кўраман ва тинглейман. Айни чоқда барча шогирдларим ва имом-хатибларга ҳам, агар сиз диний одаммиз деб дунё ишларидан бехабар юрсангиз, сизга иқтидо этиб намозга келган одамлар олдида мулзам бўлишингиз аник, дея панд-насиҳат қиласман. Чунки улар орасида дунё янгиликлардан дурустгина воқиф кишилар борки, қани, имом-домламизининг ҳам булардан сал-пал хабари бормикан, деб кутиб ўтиради. Ўшанда сиз фақат эски галингизни қайтараверсангиз, ха, домламиз ҳам бирёклама ўқиган экан-да, бир қанотли экан-да, деб хулоса чиқаради. Имом-хатибларимиз күш мисоли кўш қанотли бўлмоғи керак. Бир қаноти диний илмлар бўлса, бошқа қаноти дунёвий илмлар бўлмоғи лозим.

Энди саволнинг бошқа жиҳати – дунёвий илм кишиларининг диний билимларни эгаллаши масаласига эътиборни қаратайлик. Пайғамбаримиз с.а.в. дунёвий касб-хунар бўйича мутахассис тайёрлаш барча шаҳар ва қишлоқ ахли елкасига фарзи кифоя деб марҳамат қилганлар. Агар улар ҳар бир дунёвий касб-хунар бўйича мутахассис етиштириб чиқармаган бўлса, ҳаммаси тенг гуноҳкор саналади. Бироқ ана шу мутахассислар фақат дунёвий билимлар билан кифояланиб, яни бирёклама бўлиб қолса, буни ҳам мақбул ҳолат деб бўлмайди. Чунки она юртимиз тарихига назар ташласак, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, борингки, юзлаб шундай боболаримиз иккιёклами билимга эга бўлганини кўрамис – улар ҳам диний, ҳам дунёвий илмни бабаравар эгаллаганлар. Бу алломалар диний илмим мумкаммал ўзлаштиригач, дунёвий илмларни ўргангандар. Зоро, улар яшаган даврларда мадрасанинг таълим усули ана шундай эди. Мана, Ҳаким Термизий бобомизни олинг. Нега ул зотни "ҳакими ҳозик" деб эъзозлашган? "Ҳакими ҳозик" диний илмлар билан бирга дунёвий фанларни ҳам foят чуқур билгувчи, деган маънони англатади. Ул зот ҳар бир нарса-ходисани туб моҳияти, фойда-заарлари билан билган. Ҳаким Термизий диний ва илмий мавзуларда 400 дан ортиқ қўймалли асар яратган; таассуфки, улардан фақат 57 таси бизгача етиб келган. Ўз даврида шариат, фалсафа, тарих, математика, тиљшунослик каби соҳаларда ул зотнинг олдига тушадиган олим бўлмаган. Бинобарин, бизнинг дунёвий олимларимиз ана шундай улуг аждодларига таассуб этмоғи, уларга ўхшашга ҳаракат қилмоғи лозим.

Бир ҳолдан кўнгил хотиржамки, бугун дунёвий олимларимизнинг ўзлари истиклолдан кейин вазият батамом ўзгарди, энди диний адабиётлар ҳам нашр бўлиб чиқяпти,

уларни ўқиб эътиқодимизни ростлаб оляпмиз, деб икрор бўлишаётир. Ҳа, мустақиллик туфайли диний илмларга ҳам, дунёвий фанларга ҳам катта йўл очиб кўйилди. Ҳар икки соҳада ҳам хеч қандай тақиқ, тазиқ ўй. Демак, яқин келажақда ҳам диний, ҳам дунёвий илмлардан кенг хабардор янги ўзбек зиёллалари етишиб чиқишидан умид қиласак бўлади.

– Тақсир, бугун ҳар бир инсон "ёввойи бозор"нинг маънавиятга таҳдидини ҳис этиб турнибди. Бунда "ёввойи бозор" яқин гумаштаси бўлмиш "оломон маданияти", унинг-да энг тубан шакллари билан иш кўяялти. Интернету уйлар томида қалашган "тарелка"лар орқали бугун у кириб бормаган бирон бир хонадон топшилмаса керак. Маълумки, исплом руҳий-маънавий компилликка даъват этувчи дин ўлароқ нозил бўлган ва аевало, шу йўлдаги энг ҳавфли ғаним – нафсга қарши жиҳод руҳи билан ўѓуррилган. "Оломон маданияти" эса одамларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга куеват беришдан ўзга нарса эмас. Шу жиҳатдан, "оломон маданияти" испломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак сира янглишмаган бўламиз. Айтинг-чи, "оломон маданияти" балосига диний воситалар билан қандай самарали кураши мумкин?

– Шариат ва тарикатда нафсу шаҳватга муносабат қандай – кеплинг, гапни ана шундан бошлийлик. Оллоҳ таоло инсонни нафсли, шаҳватни қилиб яратган. Нафс бўлмаса, шаҳват бўлмаса, инсон яшашни ҳам хоҳламайди. Бироқ Яратган эгам бизга нафсу шаҳватни ато этган-у, айни чоқда уларни меъёрлаб ҳам кўйган. Яъни нафсинизни қондиринг-у, нафспараст бўлманг, шаҳватнингизни қондиринг-у, шаҳватпараст бўлманг, дея илоҳий кўрсатма берган. Демак, асосий гап нафсу шаҳватнинг ўзида эмас, уларда меъёрни сақлай билишдадир. Бу иккисида меъёрга амал қилган киши, билингки, дунё ва охират ўртасида мувозанат ҳосил қилибди. Пайғамбаримиз с.а.в. бу ҳақда "Ўйларнинг энг яхшиси бу масжидид. Жойларнинг энг ёмони эса бозордир", деганлар. Оллоҳнинг ўй бўлган масжид инсон ёдига охиратни солади. Дунё томошахонаси – бозор эса унинг қалбида мол-мulkка ҳирсни алангалаатди. Асосан Farbdan кириб келаётган "оломон маданияти" турфа усууллар билан инсон аклини зойил этиб, унда нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Бу "маданият" инсонлар ақли устидан ҳукмронлик ўрнатиш асносида улар чўнтағига ҳам эга чиқишини кўзлайди. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш асосан ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-эътиқодига боғлиқ бўлгани каби, "оломон маданияти" домига тувиши ёки сақланиб қолиш ҳам кўпроқ унинг ўзига, шахснинг эътиқоду маърифатига боғлиқдир. Шунинг учун исплом дини ва тасаввfu таълимотидаги пурмáно ибора билан айтганда, ҳар бир инсон умри сўнгига қадар тазкиятул нафс, яъни нафсни поклаш билан машгул бўлмоғи лозим. Одамзот мoddий неъматлар яратиш соҳасида юксак тараққиётга эришаётган ҳозирги XXI асрда бунинг аҳамияти чандон ортиб кетмоқда. Чунки дўконлару бозорлар кўзни қамаштирадиган турли маҳсулотларга тўлиб-тошиб боряпти. Уларни кўрган одам бунишини олсан, унисини олсан, дея баттар нафса, орзу-ҳавасла бериляпти. Бир ҳақиқатни тан олайлики, орзу-ҳаваснинг чеки, поёни ўй. Орзу-ҳавасларни рўёбга чиқарганингиз сайн нафс янада ортигини тилайверади. Инсоннинг моҳияти танаси эмас, руҳида экан, демак, у мoddиятдан кўра, маънавий бой бўлишга кўпроқ интилмоги даркор. Орамизда ана шундай маслак билан яшётган ва шу туфайли ҳурмат топаётган инсонлар кўп. Бироқ, аксинча – нафсини деб ўзини хор-зор қилиб юрган ва шунинг оқибатида уятга қолаётганлар ҳам талай. Кўчага чиқсак, бозорга борсак, унисини ҳам, бунисини ҳам учратамиз...

Энди уйлар томида қалашган "тарелка"лару интернетнинг "оломон маданияти"ни ёйшиша бир восита бўлиб қолаётгани ҳақида икки оғиз сўз. Хеч шубҳа ўйқи, юртимизнинг ҳар бир фуқароси, жумладан, ёшларимиз сунъий йўлдошли телевидение ҳамда интернет орқали дунёни кўришга мутлақо ҳақлидир. Бироқ хорижий телеканалларда нима намойиш этилса ёки интернетда нима тарғиб қилинса, барчасини қабул қиласавериш

ҳам дуруст эмас. Биз улар орасидан имон-эътиқодимиз, анъанаю қадриятларимизга мос келадиганларинигина саралаб олмогимиз даркор. Бу мақсадга эса ёшларимизга телевидение ва интернетдан оқилюна фойдаланиш ўйларини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан истифода этишини назорат қилиб бориш орқалигини эришиш мумкин. Токи ҳали суги қотиб улгурмаган ёшларимиз маънавияти заха тортиб қолмасин.

Буни қарангки, исплом таълимотида айни саволга ҳам жавоб бор. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларига кўра, агар кўчада борар экансиз, бехос бирон аёлнинг очиқ авратига, айтайлик, очиқ қорни-белига кўзингиз тушиб қолса, дарров назарингизни бошқа ёқса олинг. Беихтиёр кўриб қолганинг учун сизга ҳеч қандай гуноҳ ёзилмайди, аммо унга ҳадеб ҳирс билан тикилиб қарайверсангиз, бу ёғига энди муқаррар гуноҳдир. Назаримда, ҳозирги телевизор ва интернет ҳам айнан шундай. Айтайлик, интернетдан зарур маълумот қидираётган пайтингизда бирдан мониторда беҳаё суратлар пайдо бўлиб қолади. Бундай чоқда сиз унга кўнгил бермай ўтказиб юбораверинг, шунда сизга ҳеч қандай гуноҳ ёзилмайди. Аммо бу суратларни тўхтатиб олиб томоша қиласангиз, гуноҳ ёзилиши муқаррар. Зеро, ҳар бир тасодифий кўз тушишига ҳам гуноҳ ёзиладиган бўлса, унда исплом дини жуда қийин дин бўлиб қолар эди.

— *Маълумки, ҳар қандай урф-акида, расм-русум одатда ё диний, ё миллий, ё умумисоний илдизга эга бўлади. Аммо никоҳ билан боғлиқ бугунги кўплаб урф-одат ва расм-русларга ҳар қанча зеҳн солманг, ана шу илдизлардан ҳеч бирини тополмайсиз – на диний, на миллий ва на умумисоний қадриятлар орасида бор бу даҳмазалар. Барча масъулиятни гарданга олиб айтиши мумкинки, бу аслида бир ҳовуч оми, лекин кибрли аёллар “ижод”и, холос. Лекин шу “ижод” яшин тезлигида чор тарафга ёйилиб кетаётгани ҳайратланарли! Ушбу салбий ҳолатга қарши бутун жамият обёқса туриши, зиёлилар қатлами эса жонбозлик кўрсатиши зарур эмасми? Бу кимгадир хаёл-парастлик ҳам бўлиб кўринар, аммо ишончимиз комилки, агар ўзбек тўю ҳашамини тартибига сола олса, соглигини мустаҳкамлаш, билимини ошириш, маданиятини юқсалтириш ўйлида жуда кўп вақт ҳамда маблаққа эга бўлади. Диний уламоларимиз бу хайрли ишга қандай ҳисса кўшиши мумкин?*

— Бизда ҳозир шундай бўлиб қолди – бўлгуси рўзгорниң бутун кам-кўстини қиз тараф қиляпти. Бу қийингина эмас, нотўғри ҳамдир. Зеро, исплом таълимотига кўра, қиз томон ҳеч қандай сарф-харажат қилиши керак эмас, қизини узатса кифоя. Чунки азиз фарзандини бағридан юлиб беряпти. Одамлар билиб олсинларки, исплом динида тўй сарф-харажати юз фоизи куёв зиммасига юкланди. Шу боис, тўй чиқимлари катта бўлмасин, малоллик етмасин, қийнаб кўймасин, дейди муборак динимиз. Исплом динига кўра, куёв зиммасига тўй сарфидан-да муҳим яна бир шарт кўйилади – йигит оиласни тебрати оладими ёки йўқми? Яъни, никоҳ орқали уч вазифа эр бўйнига вожиб бўлади. Биринчиси – аёлнинг еб-ичиши; иккинчиси – кийим-кечаги; учинчиси – турар жойи. Агар куёв ана шу уч шартни бўйнига олмаса, оила қилмасин, ҳатто, никоҳ ўқилмасин, деган тавсия бор. Шунинг учун никоҳдан олдин, куёв оиласини тебрати оладими, моддий таъминотини эплайдими, касб-хунари борми, албатта шуларни аниқлаб олмок даркор. Ваҳоланки, бизда шундай бир салбий қараш кенг томир ёйган: бўй етиб қолибди – уйлаб кўйдим; бўй етиб қолибди – узатиб юбордим. Оқибатда кўплаб ота-оналар тўйдан сўнг ҳам яна неча йиллаб фарзандларини бўкиб ётибди.

Хуллас, никоҳ тўйи сарф-харажатларини аввал қудалар ўзаро маслаҳат қилиб олиши, сўнгра эса шу фикрни болаларига ҳам сингдириши лозим. Чунки ёшлар норози бўлса, каттаплар ташвишда қолади. Шунинг учун фарзанд тарбиясига ҳали мурғаклик чогидан бошлаб катта эътибор бериш зарур. Уларни солиқ ва қобил қилиб вояга етказмоқ даркор.

— Тақсир, эндиғи савол ҳам аевалгуси билан боғлиқ, ҳатто унинг мантиқий давоми десак хато бўлмас. Мана, 2012 йил юртимизда “Мустаҳкам оила ўши” деб эълон

қилинди. Шу муносабат билан, ислом таълимоти, қолаверса, ҳаёт тажрибангизга таяниб айтинг-чи, соглом оила барпо этишининг асосий омиллари нималардан иборат? Шунингдек, бу борада оёғимизга тушов бўлаётган қайси иллатлардан қатъян воз кечмоқ зарур деб ҳисоблайсиз?

– Инсон борки, ота-онадан бунёд бўлади ва оиласда вояга етади. Оллоҳ таоло Куръони каримда оила бўлиб яшаш зарурлигини бир неча ўринда марҳамат қилади. Эр-хотин сулх билан тотув-иноқ яшасин, бир-бирига хурмат-иззат кўрсатсин, деган мазмунда кўплаб ояти карима нозил этилган. Агар ўртада низо чиқиб, эр-хотин уришиб қолса, қандай ярашириш керак – шариат бунга ҳам йўл-йўрик кўрсатади. Оллоҳ қаломида эр-хотин ҳаки, оила таъминоти, фарзанд тарбияси батафсил тушунтирилган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳам эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар муносабати ҳакида юзлаб ҳадислари бор. Оиланинг мустаҳкамлиги аёлларга адолатли муносабат билан боғлиқидир. Шу сабабдан, Пайғамбаримиз с.а.в. видолашув ҳажи чоғида сўнгги васиятларини баён этиб айтдиларки, аёлларнинг иззатини жойига кўйинг, улар билан ҳуда-бехуда жанжал чиқариб, можаро қилманг, кўл кўтариб зулм этман! Бас, шундай экан, эр-хотин тинч-тотув яшаса, фарзандлар ҳам, куш уясида кўрганини қилади деганларидек, албатта ота-онасидан намуна олади. Келажакда бизлар ҳам, иншооплоҳ, ота-онамизга ўшраб ибратли турмуш қурамиз, деган ниятияни дилига тутади.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши оилавий масалаларга чукур андиша билан дикқатни жалб этишимиз учун зўр асос бўлди. Ушбу йилда қандай қилсан, оиласа бахти бўладиу ўғил-қизларимиз қобил, солих фарзандлар бўлиб этишади – барча олиму уламоларимиз, шоиру ёзувлчиларимиз ана шу саволлар устида жиддий бош қотириб, халқимизга аниқ тавсиялар, фойдали маслаҳатлар беради, деган умиддаман.

– Мұхтарам шайх, тўғриси, бу саволни берсамми-бермасамми, деб кўп мулоҳазага бордим... Гоҳо “фalon масжиднинг имом-хатиби данғиллама иморат солиб, қўшинисини қўёш нурию тоза ҳаводан бебаҳра этгани учун, мана бир йилдирки, судма-суд юрибди; фалон диний мутасадди ота-онасини ҳажга жўнатиши ниятида борган ўғилдан пора талаб қилиб кўлга тушишибди” қабилидаги узункулоқ гаплар оралаб қолади. Бундай мишишиларда қанчалик жон бор, биздан кўра Сизга аўнроқ. Лекин, не тоғки, халқимиз – соддадил, ишонуҷчан, “шамол бўлмаса, дараҳтнинг учи қўмирламайди” нақлига кўра, дарров хулоса ясайди-кўяди. Бу эса нафақат ахли ислом, балки дини ислом обрўига ҳам путур етказиши тайин. Мўмин-мусулмонларга раҳнамо бўлмиш уламолар жаноб Пайғамбаримиз с.а.в. бир қавам бўйра устида яшаб ўтганларини ўришва тама қилган амалдор охиратда қаттиқ жазога мустаҳқ бўлишини барчадан яхши билади-ку, ахир...

– Биз диний уламолар ва имом-хатиблар иштирокида бўладиган йигинларда, барча мусулмон қавми сизнинг ҳар бир сўзингиз, ҳар бир ишингиздан ибрат олади, шунинг учун сизларга жамоат жойларида, халқ ичидаги юриш бошқалардан қўйинроқдир, дея қайта-қайта тақорлаймиз. Ҳаёт шундайки, оддий одамларда ҳар қанча айб-нуксон зуҳур бўлса ҳам бошқалар учна эътибор қилмайди. Аммо элга панду насиҳат қилиб юрган диний уламолар, имом-хатибларда жиндак нуқсон сезилса, халқ кўнглида, бу мулла оммани бир ишга даъват қиласа экан-у, ўзи бошқа ишни қиласа экан, деган шубҳа пайдо бўлади. Тўғри-да, ўзи минбарда туриб дунёпааст бўлмагнлар, дунёга ружу қўймагнлар деса-ю, маҳаллада энг баланд иморат шу имом-домланини бўлса, бу албатта хунук ҳол. Минг бор таассуфки, сиз тилга олгандек, дунёга ружу қўйиб халқ оғзига тушган кимсалар орамизда йўқ эмас. Элу юртда пешкадам бўлдим, юксак мартаబаларга лойиқ топилдим, барча менга таъзим қилипти деб ўзига бино кўйиш, манманликка бориш оқибати бу. Бироқ беш кўл баробар эмас, шундай имом-хатиблар, диний уламоларимизни ҳам биламизки, улар жуда камсукум, ўтрамиёна яшайди, агар озроқ давлат

орттирса ҳам муҳтоjlарга эҳсон қиласи. Шу ўринда ахли мусулмонга ибрат бўлиб яшаган бир улуг зот ҳақида икки оғиз сўзлаб беради. Фаргона вилоятининг Риштон туманида яшаб ўтган бу азиз инсонни Мамажон қори почча деб аташарди. (Оллоҳ у кишининг охиратини обод қилган бўлсин!) Бу кишидаги камтарлик ҳеч кимда йўқ эди. Ҳар қандай одам билан шундай гўзал муюмалада бўлардиларки, тътифини айтиб адогига етолмайсиз. Бу зот жуда камтарона, ҳатто, хароботийга ўхшаб яшар эдилар. Сабаби – мол-дунёга сира хирс қўймаган эдилар. Бу кишининг испом динига даъватлари ҳам foят зукколик ва ҳалимлик билан бўлар эди. Шу ўринда, ул зотнинг ўзидан эшитган бир ибратли воқеани айтиб беради. Мамажон қори почча бир кишининг ифторликка борибдилар. Уй эгаси ўн-ўн беш кишини саралаб айтган экан. Рўздорлар оғизни очгандан кейин шом намозини ўқишига туришибди. Шунда бир киши астагина сафни тарқ этиб, кўчага чиқиб кетибди. Қори почча билибдиларки, бу киши нағозон эмас – кўшничилик ҳаки юзасидан айтилган. Ифторлик тутагб, хайрлашаётган пайтда қори почча ҳалиги одамни четга тортибди-да, “Сиз ҳали шомни жамоат билан ўқийвермасдан уйингизда ўқиб чиқдингиз-а, – дебди сал гина оҳангиди. – Жамоат билан ўқиганданнинг савоби якка ўқигандан йигирма етти марта зиёда бўлади. Бундан кейин жамоатни ташлаб ёлгиз ўқиманг, маъкулми?..” “Бир ойдан сўнг ҳалиги одам билан кўчада яна кўришиб қолдик, – дебди ҳикоясини якунлаган эди қори почча. – Ана ўша гапингиздан кейин нағозон бўлиб қолдим деб қўлларимни ўпб миннатдорлик билдирияпти боёқши”. Ана, қаранг, мақолда айтилади-ку, ширин сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқар деб! Бир эслаб кўринг-а, тарикат йўлига кирган азиз-авлиёларимиз қандай бўлишган? Улар ўзлари эмас, ўзгалар манфаатини устун кўришган. Ҳақиқий дин пешволари ана шундай бўлмоғи лозим.

– “Жондин ортуқ түхфани жон ичра пинҳон истадим”, деба нидо этади Навоий ҳазратлари бир ғазалида. Улуғ шоир қаламидан чиқкан ҳар бир дурдона каби айни сатрни ҳам бир неча маънода шарҳлаш мумкин. Аммо бу талқинларнинг барчасида тириклик магзини, ҳаёт маъносини кашф этишга кучли иштиёқ алансаланиб туриши шубҳасиздир. Сиз бузунги серғавго дунёнинг жончалак кишиларига ҳар сония, ҳар қадамда дуч келасиз. Ана шундай вақтда уларга дуо ва ўғит ўйсуниди, ҳаёт маъноси, умр мазмунини англаш юзасидан қандай маслаҳатлар берасиз?

– Мен барча инсонлар эзгулик ва хайриҳоҳликни қалбларига чуқур жойлаб олишини тилардим. Ҳар бир инсон ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриб яшаса, ўзгалар толеига ҳасад эмас, ҳавас билан боқса, Парвардиго, менга ҳам баҳту иқбол ато эттил, деб сўраса, одамзотдан кин, адоват каби иллатлар узоқ бўлса дейман. Бизнинг ота-боболаримиз, айнича, буюк аждодларимиз бу борада дунё ахлига намуна бўлиб келган. Бас, шундай экан, биз ҳам уларнинг муносиб авлодлари ўлароқ, диний-миллий қадриятларни саклаган ва замон билан ҳамнафас яшаган ҳолда, ҳам моддий тараққиёт, ҳам маънавий камолотда барчага намуна бўлмоқча ҳаракат қиласилик. Зоро, Пайгамбаримиз с.а.в. “Эй мусулмонлар, бир чиройли чехрага бир гўзал хол қандай ярашади! Сизлар одамларнинг ичida ана шу холга ўхшашга ҳаракат қилинглар. Мусулмонлар деганда, биз уларни биламиз – яхши одамлар, деб ҳавас қилишсин”, дедилар. Биз, мусулмонлар бутун инсоннинг юзидағи гўзал ҳолдек бўлиб яшашга аҳду паймон қўлпайлини ва Оллоҳ таолонинг ўзи бизларни бу эзгу ниятимизга муваффақ айлаган бўлсин. Вассалому алайкум роҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

**Муҳиддин АБДУЛҒАФФОР сұхбатлашди.**

Баҳодир ЗОКИР

# “Osiyo yo‘Ibarslari”: liberallashuvning sharqona tajribasi

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги баъзи ривожланаётган мамлакатлар изчил испоҳотлар йўлига кириб, йигирма йил ўтар-ўтмас бу борада эришган ютуклари билан бутун дунёни ҳайратга солди. Ушбу ўринда биз бугунги кунда “Осиё йўлбарслари” дея аталаётган Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Малайзияни назарда тутмоқдамиз. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида статистик маълумотларга назар ташласак, айнан шу мамлакатлар (Хитойни истисно этганда) иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича етакчилик қилганига амин бўламиз. Бу мамлакатларнинг жаҳон бозорига ракоబатбардош маҳсулотлар етказиш, олтин-валюта захирасининг ҳажми ва энг муҳими, аҳоли фаронвонлигини таъминлаш борасида эришаётган ютуклари барчага аён.

Хўш, бу ютукларни қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? Бир вақтлар ўта қашшоқ бўлган мамлакатлар қандай килиб бу қадар юксак тараққиётга эришди? Масалага ойдинлик киритиш учун ушбу мамлакатларнинг ривожланиш йўлига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бу ютуклар ҳар томонлама пухта ўйланган испоҳотлар стратегияси, аввало, иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий



тадбиркорликка кенг йўл очиш, демократик бошқарувни ҳар бир мамлакат миллий месоси, менталитети ва ўзига хос хусусиятлари билан уйғун ҳолда жорий этиш, хуллас, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати изчил амалга оширилгани билан изоҳланади.

Бинобарин, бу давлатларда ҳам, умуман, Жануби-Шарқий Осиёда ҳам либераллаштириш жараёни бир хил ва изчил кечгани йўқ. Дейлик, “Осиёй йўлбарслари”га кўнши давлатлар – Хитой, Лаос, Камбоджа ва Вьетнамда бозор муносабатларининг айрим механизмларига таяниб амалга оширилган испоҳотлар ўша мамлакатларнинг сиёсий тузилмаси – авторитар ҳокимиятни ўзгартиргани йўқ. “Осиёй йўлбарслари” мамлакатларида эса давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини испоҳ этиш, эркинлаштириш кўзга ташланади. Бу борада уларнинг ҳар бири мураккаб ва машқиатли тараққиёт йўлини босиб ўтишига тўғри келди. Масалан, айрим мутахассислар Жанубий Кореяning мамлакат иккига бўлиниб кетгандан кейинги аянчи аҳволини изоҳлаб, “урушдан олдинги саноат ва хомашё захираси буткул Шимолий Кореяга ўтиб кетгани”, ночор қолган одамлар “дарахт пўстлоги ва каламушларни еб жон сақлашга мажбур бўлгани”ни таъкидлайди. Аммо орадан йигрма йил ўтгач, мамлакат жадал тараққиёт йўлига кириб, саноат маҳсулотлари, хусусан, кемасозлик, кимё, замонавий коммуникация ва компьютер технологиялари бўйича жаҳондаги етакчи дав-

латлар қаторидан ўрин олиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз?! Таъкидлаш жоизки, мазкур мамлакатларда ривожланган Фарб давлатларининг тараққиёт моделлари ва демократия тамойилларига кўр-кўронна таклид қилинган эмас. “Осиёй йўлбарслари” Фарб тажрибасини инкор этмаган ҳолда унинг ижобий жиҳатлари, афзалликларини ўзининг тарихий шарт-шароити, азалий қадриятлари ва менталитетига мувофиқ шаклда татбиқ этгани эътиборлидир. Бу мамлакатларнинг барчасида испоҳотларнинг бош ташаббускори давлат бўлган.

Шундай қилиб, 50-60 йилларда Жанубий Корея ҳукумати етакчилигига амалга оширилган испоҳотлар стратегияси, бир томондан, испоҳотларнинг давлат томонидан бевосита бошқарилишини, иккинчи томондан, хусусий тадбиркорликка, айниқса, аграр соҳада кенг йўл очиб берилишини назарда туттан эди. Чунончи, аграр испоҳотларнинг дастлабки босқичларида асосий эътибор импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришга қаратилган бўлса, 60-йиллар бошидан экспортга кўйилган барча чекловлар бекор қилиниб, хорижга рақобатбон маҳсулот чиқариш масаласи кун тартибига кўйилди ва муваффақиятли амалга оширила бошлади. Натижада 1965-80 йиллар оралиғига экспорт қиймати 800 марта, экспортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши эса ўн марта – 3 фоиздан 32 фоизга ошиди. Шу йиллар мобайнида ялпи



миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳам узлуксиз ошиб борганини кўриш мумкин. Хусусан, 1953-61 йилларда бу кўрсаткич 4,5 фоиз, 1962-67 йилларда 8,7 фоиз, 1967-72 йилларда эса 11 фоизни ташкил этган. 2008-2009 йилларда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори “Осиё йўлбарслари” мамлакатлари, айниқса, Жанубий Корея иқтисодиётiga жиддий путур етказган бўлсада, мамлакат инқизор оқибатларини бартараф этишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Албатта, Жанубий Кореядаги исплоҳотлар муваффақиятида Фарб мамлакатлари, айниқса, АҚШнинг молиявий кўмаги, имтиёзли кредитлари мухим аҳамият касб этганини қайд этиб ўтиш лозим. Қолаверса, “Корея мўъжизаси”нинг дунёга келишида етакчи ўрин тутган юқори малакали мутахассису менежерларнинг аксарияти АҚШ ва бошқа ривоҷланган Фарб мамлакатларида таҳсил олгани ҳам эътиборга молик. Бугун улар мамлакатнинг иқтисодий куч-кудрати ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигининг асосий омилига айланган “ўрта синф”, ўзагини ташкил этади.

“Осиё йўлбарслари” ўтказган либералаштириш ва демократлаштириш исплоҳотларида бюрократик тўсиқларни мумкин қадар олиб ташлаш ва иқтисодиётда давлат сектори улушини қисқартириш алоҳида ўрин эгаллади. Исплоҳотлар мобайнида мазкур мамлакатлар хукумати давлат корхоналари саноат ривожини жадаллаштириш ўрнига, аксинча, унинг йўлига тўсиқ бўлаёттанига ишонч ҳосил қилгач, асосий эътиборни хусусий тадбиркорликка қаратди. Хусусан, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби мамлакатларда хусусий тадбиркорликни қонун воситасида кўллаб-қувватлаш билан бирга, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, банк соҳасини либераллаштириш, фонд биржалари сонини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклаш масалалари устувор аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, Фарб назариётчиларининг айрим хulosалари, жумладан, иқтисодий ривожланиш даражаси юқори

мамлакатда демократия муқаррар қарор топади ва такомиллашиб боради, деган қарашлари Жанубий Корея амалиётига унчалик ҳам мос келмайди. Чунончи, президент Пак даврида (1963-79) иқтисодий ўсиш суръатлари узлуксиз ошиб борган бўлса-да, мамлакатда ҳарбийларнинг авторитар бошқарув тизими ҳукмонронлик қилиб, демократия тамойилларини жорий этиш борасида сезиларни ўзгаришлар кўзга ташланмаган. Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, назарий жиҳатдан қараганда, “Корея мўъжизаси ҳаддан ташкари авторитар тузум шароитида ҳам намоён бўлиши ва ривожланиши мумкин” (қаранг: *Авторитаризм и демократия в развивающихся странах*. М., “Наука”, 1996, стр.132).

Шу билан бирга, 70-йилларда вужудга келган вазият, аҳоли қатламлари, хусусан, бой ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг кескинлашуви, солиқлар микдорининг ортиши, истеъмол моллари нархининг ошиб бориши ижтимоий норозилик кучайишига сабаб бўлди. Бунинг устига, иқтисодий исплоҳотлар жараёнида шаклланниб, оёққа туриб олган, бироқ сиёсий фаолиятга етарлича жалб этилмаган “ўрта синф” ҳам ўз улушкини талаб қила бошлади. Бу ҳол авторитар бошқарувдан воз кечиб, чинакам либерал исплоҳотларни амалга ошириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида демократик қадриятларни қарор топтириш, айниқса, сиёсий янгиланиши жадаллаштириш фуррати етганидан далолат беради. Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан ютуқларни кўлга кириптанига қарамай, ҳозирда ҳам сиёсий бошқарувни эркинлаштириш ибтидосида турибди. Ҳар ҳолда мазкур давлатнинг эллик йиллик ривожланиш тажрибаси тараққиётнинг муайян босқичларида исплоҳотларни авторитар услублар воситасида бошқариш ижобий натижа бериши ва энг мухими, авторитаризм босқичма-босқич демократия сари етаклаши мумкинлигини кўрсатади.


Бу хulosса “Осиё йўлбарслари” сирасига кирадиган яна бир давлат – Тайванга ҳам дахлдор. 1949 йили Япония колонияси бўлган бу мамлакат, қарийб 50 йиллик қарамлиқдан сўнг мустақилликни кўлга ки-

ритди. Тайвань тажрибасининг аҳамияти шундаки, қолоқ ва қашшоқ бир мамлакат 50 йил ичидаги ҳар жиҳатдан ривожланган, эркин демократик жамият барпо этиб, дунёдаги юксак тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олди. Шу йиллар мобайнида Тайвань эришган ютуқлардан ақл шошиди. Агар 50-йилларда мамлакатда асосан пахта матолар ва кимёвий воситалар тайёрланган бўлса, 70-йилларга келиб у саноат маҳсулотлари экспорт қиливчи йирик давлатга айланди. 1952-95 йилларда йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизини, аҳоли жон бошига ҳисоблагандан эса 6,3 фоизни ташкил этган. Тайвань улкан валюта захираси (2005 йилнинг бошинда – 299,7 миллиард доллар) ва эркин инвестиция капиталига эга курдатли давлат ҳисобланади. Ҳатто 1997 йили Осиёда рўй берган инқироз минтақанинг аксар мамлакатлари иқтисодий ва молиявий тизимини издан чиқарган бўлса-да, унинг оқибатлари Тайвань иқтисодига жiddий путур етказгани йўқ. Бу ҳол мамлакат иқтисодиёти мустаҳкам асосга таянгани, испоҳотлар стратегияси тўғри белгиланганни билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, тарихан

қиска муддатда табиий хомашё захираларига эга бўлмаган мамлакатнинг бундай улкан ютуқларни кўлга киритиши чиндан ҳам ҳайратланарларидир.

Мазкур мамлакатда испоҳотлар, Хитойда бўлгани каби, агарар соҳани испоҳ қилиш ва хусусий оиласавий фермаларни ташкил этишдан бошланди. Атиги тўрт йил ичидаги (1949-53) ўз ерига эга бўлган қишлоқ оиласарининг улуши 61 фоиздан 92 фоизга ошиди (ўша манба, 115-бет). Ер испоҳоти мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ривожига замин ҳозирлади. Тайванда саноат ривожининг ўзига хослиги ба будора эришилган ютуқлар, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиши ҳамда кўллаб-куватланиши билан изоҳланади. Бугунги кунда Тайванда фаолият юритаётган 770 мингдан кўпроқ кичик ва ўрта компанияларининг 150 мингдан зиёдроги экспортбор маҳсулот ишлаб чиқарди ва мамлакат аҳолисининг 70 фоизини иш билан таъминлайди (ўша манба, 116-бет).


Тайвань иқтисодий стратегиясининг ташкизи бозорга йўналтирилганни ўзини оқлади. Экспортнинг йиллик ўсиш суръатла-



ри 50-йилларда ўртача 6 фоизни ташкил этган бўлса, 70-йилларда бу кўрсаткич 32,6 фоиздан ошди. Экспорт таркибида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Агар 1951 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортдаги улуши 91,9 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1990 йили вазият тамоман ўзгача тус оғди: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши 4,4 фоизни, саноат маҳсулотлари улуши эса 95,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатдаги жадал иқтисодий ривожланиш ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, ўрта синфнинг курдатли ижтимоий кучга айлангани жамиятда сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги учун шарт-шароит тугдирди. Зоро, мамлакатда вужудга келган кўплаб жамоат бирлашмалари ва ассоциациялар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий жараённинг фаол иштирокчисига айланди. Бундан ташқари, Тайвань ҳукумати томонидан эрkin бозор тамойилларининг эътироф этилиши, Farb мамлакатлари билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши, аҳоли билим даражасининг ошиши, дунё-қарашининг ўзгариши жамиятда демократия тамойиллари ва либерализм гояларининг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Бошқача айтганда, жамият ҳаётини авторитар бошқариш услублари янги воқелик та-

лабларига жавоб беролмаётгани аён бўлиб қолди. Оқибатда Тайвань раҳбарияти мамлакатда сиёсий испоҳотларни жадаллаштириш, кўппартиявилик тизимини вужудга келтириш, жамият сиёсий бошқарувининг услугуб ва мезонларини демократия талаблари асосида ўзгариши зарурлигини англаб етди. 1980 йили Тайванда муқобиллик асосида илк президентлик сайлови ўтказилди. Шундан бўён сайловлар барча сиёсий кучлар, жумладан, мухолифат иштирокида ўтказиб келинмоқда. Шунга қарамай, Тайванда ҳукукий демократик жамиятни барпо этиш масаласи ҳали кун тартибидан олинган эмас. Аксарият таҳлилчиларнинг фикрича, ҳозирги вақтда Тайвань авторитар бошқарув тизимидан демократия сари илдамлаб бораётган давлатлардан биридир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақиллик арафасидаги чиқишларининг бирида Тайвань сингари давлатлар тараққиёти ва эришган ютуқлари ҳақида фикр юритиб, бундай деган эди: "...ўзингиз дунёга қаранг, бир вақтлар катта давлатларнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Кореяда, Таиландда, Гонконгда қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Бу ўлкаларда қандай кадрлар, қандай ақлзаковат эгалари этишиб чиқмоқда, улар қандай мўъжизаларни яратмоқда?" (Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эриши осностасида. Т., "Ўзбекистон", 2011, 39-бет). Юртошимизнинг бу эътирофи "Осиё йўлбарслари"дан яна бири – Сингапурга ҳам бевосита даҳлдордир.

Маълумки, дунёда келажак авлодлар тақдири ва истиқболи ҳақида қайтурмай, фақат табиий бойликларни сотиш эвазига кун кечираётган катта-кичик мамлакатлар оз эмас. Умуман табиий бойликларга эга бўлмаган, ҳатто осмонўпар биноларни барпо этиш учун кум, канализация эҳтиёжлари учун сувни ҳам сотиб олишга мажбур бўлган митти давлат – Сингапур бугун жаҳондаги энг бой мамлакатлардан бирига, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ЯИМ миқдори бўйича (27,5 минг АҚШ доллари) энг юқори кўрсаткича эришган давлатга айланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мутахассислар сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнинда Синга-



гапур иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича дунёдаги энг ривожланган давлатлардан ўзбек кетганини таъкидламоқда. Бундан-да ажабланарлиси – мамлакат миллый даромадининг чорак қисмидан ортиқроги юксак технологиялар, жумладан, ахборот-коммуникация ва биотехнологиялар соҳасида яратилмоқда.

На табиий бойликларга, на ўзлаштириш ва фойдаланиш учун ер-сувга эга бўлган бу митти давлат қандай қилиб бундай мўъжиза яраттани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Гап шундаки, 1965 йили мустақилликка эришганида Сингапурнинг ўта меҳнаткаш, изланувчан, янги билим ва инновацияяга чанқоқ ахолисидан бўлак бойлиги бўлмаган. Ана шу одамлар Сингапур исплоҳотларининг отаси – Ли Куан Ю (36 ёшли, маълумоти бўйича хукуқшунос, Кэмбриж университети битирувчиси, Сингапур Халқ ҳаракати партияси раиси, мамлакат Баш вазири) бошчилигига мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. Бироқ исплоҳотларнинг дастлабки боскичларида Ли Куан Ю ва унинг сафдошлари жиҳдий муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал этишининг янги, ноанъанавий йўлларини излашдан бошка чораси қолмаган эди. У ўз эсадаликларида ўша вақтдаги мураккаб вазият ҳақида, хусусан, бундай деб ёзган: “Кўп йиллар мобайнидаги синов ва хатолар, баъзан боши берк кўчага кириб қолиш ҳолатларидан сабоқ чиқариб, Сингапурга Америка трансмиллий корпорацияларини (ТМК) жалб этиш бизни қўйнаётган муаммоларни ечишда энг мақбул йўл бўлади, деган хulosага келган эдик... Зоро, Америка ТМКлари туфайли мамлакатга юксак ишлаб чиқариш технологияларини олиб кириш ва энг муҳими, кўплаб иш ўринлари яратиш имкони түғиларди” (Ли Куан Ю. Сингапурская история: из “третьего мира” – в первый. М., 2005, стр.58-59). Ли Куан Ю ўша даврда айниқса коммунистик ва “учинчи дунё” мамлакатлари иқтисодчилари орасида кенг тарқалган қараш – “ТМКлар арzon ер, меҳнат ва хомаше захираларини тасарруf этишдан манфаатдорлиги ҳамда мустамлакачиларниң гайриинсоний сиёсати давомчилари” деган тасаввурларнинг асосизлигини таъ-



кидлайди. “Учинчи дунё мамлакатларидағи кўпгина ётакчилар, – деб ёзди Ли Куан Ю, – ана шу тасаввурнинг тўғрилигига шубха қильмасди. Сирасини айтганда, бу менга ҳам, сафдошларимга ҳам заррача таъсир қилгани йўқ. Зоро, биз ўша вақтлар ўта мухим ҳаётий масалаларни ҳал этиш билан машғул бўлиб, қандайдир тасаввур ва ақидалар атрофида баҳс юритишига вақтимиз ҳам, хоҳишнимиз ҳам йўқ эди. Қолаверса, Сингапурда вазият тамоман ўзгача эди. Чунки мамлакатимизда ТМКлар эксплуатация қилиши мумкин бўлган табиий бойликларнинг ўзи йўқ эди. Бизнинг асосий бойлигимиз бу – меҳнаткаш ҳалқимиз, анчагина мукаммал инфратузилма ва кечро кундуз ишлашга тайёр бўлган ҳукуматнинг шакллантирилгани эди” (ўша манба, ўша бет).

Нафсиамри, Сингапур раҳбарияти қўши мамлакатларнинг иқтисодий тазиқи куячаяётгани, улар билан савдо-сотиқ ҳажми тобора камаётгани, 1961 йили Малайзия Федерацияси таркибига кирганни ҳеч қандай самара бермаётганини (1965 йилда Сингапур федерация таркиbidan чиқиб кетади) эътиборга олиб, асосан Farb мамлакатлари ҳамда Япония билан мустаҳкам алоқаларни йўлга кўйиш, ана шу мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари ва инвесторларини мамлакатга жалб этиш, жаҳон бозорига рақобатбон маҳсулотлар етказиш, қандай бўлмасин ривожланган давлатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қарор топган андозалар даражасига эришишни мақсад қиласди. Ўзини тўлиқ оқлаган мазкур стратегия асосида амалга



оширилган испоҳотлар тарихан қисқа вақтда Сингапур иқтисодиётининг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланишига, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига, баъзи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳатто улардан ўзиди кетишига хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари мустақиллик арафасида ана шу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш масаласини кун тартибига қўйиб, "Биз велосипед ихтиро қўймаслигимиз, балки Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Биз яна беш йил чида бутишига розимиз, аммо чet эл технологияси, техникасига, одамлар яшайдиган жойларга яқин корхоналарга эга бўлишимиз зарур" (Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида. Т., "Ўзбекистон", 2011, 287-бет), дея таъқидлаган эди. Ушбу муҳоҳазаларни "Осиё йўлбарслари"нинг тараққиёт йўли, эришган ютуклари, жамиятни либераллаштириш борасидаги тажрибаси ўша кезларда мустақиллик сари илк қадам қўйган Ўзбекистон учун нақадар катта аҳамият касб этганининг эътирофи сифатида баҳолаш мумкин.

Бугунги кунга келиб Сингапур электроника ва ускунасозлик, оптик ассоблар ва линзлар, самолётсозлик, нефть ва газ ишлаб чиқарувчи платформалар, компьютер техникиси, кемасозлик, металлургия ва бошқа кўплаб соҳаларда улкан натижаларни кўлга киритди. Бундан ташқари, у илмий-тадқиқот салоҳияти ва имкониятига кўра, Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи давлатига айлан-

ди. Бу мўъжазгина давлат-شاҳарда фаолият юритаётган 170 та илмий тадқиқот институти энг мураккаб технологияларни ишлаб чиқариш билан шугулланмоқда, иккита университет ва иккита политехника институти юксак малакали мутахассис ва менежерларни етишибди бермоқда.

Аксар мутахассис ва сиёsatчилар Сингапурнинг молиявий-иқтисодий ва илмий-технологик тараққиётда бундай оламшумул ютуқларни кўлга киритишида фақат биргина шахс – Ли Куан Ю "айброр" эканини таъқидлайди. Чунончи, Япониянинг собиқ Бош вазири Киити Миядзава "У деярли бир ўзи кичкина оролни буюк давлатга айлантира олди" деган бўлса, америкалик таникли давлат арабоби ва сиёsatшунос Генри Киссинжер Ли Куан Юнинг "Сингапур тарихи: "учинчи дунёдан" – биринчиси томон ўйл" китобига ёзган муқаддимасида испоҳотларнинг дастлабки босқичларида Сингапур етакчиси жуда чигал, фоят оғир муаммоларга дуч келгани ҳақида тўхталиб, "Тарихий тажриба ўта мураккаб вазиятларда ноёб қобилият соҳиби, етакчининг ақл-заковати ёрқин намоён бўлишидан далолат беради. Шу маънода, Сингапурда вазият устун келадими ё етакчи шахси деган масала Ли Куан Ю фойдасига ҳал бўлган эди" (Киссинжер Г. Предисловие// Ли Куан Ю. Сингапурская история: из "третьего мира" – в первый. М., 2005, стр.7), деб таъқидлайди.

"Сингапур мўъжизаси"нинг яна бир ҳал қўйувчи омили испоҳотларнинг дастлабки босқичларида ё пухта тайёргарлиқдан ўтган малакали мутахассис ва менежерларни тарбиялаб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Ли Куан Ю бу ҳақида шундай деб ёзган: "Умуман ҳеч қандай амалий тажрибага эга бўлмаса ҳам, биз истеъоддли ёшларимизнинг маънан поклиги, ақл-заковати, гайрат-шилоатига ишонар эдик. Мактаб битирувчилари орасидан саралаб олинган кўплаб қобилиятили ёшлар Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Германия, Франция, Италия, Япониянинг энг нуфузли университетларига, молиявий ахволимиз бир оз ўнгланиши билан – АҚШнинг етакчи илмий ва ўқув мар-

казларига жўнатилди. Вақт ўтиб, улар орасидан зўр тадбиркорлар, бугун дунёда шуҳрат қозонган компаниялар раҳбарлари етишиб чиқди” (ўша манба, 68-бет).


Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг барча босиқичларида давлат, худди Ўзбекистондаги каби, бош ислоҳотчи бўлган ва ўзгаришларнинг хеч бир жиҳати унинг назоратидан четда қолмаган. Масалан, кўпгина соҳаларда бозор механизмлари ўта эҳтиёткорлик билан татбиқ этилганини қайд этиш лозим. Ли Куан Ю, “Бугунги кунга келиб гуллаб-яшнаган компанияларимиз дастлаб вазирлар ва вазирликларнинг назорати остида ташкил этилди. Оёққа туриб, самарали фаолият юрита бошлиши билан улар вазирликлар назоратидан холи мустақил компанияларга айлантирилди” (ўша манба, ўша бет), деб таъкидлаган эди.

Мустақиллиқдан кейин Сингапурда инглиз қонунчилик тизими мерос бўлиб қолган бўлса-да, ушбу мамлакатда йиллар мобайнида шаклланган демократиянинг ўзига хос шакли қарор топди. Унинг хусусиятлари қўйидаги жиҳатлар билан белгиланади. Биринчидан, бутун ҳалқ иродаси эркин, адолатли, узлуксиз, муқобил ва кўпартиявийлик асосида ўтказиладиган сайловларда намоён бўлади; иккинчидан, мамлакатда барчанинг қонун олдида тенглиги амалда таъминланган, фуқаронинг қайси гурух ёки табақага мансублиги эмас, унинг қобилияти, ишбильармонлиги, ватанга садоқати каби фазилатлари қадрланади; учинчидан, низо ва бошбошдоқлик шароитида демократия ривожланиши мумкин эмас деган тушунча сингапурликлар онгига сингдирилган сабабли улар ижтимоий-сиёсий баркарорларни олий қадрият сифатида эъзозлайди ҳамда миллий тараққиёт, иктисодий ривожланиши ва хорижий инвестицияларни жалб этишининг бош омили деб билади; тўртинчидан, мамлакат ҳукумати ўз ваколатлари доирасида амалга оширган ишлари бўйича доимий равишда ҳалқ олдида ҳисоб бериши анъанага айланган; бешинчидан, мамлакатда кучли давлат идоралари ва ривожланган фуқаролик жамияти институтлари, ўз ижти-



моий-сиёсий масъулиятини чукур англаган матбуот шакллантирилган (масалан, Гарб оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, Сингапур матбуоти давлатга қарши муқобил институт эмас, мавжуд муаммолар юзасидан танқидий мулоҳаза юритиб, уларни ҳал этиш борасида амалий, конструктив таклиф ва ёндашувлар ишлаб чиқадиган ўзига хос минбар сифатида эътироф этилади); оптинчидан, Сингапур Конституциясида фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий белгилаб қўйилган бўлса-да, мамлакат раҳбарияти, ҳукумат азъоларининг фаолияти асоссиз танқид қилинишига йўл қўйилмайди, шу билан биргалиқда, сиёсий жараёнпарда иштирок этишини ихтиёр қилган, муайян муаммоларга барҳам бериш юзасидан амалий тақлифларини ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлган ҳар бир шахс сиёсий фаолиятга тортилади; еттинчидан, мамлакатда, аксарият ривожланган ва ривожлананётган давлатлардан фарқли ўлароқ, ўғрилик, зўравонлик, гиёҳванд моддалар сотиши ва иштемол қилиш, коррупция жиноятларига қарийб барҳам берилган.

Хуласа қилиб айтганда, “Осиё йўлбарслари”нинг тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ этиш таҳрибаси, демократик қадриятларни миллий қадриятлар билан мувофиқ ҳолда жорий қилиш борасида зришган ютуқларининг мезон ва омилларини ўрганиш аксарият ривожлананётган давлатлар учун назарий ва амалий аҳамият касб этиши шубҳасизdir.



“Эркинлик” атамасига фалсафий лугатларда одатда бундай изоҳ берилади: “Эркинлик – инсоннинг олдига кўйган мақсадларига эришиш йўлида ўз ниятлари, хоҳишистаклари ва манфаатларига мос тарзда фаол ҳаракат қилиш қобилияти” (Философский энциклопедический словарь. М., “Советская энциклопедия”, 1989, стр. 569). Бир қарашда ҳаммаси аниқ-равшандек: эркинлик – инсондаги қобилиятлардан бири. Лекин ана шу қобилиятдан фойдаланиш – ғоят мураккаб жараён. Бу жиҳатдан уни ўта мажхул, ноаник, ўзгариб турувчи тушунча дейиш мумкин. Эркинлик қадим-қадимдан инсонни

Абдулла ШЕР

## ERKINLIK, IXTIYOR VA IRODA

оҳанрабодек ўзига тортиб келади. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бутун инсоният тарихи ҳам, алоҳида инсон ҳаёти ҳам аслида эркинлик учун курашдан иборат. Бироқ у амалда ҳамма вақт ҳам ижобий ҳодиса сифатидаги моҳиятини сақлаб қололмайди. Бу ҳаҷда буюк олмон файласуфи В.Виндельбанд шундай деган эди: “...ўтмишда эркинлик номи остида кўп улуғ ишлар амалга оширилган, лекин айнан уни рӯкач қилиб қанчадан-қанча гуноҳлар ҳам содир этилган. Одам ҳаёлига келтирганида юраги дукилаб уриб кетадиган шу қалом билан қанчадан-қанча жинояту нодонликлар, эҳтирос алдовиу сўқирликлар ўзини безади ва безамоқда” (Виндельбанд В. О свободе воли. Минск – Москва, “Харвест” – “АСТ”, 2000, стр. 8). В.Виндельбанд фикрини давом эттириб, “эркинлик” атамасининг мазмуни сиёsat ва фалсафа оламида ҳануз турлича талқин этиб келаётганини, “ҳақиқий

Буюк Абдулла Қаҳҳор адабиёт ахли олдига сўздан унинг маъносини билib ва ўринини топлиб фойдаланиш талабини кўйган эди. Ушбу талаб, шубҳасиз, илм ахлига ҳам бевосиста тааллукли. Чунки фанда ҳам атамалар маъносини аниқ фарқламай турниб ишлатиш ҳоллари оз эмас. Фаол муаллифимиз – шоир ва файласуф Абдулла Шер таҳририятига ана шу мавзуга доир бир жуфт мақола тақдим этди. Улардан бирини “Яхшилик ва ёмонлик дегани зэгулик ва ёвузлики?” сарлавҳаси остида аевалги сонда зълон қилдик. Мақола кўпчиликка маъқул бўлди, хат ва кўнгироқлар орқали у ҳақда ишқ фикрлар айттилди. Бу сонда муаллифинг айни муаммога доир иккинчи мақоласини журналхонлар эътиборига ҳаюла этмоқдамиз.

Таҳририят

эркинлик" тушунчаси нимани англатиши эса ҳали ҳам аён эмаслигини айтib ўтади.

Бундай "тушумовчилик"ларнинг сабаби шундаки, инсон эркинлиги ҳеч қачон дахлизиз, алоҳида олинган эркинлик бўлолмайди. Буюк француз мутафаккири Жан-Поль Сартр айтганидек, у эркинликларга бақамти эркинлик: "Албатта, эркинлик инсоннинг хоссаси сифатида бошқаларга боғлиқ эмас, бироқ ҳаракат бошландидими – бас, мен ўз эрким билан биргалиқда бошқаларнинг эркинлигини ҳам ёдда тутишим шарт; мен бошқаларнинг эркини ҳам ўзимга мақсад деб билганимдагина ўз эркимни мақсад сифатида қабул қилсан бўлади" (Сартр Ж.-П. Экзистенциализм тўғрисида. "Жаҳон адабиёти" журнали, 1997 йил, 5-сон, 192-бет).

Дарҳақиқат, ҳаётда инсоний "мен" "сен"-нинг эрки билан бевосита, "у"нинг эрки билан билвосита муносабатта киришиша мажбур. Натижада менинг эркинлигим ўзга эркинликлар учун, ўзга эркинликлар эса менинг эркинлигим учун зарурият вазифасини бажаради. Бошқача қилиб айтгандга, эркинлик ҳеч қачон мутлақлик касб этолмайди, уни доим замон, макон, инсонлар эркинлиги – бошқа эркинликлар чеклаб туради; инсон бутунлай эркинлика эришолмайди, фақат қайсиdir бир нарсадангина эркин, озод бўлиши мумкин. Дейлик, спорт мусобақаларида университет шарафини химоя қилиш учун бошқа шаҳарга борган талаба дарсларга қатнашиш мажбуриятидан озод қилинган, лекин у дарсларга нисбатан эркинликка эга бўлгани ҳолда, бутунлай эркин эмас – спорт мусобақаларида қатнашиш мажбуриятини олган. Шундай қилиб, бир эркинликнинг кўлга киритилиши иккинчи эркинликдан – спорт мусобақаларида қатнашмаслик эркинлигидан воз кечишига олиб келади. Демак, бир томондан, эркинлик заруриятсиз, зарурит эса эркинликсиз мавжуд эмас, иккинчи томондан, шунинг учун ҳам ҳар қандай эркинлик чекланган ҳолдагина воқе бўлади.

Айни вақтда, эркинлик ҳар бир ҳодисада муайянлашиш табиатига эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳаётда унинг юзлаб турини учратиш мумкин: сиёсий эркинлик, иқтисодий эркинлик, матбуот эркинлиги, фикр эркинли-

ги ва ҳоказо. Лекин буларнинг ҳаммасини икки катта гурӯхга ажратса бўлади: биринчиси – шахс эркинлиги, у индивиднинг ўз ҳоҳиш-истаклари ва манфаатларини рӯёбга ҷикаришига қаратилган бўлса; иккинчиси – жамоавий эркинлик, у – жамият, мамлакат, миллат, ҳалқ сингари жамоавий бирлашмаларга тааллукли яккалиқда умумийлик акс этган ҳодисадир. Ҳар икки турдаги эркинлик аслида ижобий моҳиятга эга, ижобий бўлганда ҳам муқаддаслик тарзида қабул қилинади. Чунончи, шахс эркинлиги инсоннинг кўл эмаслигини, мамлакат эркинлиги эса ватаннинг мустамлака эмаслигини англатади. Бироқ, айни чоқда, ҳар икки турдаги эркинлик эрксизликни барқарор қилиш учун ниқоб вазифасини ўтаси ҳам мумкин. Виндельбанд айтганидек, не-не гуноҳлару не-не ёвузыклар шу муқаддас сўз баҳонасида амалга оширилади. Масалан, ҳозирги замонда аксариёт оммавий ахборот воситалири, журналистлар сўз эркинлиги баҳонасида бошқаларнинг шахсий ҳаётига аралашаёттанига гувоҳмиз. Ёки Америка Кўшма Штатлари демократия ўрнатиш баҳонасида Ироқقا бостириб кирди ва ҳозиргача у ерда осойишталик қарор топгани йўқ. Биринчи ҳодисада журналистнинг мақсади – бирорларни шарманда қилиш орқали мўмайроқ пул ишлаш. Иккинчи ҳодисада эса бир буюк давлат бошқа кичикроқ давлатга сўзини ўтказиши, унинг ёқилги заҳираларидан бемалол фойдаланиш учун ўзига имконият яратишни мақсад қилган. Тоталитар тузумларда ҳам эркинлик ниқоб вазифасини ўтайди. Уларнинг доҳийлари ҳалқларни сиёсий қатағон ва ижтимоий ёлғон воситасида эрксизликни эркинлик деб эътироф этишга мажбур қиласди. Бунга исбот тариқасида XX асрдаги шўролар ва фашистлар диктатурасини эслашнинг ўзи кифоя.

Хўш, эркинлик эрксизликнинг ниқобига айлантирилиб, поймол этилмаслиги учун нима қиммоқ лозим? Инсон эркин яшай олиши мумкини? Эркин инсон қандай бўлмоғи керак? Бу саволларга битта жавоб бор: инсон юксак ахлоқ эгаси даражасига кўтарилигандагина, буюк олмон файласуфи И.Кант айтганидек, ўзини – мақсад, бошқаларни – восита деб



Эпиктет

қарашдан воз кечгандагина ҳақиқий эркинликка эришади. Қадимги Румо файласуфи, аслитаги озод қилинган күл Эпиктет ҳақиқий эркин инсон деганда ўз викдони датватига мувофиқ яшайдиган, ҳар бир

қадамини ҳақиқат ва эзгулик талабларига мувофиқ ташлайдиган, бу йўлда ҳар қандай таҳдиду азоблардан, ҳатто ўлимдан ҳам кўркмайдиган кишини тушунади. "Эркин инсон, – деб ёзади у, – ўзи тўсқинликсиз хукмронлик қила оладиган нарсалар устидангина хукмрон бўлади. Ҳеч қандай тўсқинликсиз эса ёлғиз ўз устидан хукмронлик қилиш мумкин. Шу сабабли ўзининг эмас, бошқаларнинг устидан хукмрон бўлишни хоҳлаган киши, билгинки, эркин эмас: у ўзидаги одамлар устидан хукм юргизиш истагига кулдир" (*От раба до императора. М., "ACT", 2002, стр.75.*)

Файласуф бу фикрини бир күл мисолида тушуниради. Күл озод бўлишни хоҳлайди. Бу хоҳси рўёбга чиққач, у қорнини тўйдириш учун кимгadir ялтоқилик қилишга мажбур, чунки хўжайнин энди унга овқат бермайди. Аста-секин янги кўлчилик бошлиданади: у амалтақал қилиб уй топади, озиқ-овқат ғамлайди, хуштор излайди, бойиш учун ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайди; ўз ихтиёри билан, барча азоб-укубатларга чидаб, жанг жадалларда қатнашади, ҳарбий бошлиқ бўлади ва ниҳоят сенатор даражасига кўтарилади. Аслида у кимга айланди, деган савонли ўртага ташлайди файласуф: у – ўша-ўша күл, фақат сенат мажлисларига борадиган күл. Энди унинг занжирни ялтироқ, қимматбаҳо, лекин, барибир, эркинлиқдан маҳрум қиласидаган занжирдир (*ўша манба, стр. 71-73.*)

Эпиктет мисол қилиб келтирган бандада ана шу кулликни ўз ихтиёри билан танлади. Ҳеч ким уни мажбуrlагани йўқ. Зоро, эркинлик ихтиёр билан боғлиқ, яъни эркинлик индивиднинг хоҳиш-ихтиёри орқали муайянлашади, объективлашади. Энди ана шу масалани кўриб чиқсан.

Аввало "ихтиёр" атамаси ҳақида тўхталиб ўтайлик. Луғатларда, одатда, бу сўз "хоҳиш", "хоҳиш-истак эрки" маънолари билан изоҳланади. Фалсафий ибора сифатида эса, у муносабалари таърифга эга, баъзи бир оврополик мутафаккирлар ва рус файласуфлари уни ирова билан узвийлиқда олиб қарайди, ҳатто бир хил маънони англатадиган атама сифатида талқин қиласиди. Фалсафа оламига рус мутафаккирлари кўзойнаги орқали қарашга ўрганиб қолган бизлар ҳам бу тушунчага худди шундай муносабатда бўламиз: фалсафий луғатларимизда "ихтиёр" сўзи умуман йўқ, фақат "ирода" атамасини учратиши мумкин. Ваҳоланки, ихтиёр, ҳали айтилганидек, хоҳиш-истак эрки демакдир, ирова эса ўша хоҳиш-истак эркини босиб турадиган, унинг амалга ошишига йўл қўймайдиган куч, яъни ихтиёр гилдирик бўлса, ирова – тормоз. Масалан, сиз чекишини ташладингиз, лекин жуда бўлмагандা, "бир тортиб" қўйиш хумор қилиб қолади, шунда ирова воситасида бу хоҳишдан воз кечсангиз, иродали одам деб аталишга лойиқсиз, аксинча эса, сиз иродасизсиз. Демак, ихтиёр – эркинлик, ирова – зарурят сифатида намоён бўлади. Тўғри, "ихтиёр" ва "ирода" сўзлари узвийлиқдаги мазмунни англатадиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Лекин улар жуда кам, саноқли, мислиси қудратнинг хоҳишигина бир вақтнинг ўзида ирова билан мустаҳкамланади, бунда ирова хоҳишининг юксак дараҷаси сифатида талқин топади. Бундай талқин тўрт нарсага хос: гап худо, ҳалиқ, ота-она, ҳукмдор ҳақида боргандагина биз "худонинг хоҳиш-иродаси", "ҳалқнинг хоҳиш-иродаси" ва ҳоказо дейишимиз мумкин, холос. Бошка барча ҳолларда ихтиёр билан ирова бир-биридан мухтор тарзда ва бир-бирининг зидди сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, фалсафа ва ахлоқшуносликдаги энг мураккаб муаммолардан бири "ирода эркинлиги" эмас, "ихтиёр эркинлиги" деган истилоҳ билан аталиши мақсадга мувофиқидир.

Бу фикримизни яна бир бор исботлаш учун "ирода фалсафасининг отаси" деяном олган буюк олмон файласуфи Артур Шолэнҳаузерга мурожаат қилсак, масала ойдинлашади. Аслиятда у ўз фалсафаси-

ни асослаб берган тўрт китобдан ва уларга қўшимчалардан иборат фундаментал асарини "Die Welt als Wille und Vorstellung" деб атайди. Бу – ўзбекласига "Оlam ихтиёр ва тасаввур сифатида" (русчасига "Мир как воля и представление") дегани. Чунки, олмончада "wille" – ихтиёр, ирова эса, "willenskraft" ёки "willensstarke" (русчасига "сила воли") деб изоҳланади (*Немецко-русский словарь. М., "Советская энциклопедия", 1965, стр. 921*).

Шоленхаузер мазкур асарида ўзигача бўлган Оврупо фалсафасидаги ихтиёр билан иродани бир-бираига кўшиб юбориш ва уларни айнанлаштириш ҳолатларини хато деб билади, у ихтиёри кунга боғлик, унга бўйсунувчи ходиса сифатида олиб қарашни инкор этади. "Хозиргача ихтиёр тушунчасини, – деб ёзди файласуф, – куч тушунчасига боғлаб келдилар, мен эса бунинг аксини айтаман ва табиатдаги ҳар бир кучни ихтиёр сифатида тушунишни ёқлайман" (*Шоленгаузэр А. Мир как воля и представление. Минск, "Популури", 1998, стр. 164*). Демак, ихтиёр бошқа, ирова бошқа, ихтиёр ироданинг кучига суюнб иш кўмайди, унинг ўзи алоҳида, иродадан мухтор тарздаги куч. Шу ўринда Шоленхаузернинг қарашларига батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Шоленхаузер таълимотига кўра, олам – инсон кўз очиши билан кўрган, ҳидлару рангларга, товушлару сукунната тўла дунё – фақат ва фақат тасаввурдан иборат. Олам – менинг тасаввурим, дейди файласуф. Оламга ҳозиру кепажакда нимаики таалуқли бўлса, ҳаммаси субъект билан сифатланишга маҳкум ва субъект учун мавжуддир. Шундай қилиб, олам – тасаввур, у субъект ва объектнинг ўзаро муносабати сифатида намёб бўлади. Чунки биз фақат кўзимизни, кулогимизни, қўлимизни, тилимизнига бевосита биламиз, оламни эмас. Олам, масалан, мен уни ўз тасаввуримда қандай қабул қилаётган бўлсан – шундай. Бу – масаланинг бир томони, иккинчи томони – ихтиёр. Ихтиёр тасаввурга ўхшамайди, у бутунлай бошқа, сирпи, ҳали кашф этилмаган, эҳтимол, умуман кашф этиб бўлмайдиган нарса. У – барча мавжудликнинг ибтидоси. Ихтиёр, бу – мутлақ эркин хоҳлаш, исташ,

унинг на сабаби, на асоси бор. У – оламнинг ички мазмуни, ўз-ўзича англаммаган ҳолат, кўр-кўрана, тўхтатиб бўлмайдиган шиддат. Ҳарто дараҳтларда ҳам ихтиёр хукмрон, шохлар юқорига, нурга қараб интилади, илдиз пастга қараб ҳаракат қиласи – намни ихтиёр этади. Жисм фақат юқоридан пастга – вертикал тарзда қўпайди. Ихтиёр, бу – макон ва замонда яшайдиган мавжудотларнинг пайдо бўлишини таъминлайдиган куч. Лекин унинг ўзи макон ва замонга бўйсунмайди, уни билишнинг имкони йўқ. Инсон эса, энг аввало, ихтиёр этувчи, истагувчи, ҳирс кўйгувчи ва фақат ундан кейининга билгувчи, фикрловчи мавжудотdir. Ихтиёрнинг намоён бўлиш шакли фақат ҳозир – келажак ҳам, ўтмиш ҳам эмас. Шу "хозир"нинг манбаи ва мазмунини ўзида мужассам этадиган нарса – яшашга ихтиёр, яъни ўзимиздан иборат бўлган "нарса ўз-ўзича".

Шоленхаузернинг таъкидлашича, оламий ихтиёр ёки ихтиёр сифатидаги олам инсонни ўз йўригига тутади. Инсон одатда ихтиёр кўлида, хоҳишистаклар исканжасида яшайди. Унинг яшашга бўлган ихтиёри, истаги гоятда кучли. У яшаш истагида янгидан янги ихтиёр исканжасига тушаверади. Инсондаги худбинлик уни ихтиёрга қул қилиб кўяди: ўзим бўлсан, ҳаммаси менни кўлса, деган ақида билан иш кўради. Бир истак бажарилиши билан иккинчисига ҳаракат бошланади, ундан кейин учинчисига, тўртинчисига ва ҳоказо... Инсон бир истак билан кифояланмайди. Натижада унинг ҳаётни тинимисиз ҳаракатдан иборат бўлади, ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Бу ҳаёт – ҳаёт эмас, ёвузлик, ёлғон, азоб, фожиалардан иборат мавжудлик.

Ихтиёр чангалидаги инсоннинг баҳт деб интилгани охир-оқибат баҳтсизлик бўлиб чиқади. Чунки том маънодаги инсоний баҳтнинг ўзи йўқ. Яшашга ихтиёр – чексиз изтироблар манбаи; ўз баҳтига интилган ҳар бир одам бошқалар учун иблис бўлмоги мумкин; аслида иблис шахсийлашган яшашга ихтиёрдан бошқа нарса эмас. Демак, чексиз баҳтга интилиш – барча иллатларни кептириб чиқарувчи манба. Энг улкан баҳтга эришаман деб, инсон баҳтсизликка эришади.

Шопэнхауэр фикрича, ҳәттәдә доимо худбинлар күпчилликни ташкил этади. Ихтиёр чангалидаги худбин ўлимдан қўрқади, чунки ўлим ихтиёрга, барча хоҳиш-истакларга чек қўяди. Асл инсон, юксак ахлоқ эгаси ихтиёрга, энг аввало, ҳәётта, яшашга бўлган ихтиёрни жиловламоги лозим. Яъни, инсон ўлимдан қўрқмаслиги, унга интилмоги керак. Чунки инсон учун сўнг мақсад – ўлим. Инсоннинг бутун ҳәёти ўлимга тайёргарликдан иборат; инсон ўлим учун туғилади.

Хўш, инсон ихтиёрга чангалидан кутуламан, барча азоб, изтироб, фожиалардан фориг бўламан, деса нима қилиши лозим? Ўзини ўзи ўлдириши керакми? Шопэнхауэр бунга, йўқ, деб жавоб беради. Чунки ўзини ўзи ўлдираётган одам яшашни хоҳлади, у факат мавжуд ҳәётдаги шарт-шароитдан норози. Шу боис ўзини ўлдирган киши ҳәётга бўлган ихтиёрдан эмас, ҳәётнинг ўзидан юз ўгиради. Ваҳоланки, бунинг акси бўлмоги лозим. Инсон барча хоҳиш-истакларни жиловламоги, ихтиёрга чангалидан кутулмоги керак. Ўшандада ҳам яшайвареди-ю, лекин ҳәёт унинг учун ҳеч нарсага айланади – энди инсонни ҳеч нима безовта қила олмайди, у ҳақиқий хотиржамлика, истаксиз умрга эришади. Бунинг учун инсон ҳалол, буюк бир ички адолат ҳисси билан яшамоги лозим. Зоро, ҳақиқий ҳалоллик, бузилмас адолат бирламчи ва энг муҳим фазилат сифатида мислсиз оғир вазифа, унга бутун қалби билан берилган инсон тез орада шунақангি курбонниклар қилишга мажбур бўладики, пировард натижада унинг учун ҳәётнинг ҳеч бир қизиги қолмайди ва инсон ихтиёрдан воз кечади. Ҳалолликка нисбатан хурматнинг маъноси ҳам шундада, ҳалолникнинг ўзи эмас, унинг учун қилинган курбонлик хурматта лойиқдир. Гап шундаки, тўғри ва ҳалол инсон ҳәёт билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатларни хийла ёки куч воситасида бировнинг елкасига ташлаб қўймайди, ўзининг оғир юкини ўзи кўтаради, ҳәётдаги ёвузликларнинг ҳаммасига бировнинг эмас, ўзининг кўксини қалқон қиласди. Шундай ҳалол яшашнинг оқибати бўлмиш мислсиз изтироблар ўзига хос форигланишга, буддачилик ибораси билан айтганда – нирванага (эҳтирос, нафрат,

пушаймонлик мунтазам сўниб бориши натижасида истаклар занжиридан қутулишга) олиб келади; бундай олий маънавий мақомга руҳан эришган инсон ҳәётга бўлган ихтиёри инкор этади (каранг: Шопенгауэр А. Идеи этики. // Избранные произведения. М., "Просвещение", 1992, стр. 152-153).

Ихтиёр, – деб ёзди Шопэнхауэр, – ўзўзича англаммаганлик ва у ўзини дастлаб кўр-кўрона, тийиксиз шиддат сифатида намоён этади. У инсоний умримизнинг ривожланиши қисмида, ноорганик табиат ва наботтода ҳамда унинг қонунларида шу тахлит кўзга ташланади. Бироқ, ихтиёр кулоч ёзган тасаввур оламига хизмат қилиш учун татбиқ этилар экан, у ўз ҳоҳишини билишга эришади ва ҳоҳишининг мақсадига айланган нарсани билиб олади: бу эса айнан мана шу олам, мана шу ҳәёт нима бўлса, шундан бошқа нарса эмас" (Шопенгауэр А. Мир как воля и представление. Стр. 361-362).

Албатта, Шопэнхауэрнинг барча фикрларини ҳақиқат деб қабул қилиш ва уларга бирварақай кўшилиш шарт эмас. Зоро, унинг ҳозиргина кўриб ўтганимиз – ҳәётбахшликини тушкунлиқдан қидириши, нирванага даъвати инсоният тараққиёти учун намуна бўлолмайди. Бироқ Шопэнхауэрнинг ихтиёр борасидаги қарашлари, умуман олганда, дикқатга сазовор. Зоро, унгача ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ихтиёр ҳақида бундай мусфассал фалсафий тадқиқот юритган эмас.

Хуллас, Шопэнхауэр ихтиёри оламни ҳаракатга кептирувчи эркин куч сифатида талкин этади, айни чоқда табиатдаги ихтиёр билан инсоний ихтиёри фарқлайди: инсоний ихтиёр билиш билан келишиб иш кўради, лекин ҳаммавақт ҳам ақлга бўйсунавермайди, аксарият ҳолларда уни бир четта суриб қўяди. Ана шунинг учун ҳам ихтиёр эркинлиги ахлоқ фалсафасининг энг муҳим ва миқёсли муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ихтиёр эркинлигини бизнинг Шарқ мутаффакирлари ҳам жиддий тадқиқ этган. Бироқ уларда масалага дин фалсафаси нуқтаи назаридан ёндашув устувор. Масалан, имом Фаззолий ихтиёр эркинлигини худонинг ихтиёри намоён бўладиган майдон, инсонни

эса ана шу мұқаддас ихтиёри амалға оширувчи хатты-харакат шарти тарзида талқын құлады ва уни касб түшүнчеси билан бөлайды: инсон худонинг ихтиёрини ўзига касб этгүвчи, юқтиргүвчи ўрталиқдаги – Яраттан өткөн барча махлукот ўртасидаги жонзот. "Чунончи, ёңгіндеги оловнинг ҳаракати, – деб ёзади Фаззолий, – соф мажбурийлик, Яраттанинг хатты-харакати – соф ихтиёр эркинлиги, инсоннинг хатты-харакаты эса, ана шу иккى ҳодиса ўртасидаги босқычдир. Айнан ана шу босқыч ихтиёр эркинлиги билан амалға ошган мажбурийлик деб аталади" (Абу Хамид Газали. Воскременение наук о вете. М., "Наука", 1980, стр. 305). Демек, Фаззолийнинг фикрига күра, инсоннинг ихтиёр эркинлиги "соф" – мутлақ әмас, нисбайыр. Лекин, айни тоқда ихтиёр эркинлиги факт илохий мажбурийлик әмас, инсоннын хоҳиш-истак билан ҳам амалға ошаади. Баъзан эса инсоннын хоҳиш-истак илохий мажбурийлик билан чиқишимслиги мүмкін. Шу жиһатдан олганда, Фаззолийнинг ҳамма фикрларини ҳам ҳақиқат деб қабул қилиш, бизнингча, тўғри әмас.

Аввало шуни айтиш керакки, ихтиёр эркинлиги инсонга ақп билан бирга берилган илохий неъмат. Куръони каримнинг "Бақара" сурасида шундай марҳамат қилинади: "30. Эсланг, (Эй Мұхаммад), Раббингиз фаришталарга: "Мен Ерда халифа (Одамни) яратмоқчиман", деганида, (улар) айтдилар: "Үнда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишида) қон тўқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени мұқаддас деб биламиз. (Оллоҳ) айтди: "Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан". 31. (Оллоҳ) Одам (Ато)га барча номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: "Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!". 32. (Улар) дедилар: "Зоти покинг ҳақиқи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм ўйқидир. Албатта, Сен илм ва ҳикмат эгасидирсан". 33. (Оллоҳ



Шопижадуз

айтди): "Эй Одам, уларга номлари билан айтиб бер". Уларга номлари билан айтиб берганида, (У) деди: "Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганимидим?!" 34. Эсланг, (Эй Мұхаммад,) Биз фаришталарга: "Одамга сажда қилинглар!" деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Faqat Иблис бош тоғтиб, кибр қилди ва коғирлардан бўлди".

Ваҳоланки, сажда бунгача фақат Тангри ибодат учун бажо келтириларди. "Аммо бу сажда ибодат учун эмас, балки Одамни – Оллоҳнинг улуғ ижодини табриклиш маъносида эди" (Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Т., "Шарқ", 2009, 36-бет). Худо бу билан барча мавжудотлардан опий, даража нуқтаи назаридан ўзидан кейин турадиган буюк зотни яратганини ўзлон этди. Одам – худонинг ердаги халифаси.

Шу ўринда "халифа" сўзининг амалий маъноси ҳақида тўхтальмоқ ўринли. Уни оддий ҳаёттй мисол билан тушуниларидаган бўлсан, косибликка, ҳунармандчиликка мурожаат қилиш мақбул. Маълумки, қадимда косиб ёки ҳунарманд устанинг одатда бир неча шогирди бўлган. Улар орасидан энг ақеплиси, тадбиркори, устанинг меҳрини қозонгани халифа этиб тайинланган. Халифага уста ўзинингни бир қанча ваколатини, жумладан, бирор ёқса сафарга кетса, шу муддат мобайнинда бошқа шогирларни бошқарип, уларга раҳбарлик қилиб туришини топшириши мүмкін бўлган. Шундай қилиб, уста қайтиб келгунга қадар халифа унинг айтганлари ёки кўрсатмаларини амалға ошириш билан шуғулланган. Одам ҳам Оллоҳга нисбатан ана шундай халифадир: у то қиёматта қадар, яъни Тангри даргоҳига боргунгача нафақат ўзи устидан, балки наботот ва ҳайвонот олами устидан ҳам ҳуқмронник қилиб туради.

Ҳуқмронлик қилиш учун, табиийки, муайян даражада эркинликка, эркин ҳаракатни ихтиёр этиш ҳуқуқига эга бўлиш, фалсафий ибора билан айтганда, ихтиёр эркинлиги



Виндельбанд

зарур. Ана шу ихтиёр эркинлиги факат инсонга берилган. Фаришталар бундай маънавий неъматдан маҳрум – улар Оллоҳнинг бўйрганини бажаради, холос. Лекин инсондаги ихтиёр қилиш эркинлиги ҳам чекланган – у Оллоҳ томонидан Қуръонни каримда умумий тарзда белгилаб берилган доирадагина мавжуд бўлиши керак. Шу боис мутлақ эркинлик инсонга эмас, фақат Яратнга хос. Инсон ўз ихтиёри билан ҳам бўйруқ бериш, ҳам бажариш хукуқига эга, яъни у бу оламда восита эмас, мақсаддир. Тангри ана шу мақсаддинг пок, юксак хулқ ва маънавият эгаси бўлиши учун динни восита сифатида буюрди, Қуръони каримни нозил қилди. Хуллас, Тангри ўзидағи мутлақ ихтиёр эркинлигининг бир қисмини инсонга бериб, уни нисбий ихтиёр эркинлиги билан таъминлар экан, айтилганидек, одамзотни ўзидан кейнинг энг улуг мавжудот қилиб белгилади.

Ихтиёр эркинлиги ахлоқий муаммо сифатида буюк жадид мутафаккири Абдурауф Фитратнинг ҳам диккатини тортган. У ўзининг ахлоқшуносликка доир "Оила" асарида ихтиёр эркинлигини "ихтиёрий феъл ва ҳаракатлар" деб атайди (қаранг: Абдурауф Фитрат. Оила. Т., "Маънавият", 1998, 84-бет). Аллома ихтиёр билан иродани бир-бирини тўлдирадиган, ёнма-ён рўёбга чиқадиган хатти-ҳаракат сифатида олиб қарайди ва уларни бир неча ақлий жараённинг оқибати деб таърифлайди: "...ирода ва ихтиёrimiz, – деб ёзади у, – ...тасаввур, муҳокама, солиштириш ва ижронинг натижасидир" (ўша манба, 90-бет).

Шуни таъкидлаш ўринлики, Фитратнинг қарашлари моҳият эътибори билан ҳақиқатга яқин. Зоро, ихтиёр эркинлиги бошбошдоқликка, ўзбошимчаликка айланиб кетмаслиги учун иродада ишга тушиши керак, яъни ёвуз ихтиёри тўхтатища ва эзгу ихтиёри амалга оширишда иродада зарур. Шу

боис, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, кўп ҳолларда ирода ихтиёрининг ортида туради, ҳамма гап уни ишга сола билишда.

Лекин инсон ихтиёр эркинлигидан доим ҳам оқилона фойдаланавермайди. Бирорлар ўз ихтиёр эркинлиги билан улуғворликка эришса, бошқа бирорлар ҳайонлиқдан ҳам тубанроқ даражага тушади.

Энди ихтиёр эркинлигининг ички жараёнларига диққат қаратайлик. Бу борада файласуфлар орасида юқорида тилга олганимиз – Виндельбанднинг ёндашуви алоҳида аҳамиятта молик. Ўнинг мулоҳазаларига кўра, ихтиёр эркинлиги, энг аввало, ихтиёрининг уч босқичда вое бўлиши билан боғлиқ. Биринчи босқич ичидан фақат биттасини танлаб олиш ва ҳаракатга айлантириш мумкин бўлган алоҳида хоҳиш-истакларнинг туғилишидан иборат. Иккинчи босқичда мазкур хоҳишларнинг ўзаро бир-бирини тутиб туриши, тенг ҳолатга келтириши юз беради ва бу – танлов орқали бир қарорда тўхташ имконини яратади. Учинчى босқич танланган хоҳишнинг ўзига мос жисмоний ҳаракатга ўтиши билан белгиланади.

Ихтиёр қилиш жараёнидаги эркинликка келслак, шуни қайд этиш керакки, муйайн ихтиёрга берилган эркинлик танловнинг бошлинишида ва танлов пайтидагина мавжуд бўлади. Танлов жараённи тугаси билан, яъни иккى нарсадан бирини танлаганингиз заҳоти ихтиёргиз учун берилган эркинликнинг ваколати тугайди: сиз ихтиёр қилиб бўлдингиз, бундан бу ёғига эркин эмассиз, энди танловнингизга кўра ҳаракатни бошлашингиз керак. Демак, ихтиёр эркинлиги танлананаётган иккى нарса ораглигидаги фикрлаш мобайнидагина вое бўладиган ҳодисадир.

Танловнинг ўзи эса иккى хил хоҳиш ўртасидаги курашдан иборат. Бу курашда фақат битта хоҳиш – қайсиси кучли бўлса, ўша ғалаба қозонади: ҳам унисининг, ҳам бунисининг баравар танланishi мумкин эмас. Руҳшунослик нуқтаи назаридан, танлов – ҳиссиётга асосланган, қандай сабаб орқали вужудга келиши аҳамиятсиз бўлган руҳий омил. Ахлоқшуносликдаги танлов эса қадрият билан боғлиқ, ақлга асосланган тушунча. Биринчиси – бор нарса, иккинчиси –

бўлиши керак деб ҳисобланган нарса; биринчи – мавжуд омилни, иккинчиси – идеални, меъёри англатади. Шундай қилиб, инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда, идеал ва меъёрларга мос тарзда чекланади. Акс ҳолда, муайян бир ё бир неча инсон ёки гурухнинг бетийиқ эркин ихтиёри нафакат бошқа инсонлар ва гурухлар, балки набутоту ҳайвонот олами, ҳатто бутун дунё учун фожиага айланиши мумкин.

Шундай қилиб, ихтиёр эркинлиги сабаб инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муваммосига дуч келади. Бу муваммо кишида масъулитият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни ҳис этмаган киши хоҳлаган ишга кўл уриши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирилмайди, у фақат манфат устуворлигини тан олади, холос. Ундай одамни ахлоқисиз деб атайдилар. Зоро, инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши билан ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий танлов – ҳар бир ҳатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишининг ибтидо нуқтаси.

Умуман, инсон ҳамда жамият ахлоқий ҳаётida ихтиёр эркинлиги ва танловнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, тариҳдаги бир таъсирчан воқеани олиб кўрайлик: бозорда мутасаввиф аллома, буюк шоир Насимиғазалини ёд ўқиётган бир йигитни куфурда айблаб, ҳибга оладилар. Йигит олдида икки йўлдан бирини танлаш туардид: ё пири Насимиға хиёнат этиш ва тавба қилиб, банддан озод бўлиш ёки газални ўзимники, деб ўлимга тик бориш. Покдомон, ор-номусли йигит иккичи йўлни танлайди. Раис (диний маросим ва урф-одатларнинг бажарилишини кузатиб, тоштарозиларнинг тўғрилигини текшириб юрувчи мансабдор шахс) унинг терисини шилишга буоради. Оломон – томошабин йигилади. Шу пайт Насимиғ келиб

колади. Воқеадан хабар топган шоир олдида ҳам энди танлов туардид – танламасликнинг иложи йўқ: ё ўзини ошкор қилиб, ёш йигитни жаллод кўлидан кутқариши ва унинг ўрнини эгаллаши ёки оломон орасидан севкин сиргалиб чиқиб кетиб, муридининг ўлими эвазига ўз жонини асраб қолиши керак. Насимиғ биринчи йўлни танлайди: ўзини жаллод кўлига топшириб, бегуноҳ йигитни озод этади. Раис энди шоирнинг терисини шилишга буоради. Жаллод ишга киришади, атрофга қон сачрайди. Шунда раис одамларга, нари туринглар, бу кофирнинг томчи қони бирор ерингизга тесса, ўша ерни кесиб ташлаш керак бўлади, дейди. Раис гапини тугатар-тугатмас, Тангри қудрати билан бир томчи қон сачрайди. Оломон раисдан қон теккан бармогини кесиб ташлашини талаб қиласди. Энди раис олдида танлов туардид: ё бармогини кестириб, гапининг устидан чиқиши ёки гапидан қайтиб, риёкорлик қилиши керак. Раис – ахлоқан нопок, кўрқо ва худбин одам – гапидан қайтади. Насимиғ эса қўйноққа мардонавор чидаб, чурқ этмайди, аксинча, раиснинг аҳволини кўриб, истеҳзоли кулади ва сўнгти ғазалининг сўнгти байтини ўқиди:

Эй Насими, чун мұяссар бўлди иқболи висол,  
Қўй, терингни сўйса сўйсун бу палид қассоблар.

Кўриб ўтгандаримиздан шундай хулоса чиқариш мумкин: танлов билан ниҳоясига етадиган ихтиёр эркинлиги илоҳий мажбурият ва икки зарурият ўрталигига ахлоқий ҳатти-ҳаракатга айланади: биринчisi, ташки зарурият – бошқаларнинг эркинлиги, иккинчisi, ички зарурият – инсоннинг ўзидағи иорда кучи. Шунинг учун айтиш мумкинки, “ахлоқи инсонгина эркиндер, чунки эркин инсонгина ахлоқий ҳатти-ҳаракат қила олади” (Штайнер Р. Философия свободы. Ереван, “Ной”, 1993, стр. 150).

Сафар ОЛЛОЁР



Одам боласини, дейлиқ, ўйлаб-чамалаб иш қилишга одатлантириш мүмкін, бироқ унга теран фикрлашни рисоладагидек ўргатиб бўлмайди. Шу боис, "Калламга бир фикр келиб қолди", дея дабдурустдан ажиб ҳикмат сўйладиган ҳамсұхбат орамизда кам топилади. Зеро, фикрлаш – қобилият талаб этадиган жараён. У илм-ла бойитилган лаёқатдир. Тўгри, бошқа унсурлари ҳам бисёр, аммо фикримча (қаранг, яна фикрга таянляпман!), асосиси шу. Кўпинча тинмай гап сўқиётган, астойдил гурунг бераётган, панд-насиҳат қилаётган одамларнинг барчаси фикрлаётгандек туюлади. Аслида эса улар атиги жўяли гапларни айтиётган бўлади, холос. Орадаги фарқ шуки, асл фикр – онг-шурримизнинг бенандоза, мутлақ янги, оригинал маҳсули. Жўяли гап эса қайсиdir андоза, аникроғи, кўнирма ва тажрибанинг бирон бир шаклдаги ифодаси, холос. Иккенини бир-бирига чалкаштириб юборишимиzinинг сабаби эса оддий – ўша андоза, кўнирма ва тажрибаларнинг асл манбаи бизга ё ярим-чала

маълум, ё эсимиздан буткул кўтарилган. Доniшманд боболарнинг олмос фикрлари маталу мақолларга айланиб, умумбашарий маънавий мулк бўлиб кетганинг боиси ҳам айни шунда, яъни жўяли, ақлли гапларни ўзимизники деб билишга нафақат ички майлимиз борлиги, балки бунга ҳатто одатланиб қолганимиздадир. Фикримиз тасдиғи учун бир мисол кептирисак. Гоҳ-гоҳ эфирдан бирон валламат бошловчининг ажиб талқини янграб қолади. У ўзи баҳс юритаётган мавзу бўйича бирон жўяли, ақлли фикр айтадио "...деган экан файласуфлардан бири" ёхуд "...деган экан бир доniшманд" қабилидаги сийқа изоҳни илова этади. Эътибор қиласангиз, ўша "файласуф" ё "доniшманд" унинг ўзи эканини дарҳол фаҳмлайсиз. Мен ўзи топган "ҳикмат"ни қайсиам доniшмандга йўйган ана шундай бошловчи билан бир гал очик мубоҳаса қилганман. У ички бир хўрсиниш билан "айб"ини тан олди ва "Кўрсатувни жадал тайёrlанг, деб қисталанг қилиб туришганда, китоб титкилаб ўтиришга вақт

топиб бўлармиди?" деган ҳашаки "сабаб"ни рўйач қилди. Ҳартугул вижданои бор экан – икрор бўлди, йўқса, нима ҳам қила олардингиз уни?! Суҳбатдошимиз фикр айтятпами ёхуд фикрлайтпими, ана шунга диққат килмогимиз лозим. Агар у фикрлаётган бўлса, баҳсли саволлар берсак, топилдиги янада такомиллашади. Ахир, олмосга ҳам қанча ишлов берилса, шунча қиммати ортади – салмоғидан-да олдин жилоси билан диққатни тортади. Шу маънода, фикрлаётган кишини заргарга қиёс қилиш мумкин – у фикрини олмос каби обдон сайқалламоги лозим. Дарвоҷе, заргарнинг ҳам укувлиси бор, укувсизи бор – ишининг натижаси ҳам шунга яраша. Бинобарин, фикрнинг ҳам "пишган"у "пишмаган"и, "палаги тоза"сию "уруги айнигани" бўлади, албатта.

Фикр орқалигина буюклика эришилади. Одатда бу жараён шу қадар табиий кечадики, кўплаб даҳолар ҳатто ўзини муносиб баҳолай билмаган. Ваҳоланки, улар эл аро чин шахс ўлароқ танилган, тан олинган. Демак, улуғлик худо юқтирган истеъодд бойис сокин ва сабит рўй берган. Бир вақтлар кимдир айтиб кетган ҳикматни бамаврид тилга олиш билан мутглак янги фикрни ўртага ташлаш ўртасидаги нозик ўҳшашлик ва қескин тафовутни фарқлаган ҳакимлар ўзи ҳам пайқамаган ҳолда илм чўйқиларига чиқсан бўлса, ажаб эмас.

Агар "танганинг иккинчи томони"га эътибор қаратсак, умумлашма фикр кўниkmага айланишини кузатишмиз мумкин. Ҳусусан, жамият ва табиатда учрайдиган муайян воқеелик ҳусусида деярли ҳамма бир хил фикрлайди. Масалан, баҳор ҳақида сўз кетса, унинг уйгониш, гўзаллик фасли экани албатта тилга олинади, айни чоқда унинг табиати инжиқлиги: гоҳ қуёш чараклаб нур сочса, гоҳ ёмғир шаррос қуиши каби ҳоллар тўғрисида "Ҳа, баҳор ҳавоси-да!" деган қарийб бир хил гап кулоқча чалинади. Айни иборани қайсиdir замонда кимдир биринчি бўлиб айтганига ақт бовар қилмайди. Чунки дунёning турли ўлкаларида, турфа тилларда ушбу фикр (бир-биридан бехабар ҳолда) бирварақайига айтилган бўлиши мумкин.

Чунончи, кузнинг олтинлиги ёинки қишининг зумрадлигини, муайян шахсни юя турайлик, қайси ҳалқа мансуб кашфиёт деб айта оламиз? Бундай жумбоқларнинг эса сонсаноғи иўқ...

Янгича фикрлаётдиган одам – ижодкордир. Шунинг учун аксар фузалою фусаҳо ижод ахлидан чиқсан. Инсон жавҳари, яъни ўзликни англаш масаласи неча минг йиллик кўхна мавзу, аникроғи, Одамато билан Момоҳаво муносабатларидан бино топиб, Қобил билан Ҳобил зиддиятларидан дарз кетиб, ана шундан бўён эзгулик ва ёвузлик, саховат ва қабоҷат, ҳавас ва ҳасад, дўстлик ва душманлик, мардлик ва пасткашлик каби азалий кутблар аро ҳануз аник тўхтамга келолмаётган саросар фикрат объектидир.

Янгича фикрлаётган одамнинг нечогли ижодкор экани бешак, унинг ҳикматомуз Сўзида намоён бўлади. Ана шу асно Сўзнинг кучи, Сўзнинг қудрати бўй кўрсатади. Одатда, одам ва одамийлик ҳусусидаги мусоҳабаларда, айтайлик, Алишер Навоий ҳазратларига мурожаат қилсак, ул зот бисотидан ўзимизга зарур ибратли фикрни осонгина топамиз. Ёинки, қайсиdir мавзуда гурунг кетса, "буни фалончи ундоқ, писмадончи эса бундок таърифлаган" қабилидаги иқтибослар диққатни тортади. Зоро, ўткир фикр ҳамиша муаллифи билан бирга зикр этилади, тилдан тилга кўчади, асрдан асрга ошади.

Бинобарин, мусоҳиби ёдида қолмоқни истаган одам унинг эътиборини қозонадиган, у мутлақо кутмаган тоза Сўз айтмоғи лозим. Бунинг учун эса инсонга худо юқтирган иқтидор керак. Албатта, кимда қанча қобилият бор, буни вақт ва мухит аниклаб беради. Яъни, янги фикр айтаман деб чучмал сўзлаб қўй-



маслик лозим. Зеро, рухиятни сүник сүз сўлдиради, ёниқ сўз эса ёндиради. Қай йўлни танлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола-ю, аммо ҳар не бўлгандаям, даҳоликка даъвогарлиқдан тийилган маъқул. Суҳбат асносида тилимизга (бошимизга эмас) келиб қолган, расмана фикрдек туяулган (аслида анчайин жўн) гапниям (уялганимиздан) аллақайси донишмандга тўнкаб қўймайлик. Жаҳон таниган ва тан олган, қалб тўрида эъзозлаган алломалар бисоти жавонларда жам, демак, бир озигина ҳафсала қылсак бас, бизга зарур фикр биридан бўлмаса, бошқасидан шаксиз топилади. Ул зотлар бисотида бир-биридан салмоқли, бир-биридан ибратли ташбиҳу иборалар ошиб-тошиб ётибди. Зотан, пири комиллар фоят кенг қамровли ақлу заковат соҳиблари бўлган, олам ва одам ҳақиқатига доир ҳеч бир сир улардан пинҳон қолмаган. Лўнда қилиб айтганда, донишлар бисотидан фикр излаб топиш, рухий-маънавий куч олишга ҳафсала йўқми (гарчанд бу шаштда бирорлар дилини равшан қилиш иштиёқи бўлса-да), уларни тинч кўяйлик.

Агар тотли сұхбатидан баҳрамандлик насиб этса, фикр айтаётган одамни чалғитиб бўлмайди, чунки адашиб кетиши мумкин; янгича фикрлаётган киши билан эса имкон қадар баҳспашмоқ керак, токи фикрати муқаммалашсин, пишиб етилсин. Зеро, унинг қайнок мулоҳазалари бир кун келиб сархил мевалалар берса ажаб эмас. Қолаверса, фикрдан фикр, баҳсадан баҳс тугилади. Ҳарқалай эзгу ўй ва некбин умид билан яшаган киши ҳеч замон ютқазмаган.


Одам – табиатнинг онги аъзоси. Аммо баъзан шу онги билан онгсиз маҳлуқотларданда баттар мудхиш ишларни қилаётирки, оқибатда авлодлар елкасида бартараф этилиши лозим бўлган муаммо-ташвишлар юки кўпайгандан кўпайиб боряпти. Тан олиш керак, одамдан бошқа ҳеч бир жонзот табиатни бу қадар чиқиндига "бойитмайди", наботот ва ҳайвонот оламига бу қадар шафқатсизларча зиён етказмайди. Буларнинг бари нафақат фикрлаш тарзимиз саёзлашгани, балки ўзлигимиздан – одамийликдан ҳам тобора узоқлашиб бораётганимизни кўрсатади.

Ҳозирги глобаллашиш, тезкор ахборот алмасиши асрида маданий-инсоний мунносабатлар ҳам шу қадар "нозик"лашиб кетганки, баъзан рўпарангдаги одамнинг руҳий аҳволини ҳисб этиб турсанг ҳам, унга бирор нажоткор сўз у ёқда турсин, жўяли гап толиб айтолмай хуноб бўласан киши. Бу миямиз ўта енгил ахборотлару юзаки маълумотларга мослашиб қолганига; китобни кўнгил учун эмас, эрмак учун ўқишига кўнишиб бораётганимизга далил эмасми?! Демак, биз – одам зурёдлари ўзимиз билган-билмаган ҳолда фикрат маёғидан аллақанча олислаб кетганмиз. Оппоқ кўпикланган ахборот оқими эса чекиз уммон янглиг бизни тобора домига тортмоқда. Умид шулки, гарчи олис бўлсада, ўшал маёқ бор ва у рўё эмас. Вужуд ва руҳимизнинг бутун куч-куватини жамлаб ана шу маёқ сари сузайлик, шундай некбин ва нажоткор жонланиш хиссиятлари ҳар кимга эш бўлсин, замондош!



Абдуғафур РАСУЛОВ

# IKKI DUNYO - BIR QADAM



Фан-техника тараққиёти, глобаллашув жарайни курраи заминни ҳар томонлама кузашиб, миллионлаб йиллар изини ўрганиш, талкин қилиш, баҳолаш имконини берди. "Кембриж университети олимлари Ернинг "таваллуд санаси"ни аниқлаш учун янги геологик тадқиқот олиб боришид... Унинг шаклланиши учун юз миллион йилга яқин вақт керак бўлган, – дейди тадқиқот гурухи раҳбари Жон Руж. – Ернинг умумий ёши эса 4 миллиард 467 миллион эмас, 4 миллиард 537 миллион йилга teng" ("Даракчи" газетаси, 2011 йил 31 марта сони). Дунёвий ва диний илм намояндлари оназаминнинг табаррук ёши масаласига ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Лекин, ажабки, инсон зоти илмий хуласалардан кўра бадиий асарлар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига кўпроқ инона-ди. "Диний термаларда дунёнинг яратилиши ва ундаги инсон тақдирининг азалийлиги етакчи фоялардир, – деб ёзди ёш олим И.Турсунов. – Тақдирнинг азалийлиги Бекмурод Жумабой ўғли репертуаридаги термада бундай бадиий ифодаланган:

Аввали дунёга бир қуш кўндириди,  
Дунёнинг тўрт буржин донга тўлдириди.  
Ҳар бир донни юз йилгача сўрдириди,  
Охир шу қушни очдан ўлдириди.

Тасаввур қилинг, дунё тўла доннинг ҳар донасини юз йил "сўриб" тутагиши учун неча йил керак? Миллионми, миллиардми ёки ундан ҳам кўпроқми? Тўғриси, бу ҳозирги инсон тасаввурига сигмайди" (Турсунов И. Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т., 2011, 16-саҳифа). Ёзувчи Нормурод Норқобилов Навоий вилоятининг энг овлоқ ҳудудлари – яқин-яқинларгача чўпону кончилардан ўзга бирор кимсанинг қадами етмаган Қизилқум саҳросидаги Тошўрмон, Шўркўл манзиллари ҳақида туркум мақолалар чоп этирди. Шулардан бирда бундай дейилади: "Ёши мутахассислар томонидан 95 миллион йил деб тахмин қилинаётган, занг босган темир кувурлардай



кўкка бўй чўзига турган бу тош дархатлар бир замонлар қиоқ ўрмон бўлганига одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди. Лекин бу ҳакиқат: бир вақтлар саҳро ўрни қалин ўрмон бўлган. ...Бу тош ўрмон мана шу қирларниң ўсиши натижаси ўлароқ ер юзига течкиб чиққан табиий бир мўъжизадир" ("Қизилкум ҳайратлари", 2-мақола. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2010 йил 5 март сони).

Тўқсон беш миллион йил аввалги ҳаёт! Табиатдаги жараёнлар, эврилишлар: ўрмонларниң сув остида қолиб кетиши; кўлу дарёларнинг куриб битиши; саҳронинг водий ва воҳаларга "хўжуми"; ҳайвонот дунёсидаги талотўплар. Бошқача айтганда, она замин баҳайбат вужуд мисоли яшаш, курашиб, ўзгаришдан зинҳор тўхтамади. Узоқ ўтмиш ҳали илмий тадқиқ этилмаган. Инсоният 95 миллион йил эмас, борингки, минг йил илгарига ҳаётни ҳам аниқ-тиник тасаввур қилолмайди. Қадимги тақвимлар, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Юнонистон, Тибет, Жанубий Америка тамаддуни ҳақида маълумотлар бериляпти, Марказий Осиё тарихи, тамаддуни устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Энг қадимги одамлар, қаерда қўним топганидан қатъи назар, муҳитга кўникишга, тирик табиат билан келишиб яшашга одатланган. Инсон инсон бўлибдики, мулки борлиқни – сув оламини, гиёҳу дов-дараҳти, митти ҳашоратдан тортиб баҳайбат динозавргача бутун маҳлуқотни жон қардоши деб билди. Ажаб, ҳайвонот "соқов", аммо одамдек ҳаракатланади, шароти тақозоси билан ўзгариди. Наботот – яшил олам бетакор, бироқ инсону ҳайвонотсиз яшай олмайди. Ҳайвонот ва инсон ҳар томонлама бирбирига яқин: инсон ҳайвонотсиз, ҳайвонот эса

инсонсиз яшай олиши даргумон. Бу уч "эгизак" олдида мудом асосий муаммо – ўзаро тил топишиш бўлган. Фарҳод ("Фарҳод ва Ширин") моҳир хунарманд, Искандар ("Садди Искандарий") тенгсиз илму амал соҳиби бўлгани боис жамодоту наботот билан тил топишиди. Бразилиялик ёзувчи Пауло Козльо асрларидаги, хусусан, "Алкимёгар" қиссасида уч мавлуд аро мукаммал тил "ихтиро" этилгани кўрсатилган. Қолаверса, ўзбекнинг амалий санъати – рамзлар жамулжами: табиат билан тиллашиш сирларининг ифодасидир.

Хозир ҳам булбулу бедана бўлиб "сайрайдиган", дарё бўлиб "айқирадиган", бўрон бўлиб "увилладиган", арслон, айик, қоплон каби "ўқирадиган", бўри, ит, шоқолдек "увладиган" одамларни учратиб ҳайратланамиз. Ҳалқ куй-қўшиқларидаги овозлар гармонияси, полифониясидан ҳузур қиласиз. Қадимги одамлар, хусусан, юононлар отсимон одам, буқасимон одам, балиқсимон қиз, қушсимон қиз, дарахтсимон қиз, илонсимон қиз сингари тимсолларни кашф этган. Бу тимсоллар ҳалқ оғзаки ижодига осонликча сингиб кетди. Одам ва ҳайвонот, инсон ва жамодот, одам ва наботот муносабатлари илк мифология якос солди.

Табиат билан тиллашган инсон аввало ўзига маънавий-руҳий мадад излади. Нечунким, одам табиатида таянч, раҳнамо топиш майли кучли бўлади. Қадим ҳалқларнинг аксари кўпхудолик – нарса, ҳодиса, маҳлуқотни илоҳийлаштириш йўлидан борди. Фикримизни жаҳон тан олган "Илиада" (Ҳомер), "Энеида" (Вергилий) каби эпослар мисолида асослаш мумкин. Қуръони карим, безавол оятлар, илоҳий каломлар – ҳозирги асрнинг асосий таянч китоби бўлиб қолади. Одамзод излай-излай, ўргана-ўргана оламнинг Эгасини, биру бор Яратувчини топди. Оллоҳ инсон қалбига нур, ақлига қувват, руҳониятига поклик олиб кирди.

\*\*\*

Инсон яратилибдики, ёргулликка интилган, мушкулотни енгиш, осонлаштириш йўлини излаган. Илк палладаноқ у яшаш учун курашган: табиий ҳавфдан ўзини ҳимоя қилган.

Ов қилиш, ёввойи ҳайвонлар хужумидан ҳимояланиш мақсадида камон, сўйил, гурзи, найза, палахмонни кашф этган. Кейинчалик темирдан совут, омоч, пичоқ, ўроқ, қилич, шамшир ясаган. Ниҳоят, XVI асрга келиб у милтиқи ихтиро этдио бутун ҳайвоноту парранда-дарранданинг зўравонига айландиқолди. Милтиқ одам табиатидаги вайронкор туйғу – зўравонлик, тажкавузкорлик, босқинчиликни авж олдирди. Милтиқ гарчи XVI асрда яратилган бўлса-да, XIX асрдан кенг кўллана бошлади. Милтиқка ёндош тўпконча, замбарак ҳам пайдо бўлгач, инсон буткул табиат ҳокимига айланди. Улкан, йиртқич ҳайвонлар ҳам ундан қочадиган бўлиб қолди. Қурол инсон ўз қардоши – ҳайвоноту набототнигина эмас, ўз-ўзини йўқ қилишига ҳам хизмат эта бошлади. Инсон нафақат саркаш ақли, балки кўлдаги қуроли билан ҳам хавф-хатар конига айланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган рус ёзувчиси ва мунаққиди Юрий Андреев "Ўғлим билан сұхбат" асарида (бу китобчани ўзбек тилига Озод Шарафиддинов "Бахтили ўзбек, ўғлим" номи билан таржима қилган; "Ёш гвардия" нашриётида 1984 йили чоп этилган – А.Р.) ғалати фикрни илгари суради. Эмишки, инсоният миллион-миллион йиллар зулматда яшаб келган, табиатнинг кули бўлган. Ақл чироги уни ёргулика олиб чиқди. Совук қуролнинг кашф этилиши инсонга жиндаккина баҳт-омад берди-ю, аммо уни беаёв жанг-жадаллар гирдобига улоқтириди. Уруш, ёвлашиш, жанг майдони одам боласи учун янгилик эмас эди. Аммо Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши унинг совук қурол бандисига айлана бошлаганини, она замин кучлилар томонидан қайта тақсимланиб олинаётганини аник-тиниқ кўрсатди. Инсоният сўнгти олти минг йил ичida 14 ярим минг бор уруш қилган, уч миллиарддан ортиқ инсоннинг ёстигини курилган бу кирғинбартоларнинг аксарияти сўнгти икки ярим асрда рўй берди. (Уруш ва курбонлар сони ҳақидаги тафсилот "Тафаккур" журналининг 2011 йил 1-сонидан, Сайфиддин Жалилов маълумотларидан олинди – А.Р.) XX асрдаги инқилобий хатти-ҳаракатлар нафақат башарият, балки таби-

атга ҳам тузатиб бўлмас жароҳатлар "инъом" этди. Инсоният кўпидан ҳануз совук қурол тортуб олинмади, бироқ у бугун экологияни жар ёқасига олиб келиб қўйганини ақл-шуури билан англаб етди. У ўзининг қон-қардошлари – ҳайвонот, наботот олдида юзи шувутлигини теранроқ ҳис этмоқда. Табиатга, борлиққа етказилган заарни фан-техника тараққиёти воситасида қоплаш мумкин. Ҳозир нанотехнология жадал ривожланмоқда: шундай шароитда одамзот ниҳоятда эҳтиёткорлик, ақл-хуш билан иш кўрмоги жоиз. Инсон генидаги арзимасдек туюлган битта митти молекула функциясини ўзгартириш билан тузатилмас хатога йўл кўйиш, ва аксинча, борлиқдаги нозик элементлар ҳаракатига ижобий таъсир этиб, она сайёрани ҳалокатдан асрраб қолиш ҳам мумкин. Ҳозирги замонда, фан, санъат, бадиий адабиёт соҳасида, қаҷонлардир топиб айтилганидек, икки дунё – бир қадам бўлиб қоляпти.

\*\*\*

Одамзот яратилганда сахро, водий, кир-адир, тогу тош – белоён табиат олами мавжуд эди. Инсон тириклиги учун мовий олам (уммон, денгиз, кўл, наҳр, жилга) набототу ҳайвонот сув ва ҳаводек зарур. Наботот олами ўсади, унади, ҳосил беради, соя-салқини билан жонга ҳузур баҳш этади. У – бекиёс гўзлаплик тимсоли. Одам ва набототни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Тангри таоло инсонни яратди, пешонасига тақдирини битди, вазифасини белгилади, қай дардлардан азият чекишини-да ёди. Биру бор Оллоҳ инсон жисмига дард жойлади-да, унинг давосини яшил оламга сочib юборди. Дарахтнинг меваси, гули, пўстлоги, шираси, ҳатто баргининг "томирча"лари ҳам малҳам. Ўт-ўлан, гул-гиёҳларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бир замонлар хаста дилбанди дардига даво тополмаган она бўзлаган экан:

Бўзбошим бўлганида  
Бўз болам ўлмасмиди?

Янтоқ, канакунжут, эшакмия, ажрик, кийикўт, бўтакўз, мойчечак, қоқиўт, чаканда

– буларнинг бари бетакрор, шифобаҳаш гиёҳ. Қисқаси, наботот – табобат ҳазинаси, минг дарднинг шифоси.

Чинор, қайрағоч, бобоёнгоқ, тут, зардоли каби алп дараҳтларни ихлос билан күчган одам ўзини бардам сезади, ҳатто дардан фориг бўлади. Биз ҳануз дов-дараҳт, майса-гиёҳларни яхши "танимаймиз". Рус ўрмонларида ўсадиган мих ўтмас – метин тилогоч (лиственница) бошқа ҳеч жойда битмаса керағ деб юрардим. Юргимизнинг тоғли масканларида тұғданда дараҳти ўсаркан. "Мана, дўмбира бўзлаяпти, зулукдай ғамни сўзлаяпти. Дўмбирадан бошқаси кўтара олмайди бу ғамни, бўғиздан чиқаётган бўз андухни!" Нега дейизими? Дўмбира тұғданадан ясалған-да! "Тұғдана – тош оғоч. / Қайроқ эмиб ўстган танаси. / Илоҳий оғоч. / Фақат ўша чидар аслида. / Дуо кетган наслига. / Қирқ чилтон торини эшиб пишган. / Одам Ато илк бор эшитган" (Фози Раҳимон. Эна сўз. Тарихий достон. Қарши, "Насаф", 2009, б-бет).

Инсон ҳаётининг аксарият қисми наботот билан боғлик; дәхқончилик, боғбонлик, полизчилик, гулчилик, сабзавотчилик, дурадгорлик... Бошқача айтганда, набототга ишлов беришда инсон укуви, заҳматкашлиги намоён бўлади.

\*\*\*

Ер юзида шундай юртлар ҳам борки, ниҳол қадаш, ўстириш амримаҳол. 2009 йил кузида хизмат сафари билан Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликларининг Ар-Риёд, Жидда, Дубай, Макка, Абу-Даби шаҳарларида бўлдим. Рус шоири Александр Пушкин ёзганидек, "араблар юртининг кум сахросида қад ростлаган" минглаб туп дараҳтни кўриб ҳайратландим. Ар-Риёднинг шоҳ кўчасидаги ипга тизилгандек бир текис экилган хурмо дараҳтлари вақти-вақти билан чиннидай қилиб ювилар, танасини қоплаган ғадир-будирлар киртишланар, пардасимон укпартлар олиб ташланар экан. Ҳайит кунлари адлқомат хурмолар келинчак мисол ясатилади: танасига ранг-баранг электр чироқлар чирмаштириб ташланади.

Сайилгоҳ, меҳмонхоналар гирди хурмо, манго дараҳтлари, анвойи гуллар, ям-яшил чирмовиқлардан "либос" кийган. Абу-Даби – кўкаламзор шаҳар. Бу ерда дид билан, бетакрор метьморий услугуда барпо этилган ховли-жойлар сероб. Лекин меҳмонлар, хусусан, бошқа шаҳарлардан келган араблар дикқатини кўпроқ яшил бойлик – турфа дараҳтлар, анвойи гуллар, манзарали чирмовиқлар жалб этаркан. Бадавлат одам ҳовли қуришдан кўра дов-дараҳт, гиёҳ ўстиришга иштиёқманд экан. Абу-Даби, Ар-Риёд, Жидда, Дубай – денгиз ёқасидаги шаҳарлар. Аммо денгиз суви дов-дараҳту майса-гиёҳни ўстириш – суоришига ярамайди. Булар маҳсус чучуклаштирилган сув билан сугорилади. Шўр сувни чучуклаштириш, ҳар бир дараҳт, гулзор, майсазорга резина ичак билан чучук сув олиб келиш молиявий жиҳатдан ниҳоятда қимматга тушади. Бизда "Урвогига чидаган юлқа ёйди" деган нақл бор. Араблар юрти, уларнинг бадавлат шаҳарларига "бир томчи чучук сув харажатига қурби етган одам дараҳт ундиради, сўнг гулу гиёҳлар оғушида яйрайди", деган гап мос келади. Инсон қаерда яшамасин, шимолий ўлкаларми ёки чўл-саҳрлардами, яшил олам гўзаплигидан бебаҳра умр кечиролмайди.

\*\*\*

Яшил олам – ўсиммилклар дунёси билан одамзотнинг узвий боғлиқлиги илмий, бадиий, фольклор асарларида кўп бор тасдиқланган. Фольклоршунон олим Муҳаммаднодир Саидов "Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётта таъсири масаласига доир" номли илмий ишида "ҳаёт дараҳти" ҳақида мушоҳада юритади. "Ҳаёт дараҳти"нинг асосий фазилати шуки, у одамларга фарзанд ато этади. Олим ўз қарашини "Ўғузнома" ва "Малиқаи айёр" эпослари мисолида исботлайди. "Ўғуз қоғон овга катти. Бир кўл орасинда олиндан бир йиғоч кўрди. Бу йиғочнинг қабучагинда бир қиз бор эди, ялғуз ўлтутур эрди. Яхши кўруклиқ бир қиз эрди... Ўғуз қоғон... ани севди, олди, анинг бирла ётти, тилагусини олди. Қиз бўғоз

бўлди, ...уч эркак ўгулни тўғурди" (Сайдов М. Маърифат фидойиси. Т., "Мумтоз сўз", 2009, 66-67-бетлар).

М.Сайдов "ҳаёт дарахти" дея чинор, гужум, оқ қайнини кўрсатади. Олим саккиз тур дарахт ва бута муқаддас эканини таъкидларкан, "Қадимги туркий халқлар тушунчасига кўра, сарв дарахти – ҳомила пайдо килган келинчак рамзи. Унинг ичидаги күш ўтиради... У ўзига қарашли златни ҳар қандай балоқазодан асрайди. Чунки у шу злат онгонидир. Шаманизм даврига келиб күшнинг онгонлик функцияси ўзгарди. Энди у асотирий онгон эмас, ота-боболар руҳидир", дейди (ўша асар, 69-бет).

Қадимдан мифология, фольклор асарлари уч туғишган одамзот, ҳайвонот ва наботот "аҳиллиги"ни англаб етган. Инсон – борлик гултожи. Лекин у ҳайвонот, набототсиз но-мукаммал, носоглом. Уч туғишган руҳини ҳис этган инсон ўзини мукаммал, бетакор сезади, ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағриенглик унинг асл фазилатига айланади. Шўро давлати билиб-билимай, ана шу уч бирлики яккалашиб ташлади. Масалан, XX асрнинг 50-ийлларида миллий ўйтониш жараёни қайта авж олгач, уч бирлик "аҳиллиги"нинг ёрқин намунаси – "Алномиши"га хужум бошланди. Ҳозирги ёш авлод "Алномиши" каби асарларни миллий қадрият сифатида қунт билан ўрганмоқда. Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари бундай дейди: "Алномиши" достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз кўргонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан химоя қилишга ўргатади... Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътиқодидек аср-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз "Алномиши" достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алномишизмоси ҳам барҳаёт" (33-бет).

"Алномиши" ҳар жиҳатдан тўқис асар: унда уч туғишган аро узвий боғлиқлик яққол акс

этган. Алномиши Бойчибор, Қоронорсиз, Барчинни руҳлар ҳимоясисиз, Ёдгорни аждодлар мададисиз тасаввур этиб бўлмайди. Асарда ҳайвонлар, паррандалар, табиат кучлари, йўллар, ҳатто күёш нури асосий қаҳрамонларга ёрдамга келади. Асар моҳиятида Тангри таоло кудрати, унинг бандаларга марҳамати тараннум этилган. Оғанин алплар бор куч-куватини, маккор онаси эса жамики ҳийла-найрангини ишга солиб Алномиши махъэтмоққа уринади. Инсон макри Яратганинг бир ишораси билан йўқа чиқади.

Ажаб, санъатнинг мукаммал, мураккаб бирон бир асари йўқки, у табиатнинг тे-ран, мустаҳкам қонуниятлари билан боғлиқ бўлмасин. Бу ўринда мен асосан XX асрда яшаб ижод этган иккича буюк санъаткор – Чингиз Айтматов ва Габриэль Гарсия Маркес асарларини назарда тутмоқдаман. Уларда ҳайвонот, наботот бирдек иштирок этади. Қоронор – Эдигей, Гулсари – Танабой, Момо ер – Тўлғаной, қари Йўлбарс – Арсен, Тошчайнар – Бўстон бўри, турналар Анатой сажиисини ёртишда мухим воситадир (Ч.Айтматов асарлари, қаҳрамонлари назарда тутмилоқда – А.Р.). Г. Маркес асарларида ўтмиш ва бугунги кун, инсонлар ва жониворлар бақамти тасвирланади. Унинг фусункор реализмига мансуб бадиий оламида реал ва мифик воқеълик ўзаро ўйнунлашиб кетади.

Ўтган асрда яшаган Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан Жомурод ўғли достонларида диний ва дунёвий қарашлар, уч туғишган аро боғлиқлик мифология, реализм йўсунидаги омухталашиб кетган. XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин на-мояндаси Ҳамид Олимжон шўро замонида яшади, таъқибларга учради, камалиб кетишига бир баҳа қолди. Шоир яратган "Кўйчининг ҳаёли", "Дўмбиранинг мақтоби", "Ишим бордир ўшал оҳуда" шеърлари моҳиятан фольклорона асарлардир. Айниқса, "Кўйчининг ҳаёли" шеърида шоир ижодининг моҳияти, эстетик принципи яққол акс этган. Шеър гарчи Фозил Йўлдошга бағишинган бўлса-да, у Ҳамид Олимжоннинг поэтик икрони, шеърий низоми, жўшқин нижодисидир:

Бу хаёл сўнгисиздир, осмон каби кенг,  
Бу хаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.  
Унинг бойликлари умрларга тенг,  
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.

Мен Ҳамид Олимжон шеърларини қайтадан ўқиб, ўзим учун тақороран кашф этдим. Шoir ижтимоий мухитдан шиддат билан юксакликка кўтарилади; ажаб манзаралардан ҳузурланади ("Манзара"), ботаётган күёшнинг хайрлашанини эшигади, кечанинг кенг кулочлари очилганини кўради ("Ленталар"), "сойнинг тошини ағдараётган, оёғини далаларга чўзиб, бошини қорликларга ўраб олган дарёга" хайрат билан бўқади ("Дарё кечаси"), субхи содиққа янгича вазифа юклайди: "Олам сари сочиб янги онг, секин-секин ёришарди тонг ("Зайнаб ва Омон"). Ҳамид Олимжон лирикасида "осмон", "хаёл", "хис", "чўл", "саҳро", "тун", "чўққи", "денгиз" сингари сўзлар мўл кўлланади, сермаънилиги билан эсда қолади.

Ҳамид Олимжон шўро адабиёти қозонида қайнагани, соцреализм методи қоидаларини тузишда озми-кўпми иштирок этгани бор гап. Лекин унинг истеъоди соцреализмни эмас, илдизи асрлар қаърига сингиб кетган баҳшиликини, унинг гўзал тартиботини ўзига яқин олди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки Азим бобонинг серфайз ҳовлисига доим донгдро баҳшилар мемон бўлиб келар, тонготаргача достон айтишиб, қизгин ижодий баҳсларга берилар эди. Баошқача айтганда, Ҳамид Олимжоннинг қалб дафтарига илк ҳарф, илк сўзларни баҳшилар жойлади. Шoir "Ойгул билан Баҳтиёр" достонини бундай бошлайди:

Болалик кунларимда,  
Үйкусиз тунларимда  
Кўп эртак эшиштгандим,  
Сўзлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзнучар гиламлар,  
Тоҳир-Зуҳра, Ёрилтош,  
Ойни уялтирган қош.  
Ўт болгаган қанотлар,  
Беканом учган отлар.

(Ҳамид Олимжон. Ўн томлиқ, II том, Т., "Фан", 1979, 106-бет.)

Шу боисми, Ҳамид Олимжон умри давомида ҳалқ оғзаки ижоди, баҳшилар билан алоқасини узмади. Баҳшиликинг ўзгармас қоидалари бор. Биринчидан, баҳшилар асрлар давомида ҳалқ айтиб келган достонларни куйлади. Яъни, фольклор асарларининг ёши минг йилликлар қаърига кириб боради. Иккинчидан, ҳалқ асарларида наботот ҳам, ҳайвоноту одамзот ҳам, осмону юлдузлар ҳам бирдек меҳр, жўшқинлик билан тараннум этилади. Учинчидан, ҳоҳ жамият, ҳоҳ табиятда бўлсин, яхшилик, зэгулик худодан, яъни мангу, абадийдир. Ёмонлик, қабоҷат – шайтон қилимиши: ўткинчи, омонат. Ҳалқ ижодида ҳамиша эзгулик ғалаба қозонади. Қабоҷату ёмонликни вақтнинг оташ олови кўйдирив юборади. Тўртничидан, ҳалкнинг умри узоқ асарлари кундалик турмушни кайҳоний миқёсга кўтариб, уни хаос ва космос кураши асосида кўрсатади. Баҳши учун дўмбира реал соз – асбоб бўлса, хаёлот, хис унинг қалб компаси, мақсадни аниқ ифодалайдиган руҳий кўрсатгич.

Ижодий методни фармон билан тасдиқлаб, белгилаб бўлмайди. У табиий тарзда юзага келади, беаёв зарбаларга чидайди. Реализму романтизм ана шундай мурракаб ўйлани босиб ўтган. Соцреализм эса юлдوز кўрмай жон берган фармон – метод. Қалам аҳли бу методга қанча тез етиб келган бўлса, ундан шунча шитоб юз ўғирди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан серунум ижод қила бошлаган шоиру адиблар соцреализмга киё боқмай кўйди. Шўро адабиётининг ижодий методи чала, хом бир "қолип" эди. Масалан, соцреализм фольклорга мойил ижодкорларни ёқтирас, табият – тогу тош, дов-дараҳт, ҳайвону паррандалар ҳақида қалам тебратгандарни иккичи даражали деб хисоблар эди. Тўра Сулаймон, Менгзиё Сафаров, Тогай Мурод асарлари ҳалқ оғзаки ижодидан, она табиятдан "сув ичган".

Табиятни севиш, уни завқ-шавқ билан куйлаш шоирни баҳшига айлантиради. Баҳши осмону заминдан, ундаги ҳар бир мавжудотдан куч-кувват олади, дўмбири авж пардада куйлатади. Руҳан баҳшига яқин Омон Матжон, Усмон Азим, Ҳалима Худой-

бердиева, Мұхаммад Раҳмон каби шоирлар ижодида балладалар бисёр. Баллада – күйга, түйгүге йүргилган шеърий асар. "Үттар дүнә балладасы", "Етмиш тұртнинчи үйлідан хотирот", "Мардлик қақида баллада" да қалбни ларзага соладиган воқеалар билтілган. Ана шу балладалардан бириңнинг қаҳрамони – Элбек бахшининг келини Гулсум ҳам алла айтади. Лекин у фарзандидан бахши бўлмасликини ўтинади. Нега, сабаб нимада?

Бир бутуну мингу бир  
Камиңг бўлади, болам.  
Тангрим яратған дүнē  
Ғамиңг бўлади, болам –  
Алла-ё...

Биргина шу алладаёт шеърият моҳияти, бахши руҳияти бутун кўлами билан очиб берилди.

Ҳалима Худойбердиеванинг бахшиёна услугида воқеликнинг залворли ички оқими сезилади. "Бахшининг тўйдаги курашда айтганлари", "Она садоқати ва ўғил армони" асарларida гўзаллик, кайфият, яхлитлик, энг асосийси, муножот руҳи аниқ сезилади. Дуо, илтико, муножот – бахшиёна асарнинг мазмун-моҳияти.

Хуллас, шеъриятга ҳақиқий бахшиёна оҳангнинг қайтиши – этнофутуризмнинг қайта жонланиши, шеъриятимизга бетакор ўзликнинг дўнишидир.

Бахшиёна услугуб ёзувчи Тоғай Мурод ижодига ҳам хос. Унинг асарларида одамзот, ҳайвонот ва наботот шундай бир уйғунликда тасвириланадики, китобхон гоҳо асосий қаҳрамон ким эканини билолмай қолади. Жамолиддин кетмон ерин упадек майин қилиб чопади. Оқпошшо жангчилари келиб ана шу пок ерни ҳаром қиласи. Жамолиддин кетмон

ҳаром бўлған ерда қололмайди. Тоғай Мурод бу асарини "Отамдан қолган далалар" деб атади. Дала – қаҳрамонлар тақдирини белгиловчи майдон, Жамолиддин кетмон, Ақраб, Дөхқонкул ва бошқаларнинг тақдири ҳал бўлади. "От кишинаган оқшом" қиссасида эса Тарлон от содиқ дўст, Зиёдилла калнинг иккинчи моҳияти сифатида тасвириланади. Қиссага қай жиҳатдан бокманг, Тарлон билан боғлиқ воқеалар "ярқ" этиб кўзга ташланаверади. "Ойдинда юрган одамлар" қиссаси қаҳрамонлари – Оймомо ҳам, Қоплон бобо ҳам сирли оламнинг файзли инсонлари. Ой нури – майнин, эркаловчи, аллақандай жодули. Унда илоҳийлик бор. Қизиқ, ой нури инсонни гўзаллаштиряптими ёхуд одамларнинг севгиси, садоқати, пок нияти тунни ой нури бўлиб нурафшон этяптими?! Тоғай Мурод асарларида масала илдизига олиб борадиган "йўл" бор. У барча жумбоқлар ҳалол, самимий ҳал қилинишига йўл очади.

Хуллас, фольклор асарлари сомон йўлидек қадимий, тарихий, гаройиб тимсолларга бой. Бу асарларда борпик, рўйи замин бор кўрк-таровати, сир-синоати билан акс этади.

Одамзот – замин, тогу адир, дашту саҳро, уммону баҳр фарзанди. Дов-дарахтлар, майса-гиёҳлар, ҳайвону паррандалар унинг умрлик йўлдоши. Наботот, ҳайвонот, инсоният – Оллоҳнинг яратиқлари. Мана шу яхлитлик, ўзаро боғлиқларни акс эттириш бадиий адабиётнинг мангу мавзуси бўлиб қолади. Инсон ҳаддини билмоги, худонинг эрка бандаси бўлиб яшайвергани маъқул. Гоҳо одам ҳар ишни аниқ режа, ҳисоб-китоб асосида амалга оширишга интилади. Аниқ режа, ҳисоб-китоб эса кўпинча азалий, мангу қонуниятларга мос келмайди...

Мирзо КЕНЖАБЕК



# JON VA JONON SIRLARI

*Маърифий татаббу*

*Мухтасар муқаддима*

Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз девонини "Хазойин ул-маъюний" (Маънолар ҳазинаси) деб аташида катта ҳикмат бор. Унинг газалларида шу қадар теран ирфоний маънолар, хос тасаввуфий истилоҳ ва иборалар, мажоз либосига бурканган ҳақиқатлар, ишиқ илоҳийга далолат килувчи қўйма тимсоллар борки, булар, ҳақиқатан, маънолар ҳазинасидир. Бу ҳазинадан тасаввубий истилоҳларни англаш йўли билангина тўлиқ баҳра олиш мумкин. Маълумки, мажоз санъатни сўзнинг ҳақиқий маъноси тарк этилмайди, аксимиша, мажозий-қўчма маъно ҳақиқий маънога таянган бўлади. Газаллар ташки маъносининг ўзи кишига қанчалик ҳайрат, завқ, сурур баҳш этади. Асл моҳиятдан – ички, ҳақиқий маънодан хабардор бўлмоқ эса жонга хузур-ҳаловат, қалбга нур ва зарофат, онгга кашфу каноат етказади.

Ҳаэрот Навоийнинг хуш оҳанг, яширин ранг ва турфа маъноларни ўзида мужасам этган асарларидан бири "Жон ва жонон" фазалидир. Фазални шартли равишда шундай номлаймиз. Зоро, унда жон ва жонон сирлари пинҳондир. Тан билан жон, жон билан жонон бир-бирига қандай пайваста бўлса, газалда мажоз ва ҳақиқат ўзаро шундай боғланган.

## Жонбахш лаб ҳақиқати

1. Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эзур.

Бу жиҳатдан бир-бисири бирла жононжон зур.

"Эй жон! (Эй жоним-севгилим!) Ҳар лабинг ўлкни тирилтирувчи бир жондир. Бу жиҳатдан икки лабинг бир-бiri билан жонхондир – ажралмас дўстдир".

Матлаъни, умуман, газални яхши тушиш учун аввало "лаб", "жон", "жонон" истилоҳларининг ирфоний-тасаввубий маъноларини билиб олмоқ лозим. Сайид Жаъфар Сажодийнинг "Фарҳанги истилоҳоти ва таъбироти ирфоний" (Маърифий истилоҳ, ва иборалар лугати), Сайид Содик Гуҳарийнинг "Шарҳи истилоҳоти тасаввуб" (Тасаввуб истилоҳлари шарҳи), Сулаймон Улудорғонинг "Тасаввуб теримлери сўзлугу"

(Тасаввүф атамалари лугати) асарларидан муҳим истилоҳлар батағсил изоҳланган. Муҳаммад Фиёсуддин ибн Жалолуддин ибн Шарафуддин Ромпурӣ – Мустафоободийнинг машҳур "Фиёс ул-лугот"ида ҳам бъази лугавий шарҳлар бор.

Лаб – тана аъзоси, дудок. Орифлар тилида – калом, сўз (Фахруддин Ироқий). Байзилар "лаб"ни "нафаси раҳмоний", яъни илоҳий тажаллийларга ишорадир, деганлар.

Турли ирфоний маънолар тақозоси билан "лаб" дегандা "жон", "жон" дегандан "жонон" истилоҳлари бир-бираига эргашиб келаверади.

"Ҳар лабинг ўлганни тиргизмақда, жоно, жон эрур..." Илк мисрада "лаб" "жон"ни, кейинги мисрада эса "жон" "жонон"ни эргаштириб келади. Ушбу байтда "жон" сўз ва ўзак сифатида уч бор уч маънода қўлланган: 1) жон-о – эй жон, эй менинг жоним бўлган севгилим; 2) жон – жасаддаги рух, ҳаёт; 3) жононжон – жонни жонга боғлаган ажралмас дўст. Бу иштиқоқ – ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидир.

"Тасаввүф атамалари луғати"да "Лабдаги намлик оби ҳаётга, ишқ ва муҳаббат ҷашмасига ўҳшатилади", дейилган. Байтда "лаъла" лаб" зикр қилинганда нега дарҳол "жон" эсланди? Чунки "лаб" дегандан инсонга жон, рух, ҳаёт баҳш этувчи манба – ишқ ва муҳаббат булоги тушунлади. Бу жонбахш, ҳаётбахш лаб мумтоз шеъриятда лаби шакарий – шакар лаб, шакар дудок; лаби ширин – ширин лаб, чучук дудок; лаби лаъла – қизил лаб, оп дудок ёки қисқача лаъла каби иборалар билан тавсифланади. Бу таъбирлардан ҳар бирининг яна ўз тасаввүфий маънолари бор.

Лаби шакарий – шакар лаб, шакар дудок; пайғамбарларга малак, яъни фаришта Жаброил алайхиссалом воситасида Оллоҳдан нозил қилинган калом, сўз, яъни илоҳий калом, муқаддас сўз; авлиёларга эса қалб тасфияси, яъни қалбни поклаш, мусаффо килиш натижасида илҳом қилинадиган сўз, каломдир (Фахруддин Ироқий).

Лаби ширин – ширин лаб, чучук дудок: 1) идроғ қилинмасдан ва хис этилмасдан бевосита келган калом, сўз; 2) маъшук

сўзи; 3) севгили, маъшуқ; севгили лаби (Фахруддин Ироқий, Тахонавий).

Лаби лаъла – қизил лаб, оп дудок: 1) сўзнинг ботини, ичи, моҳияти, яъни маъшукнинг каломи, сўзи; 2) рухнинг нафаси, жон киритувчи, тирилтирувчи нафас. Ва яна "лаби жонбахш"дан мурод борлиқ соясидағи йўқликдир, деганлар. Яъни, нафаси раҳмонига – илоҳий нафас, илоҳий тажаллийларга ишора бўлган лабнинг нишона-бөлгилари ва лавозими – тақозосидан вуқуднинг вуқуби иҳотасидаги йўқлик имконининг намойишидир. Чунончи, Навоийнинг мазкур матлаъсида юкоридаги маъноларнинг ҳаммаси мавжуд: маъшук сўзи ҳам, бевосита илоҳий калом ҳам, илоҳий тажаллийлар ҳам, Руҳуллоҳ, яъни Ийсо алайхиссалом ҳам, муқаддас Калом ҳам:

Лаъли бир сўз бирла юз йиллик  
ўлукни Хизр этар,  
Гўёйиё Руҳуллоҳ ушбу  
оби ҳайвон иҷрадур...

"Маъшукнинг лаби бир сўз билан юз ийллик ўликини тирилтиради, яъни Хизр алайхиссалом ҳаёт сувини ичib, абадий ҳаёт топганидек, бу лаб юз йил чириб ётган жасадга бокий ҳаёт баҳш этади. Гўёки Руҳуллоҳ, яъни Ийсо алайхиссалом бу ҳаёт сувини топишда восита бўлгандек".

Куръони карим ҳақиқатан инсонга рух багишлайди, хастага шифо, заифга кувват, дамсизга дам, очга озиқа, адашганга ҳидоят, баҳтсизга баҳт, ўлик дилга ҳаёт бўлади. Бу маънолар тасаввүфий шеърятнинг рангин гулзоридир. Фузулий айтади:

Мен лабинг муштоқим, зуҳҳод –  
Кавсар толиби,  
Нечаким, маста май ичмоқ күш гелар,  
хушёра сув...

"Мен лабинг муштоқиман, зоҳидлар эса Кавсарга талабгордирлар. Нечунким, маста май ичмоқ күш келади, хушёрга эса сув ичмоқ".

Бундаги мастилик илоҳий ишқиша мазҳарлик ва зикр ила яна ишқ талаб килишидир.

"Лаб" мажозининг асосини баён этишдан аввал "жон" ва "жонон" истилоҳининг маъносини кўриб чиқайлик.

## "Жон"нинг маърифий маънолари

2. Жоним андок тўлди жонондинки,  
бўлмас фахмким.  
Жон эрур жонон эмас; ё жон эмас,  
жонон эрур...

"Жоним жонон хаёлига шунчалик лиммолимки, танамдаги хаёт ё жонон эмас, жондир, ёки жон эмас, жонондир – буни фарқлаб бўлмай қолди".

Сажжодий "жон"нинг тасаввуфий маъноларини бундай баён этади: 1) инсон руҳи; 2) нафаси раҳмоний, яъни илоҳий (раҳмоний) нафас; 3) Ҳақнинг тажаллиёти. Шу уч маъно Навоий қўллаган "жон" сўзига етарли таърифидир. Бироқ яна гўзал шарҳлари бор.

Сулаймон Улудог, "Жон – мавлавия (Мавлоно Жалолиддин Румий) тарикатида дарвиш, мурид маъносидадир", деб ёзади.

Фахруддин Ироқий қайд этишича, "Жоний дегани – руҳий дегани (яъни, руҳга, жонга оид сифат). Бу хеч қачон фоний бўлмайдиган (йўқ бўлмайдиган) ва абадиян боқий бўлган сифат".

Имом Фаззолий эса, "Ҳақиқатда одамнинг жони ўз зоти билан қўимдир. Ва унинг хос сифоти қолипдан мустағнийдир (яъни, жон жасад қолипига муҳтоҳ эмас, жасад эса жонга муҳтоҳ, жон бўлмаса, жасаднинг хаёти туғайди, тупроқка айланади. Жон эса жасадсиз ҳам ўз зоти билан тургувчидир).

Ўлимнинг маъноси жоннинг йўқ бўлиши эмас, балки жоннинг жасад қолипидан узилишидир.

Ҳашр, нашр, баъс ва иоданинг маъноси (яъни, қиёмат куни ўлганларнинг қайта тирилиши, маҳшаргоҳда тўпланиши, ўлиқни тирилтириш ва қайтариш тушучаларининг маъноси) жонин йўқдан вужудга келтириш эмас, балки унга қолип кийизилмоғидир (яъни, жоннинг жасадга қайта киритилмоғидир)", дейди.

"Жон" истилохининг ирфоний ва адабий китобларда келган таркибларидан баъзилари қўйидагилар: 1) горати жон – жонни талон қилиш, битириш, яғмо этиш, олиш; 2) жони мажруҳ – яралантан, аламли, эзилган, қийналган жон; 3) жон ва жисм; 4) гуллистони жон – жоннинг гулбоғи, катта гулзори, яйраб-

яшнайдиган жойи; 5) машоми жон – жоннинг машоми, ҳид билиш аъзоси, хушбўйни сезиши; 6) жони жаҳон – жаҳоннинг жони, оламнинг руҳи, ҳаёти; 7) сарчашмаи жон – жоннинг сарчашмаси, или манбаи, ҳаёт булоги; 8) қиблαι жон – жоннинг қибласи, йўналиб, интилиб, талпиниб турадиган томони; 9) қуввати жон – жоннинг қуввати, мадад, руҳ оладиган омили; 10) коми жон – а) жоннинг истаги, тиласи, мақсади, б) баҳраси, баҳра оладиган манбаи; 11) гиребони жон – жоннинг ёқаси, жоннинг чиқар жойи, узилиш ҳолати; 12) ороми жон – жоннинг ором, таскин топадиган манбаи; 13) муниси жон – жоннинг ҳамдами, ёри, улфати; 14) равзаи жон – а) жоннинг жаннати, боги, гулбоғи, б) жоннинг маскани, қабр; 15) Ийсий жон – жоннинг Ийсо Масиҳи, тирилтирувчи, ҳаёт берувчи; 16) жонгуздоз – жонни қийновчи, қийноқча соловчи, азоб берувчи; 17) жонпарвар – жонлантирувчи, жон баҳш этувчи, руҳ, қувват етказувчи; 18) жонбахш – жон бағишловчи, жон киритувчи, руҳлантирувчи...

Жонафзо иборасидан мурод эса соликнинг бақосидирки, бу сифат билан у боқий ва абадий бўлгайдир ва унинг фаносига йўл бўлмагай (Сажжодий).

Бу маънолар воситасида мумтоз шеъриятга назар ташласак, фикримиз тозаради, нафсониятимиз жиловланади, қалбимиз нурланади.

Бироқ ҳар даврда ҳам адабиётни зоҳирӣ тушунувчилар бўлган. Ҳатто Навоий даври ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, ул зот "Хазойин ул-маоний" девонининг илк ғазалида, "Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур" деб китобхон тафаккурини зоҳирӣ нарсалардан узиб, ботиний маънолар сари йўналтиришга эҳтиёж сезганки, бошقا ғазалида ирфоний маъноларни янада очиқроқ шарҳлаган:

*Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,  
Ки зоҳир аҳлига бу маъни этди бўйла зухур.*

"Биз ғам деб, бода деб ёзамиз, лекин сиз буни ўткинчи дунё ғами ва узум шарбати деб гумон қилманг, ҳамма нарсани юзаки қўрадиган, мажознинг ҳақиқатига қарамайдиган зоҳир аҳлига бу маъни шундай туюлади".

Валек ахли ҳақиқатга май эрүр ваҳдат, өттөн  
Фам ушбу касрат эрурким, қўлур кўнгилга хутур...

"Лекин ҳақиқат ахлига май ваҳдатдир, бирлиғи яккаю ягоналик шавки, Биру бор – Оллоҳнинг ишқидир. Фам эса кўнгилга кепадиган кўплик (бирликка зид) фикрлардир..."

Шунга ўҳшаб, "Лаб ҳам инсонга жон бағишлайдими, ўлганни тирилтирадими?! Муболага ҳам эви билан-да!" дейиш мумкин. Алҳол, энди "лаб" мажозининг ҳақиқатини баён этамиш.

## Тирилтириш мўъжизасининг асослари

Мумтоз адабиётда "ўликни тирилтириш" ифодаси ҳазрати Ийсо алайҳиссалом мўъжизаларига асосланади. "Лаб", "нафас", "анфос", "тиргузмок" сўзлари Ийсо Масиҳ зикри билан ёнма-ён келади. "Жон ва жонон" ғазали матлаъида бу ном учрамаса ҳам, сатр замирада мавжуд. Ийсо Масиҳ ул зотнинг Куръони каримда таъқидланган номи. Бу улузлам пайғамбар ўз нафаси билан ўликларни тирилтиргани боис шеъриятда мажозан севгили лаби жонбахшилик жиҳатидан Ийсо Масиҳ ва ул зотнинг нафасига қиёс қилинади. "Масиҳонафас", "Масиҳоанфос", "Масиҳодам", "Масиҳваш", "Ийсий жон" тасвифларининг кўлланиши шундан. Масалан, Навоий ёзади:

*Сариг либос аро ул нўшлабки, хандондур,  
Эрүр Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондор...*

"Сариг либос ичиди ул ширинлаб хандон турган чогида худди кўёш ичра яширин Ийсо Масиҳ каби ўликка жон бағишлайди". "Кўёш ичиди яширганганик" эса Ийсо алайҳиссалом аспо ўлдиримасдан, аспо чормих қилинмасдан, юксакка кўтарилганига ишора. Бу – илоҳий ҳақиқат. Чунончи, Куръони каримда Оллоҳ таоло, "Аниқки, уни ўлдирмадилар. Балки, Оллоҳ уни ўз ҳузурига кўтарди" (*Ийсо сураси, 157-158-оятлар*) деб марҳамат қиласди. Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий бу оятни шарҳлаб: "Оллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни йўзидан бошқасининг ҳукми жорий бўлмайдиган бир мақомга юксалтириди. Ҳукм ва ҳикмат эгаси

танҳо Удир", дейди. "Хуршид ичинда пинҳон" деганда Навоий ана шу юксак мақомга ишора қиласди.

Яна бир мисол:

*Ул Масиҳ анфоси жонбахшу лаби – ҳайвон сүйи,  
Оллоҳ-Оллоҳ, неча жоним нотавон бўлгусидир!..*

"Ул Масиҳнинг нафаси жон бағишловчи, лаби эса ҳаёт сувидир, Оллоҳ-Оллоҳ, яна менинг жоним нечун бунчалик нотавон бўлади?..."

Яна бир мисол:

*Лаълидин тиргузмак этсам орзу, айб этмангиз,  
Ким, киши ўлтурмоқ этмайдур Масиҳодан тама!..*

"Маъшуқнинг лаъли лабидан мени тирилтиришини орзу қўлсанам, айб қўлмангиз. Ахир, Ийсо Масиҳдан ўлдириш кутилмайди-да!"

Мумтоз шеъриятдаги ирфоний истилоҳларнинг мантиқий қуввати шундаки, Ийсо алайҳиссаломнинг ўз нафаслари билан ўликни тирилтириш мўъжизаси асло ривоят ёки афсона эмас, балки илоҳий Калом билан собит тарихий ҳақиқатдир. Чунончи, Куръони каримда Ийсо алайҳиссаломнинг Бани Исроилга айтган сўзлари кўйдагича баён этилади: "Мен сизларга (ўзимнинг ҳаёт пайғамбар эканим ҳақида) Парвардиғонгиздан оят-дапил кеттирдим. Мен лойдан куш тимсолини ясад, унга пулласам, у Оллоҳнинг изн-иродаси билан ҳақиқий куш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўъмин бўлсаларингиз, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-дапиллар бордир" (*Оли Имрон сураси, 48-49-оятлар*).

Яна Оллоҳ таоло Куръони каримда бундай дейди: "Эсланг, Оллоҳ айтган эди: "Эй Ийсо ибн Марям! Сенга ва онангга берган неъматимни ёдинга оп, қайсики, сени Рухул-Кудус (Жаброил фаришта) билан қувватладим, одамларга бешикда ва вояга етганингда гапирдинг. Сенга ёзувни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим бердим. Менинг изним билан лойдан куш шаклини ясадинг. Сўнгра унга дам урганингда, у Менинг изним билан (чинакам тирик) кушга

айланди. Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг. Менинг изним билан ўликларни (қабрларидан тирик ҳолда) чиқардинг..." (Moida surasasi, 110-оят).

Бинобарин, тасаввufий адабиётнинг суннган тоғи – Куръони карим. Ўликни тирилтириш ҳақидаги мажознинг ҳақиқати ҳам Куръони каримдадир. Забур, Таврот, Инжилнинг асл нусхалари ва Куръони карим асло инсон тафаккури маҳсулни эмас, балки ҳақиқий илоҳий калом, Оллоҳнинг муқаддас сўзиидир.

Оллоҳ барча пайғамбарларни ўз даврига хос мўъжизалар билан қувватлантирган, хусусан, Ийсо алайхиссаломни ҳам. Диққат қўлсак, мисол келтирилган оятларнинг аввалгисида "Оллоҳнинг изни билан" деган ибора ва кейингисида "Менинг изним билан" деган илоҳий сўз таъкидланмоқда. Бедаво касалларни тузатиш ва ўликни тирилтириш амалини зоҳирда Ийсо алайхиссалом бажарди, лекин моҳиятда бу фақатгина Оллоҳнинг изн-иродаси билан воқе бўлди. Бу – Оллоҳнинг кудрати, Оллоҳнинг тажаллиётидир. Ўликни тирилтирувчи нафас Ийсо алайхиссаломники, аммо бу нафасни ато этган зот Оллоҳдир. Бинобарин, мумтоз шеъриятдан, айнича, Навоийдек мувахҳид зот мажозларидан эътиқодий нуқсон излаш инсофдан эмас.

### Инсон маъбуд эмасдир

Алишер Навоий Самарқанд улуғларидан бири, фиқда Абу Ҳанифа Соний, яъни иккичи Имоми Аъзам деб эътироф этилган Хожа Фазлуплоҳ Абуллайсий ҳузурида иккى ийл таълим олган. Бу зот эса Фақих Абул-Лайс Самарқандий авлодидандир. Навоий, "Онча илтифотлари бор эрдиким, фарзанд дер эдилар", дейди тавозуз билан. Бинобарин, Фақих Абул-Лайс Самарқандийнинг тасаввufий тафсири Жомийю Навоийлар ўқиган мўътабар тафсирдир. Шунга кўра, "Тафсири Самарқандий"дан зикр этилган оятлар шарҳига доир сўзларни келтирмоқ ўринили бўлади. Фақих, ҳазратлари Ийсо алайхиссаломга ҳали сўз юритганимиз мўъжизалар берилгандан кейинги воқеани қўйидагича изоҳлайди: "Ваҳб ибн Мунабих

бундай дейди: "Ийсо алайхиссалом Байти муқаддаснинг бир кўчасида тургандарида шайтон у кишига яқин келиб бундай деди: "Эй Ийсо! Сенга Рубубият (худолик) сифати етди. Чунки сен ўликларни тирилтирилди, бешиқда туриб гапирдидинг, туғма кўрларнинг кўзини очиб, кўрадиган қылдинг, пес-моҳов касалига ўйлиқканларни тузатдинг. Ана шулар худо эканинг алломатларирид". Бу сўзларни айтган шайтонга Ийсо алайхиссалом, "Эй мальян! Рубубият (Парвардигорлик) фақатгина Оллоҳга хос! Мен Унинг изни билангина ўликларни тирилтиридим, кўрларнинг кўзини очдим, пес-моҳовларни тузатдим!", деб жавоб беради.

Шайтон кейинроқ келиб, "Эй Ийсо! Сен ер юзининг маъбудисан!" дейди. Ийсо алайхиссалом эса "Ер ва осмонларнинг маъбуди ёлгиз Оллоҳдир. Ундан бошқа илоҳ йўқ!", дейди. Нақл қилинишича, худди шу аснода Жаброил фаришта шайтонни қаноти билан уриб денизнинг нариги томонидаги бир гўшага улоқтириб ташлайди" ("Тафсири Самарқандий", 257-бет). Бинобарин, пайғамбарлардан зоҳир бўладиган мўъжизалар ва авлиёлардан содир бўладиган қароматлар фақатгина Оллоҳнинг изн-иродаси биландир! Бас, ана шу тавҳид нури билан қаралганда "Ҳар лабинг ўлганинг тиргумзакда, жоно, жон эрур" сатрининг мажозида ирфон борлиги маълум бўлади. Иккичи байтда эса Навоий тўғридан-тўғри илоҳий ишқ изҳорига ўтиб, тўлғунилардан дам уради: Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким, Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур...

"Бўлмас фаҳмким" ибораси орифона сархушликдан дарак беради.

### Жон – ошиқлар кўзгуси

"Жон"нинг турли мътирифий қомусларда келтирилган рангин маъноларини билиб олдик. Энди "Тасаввuf истилоҳлари шарҳ"даги баъзи изоҳларга диққат қиласлийлек.

Жон – аъёни событадир, яъни Ҳақ таоло азалдан яратиб, белгилаб, событ қилиб кўйган нарсадир. "Аъёни событа"нинг яна "илоҳий исмлар, яъни Оллоҳ таолонинг исм-

сифатлари тажаллийси натижаси ва илмий тасаввур" деган маънолари ҳам бор.

Жон – мавжудотнинг ҳақиқати, яъни борлиқ-дунёдирки, илмий тажаллийдан ваҳдоният ва жабарут – ягоналик ва улуғлик оламида зоҳир бўлмишdir.

Жон: а) миръотул-ушишоқ, яъни ошиқлар ойнаси; б) софлик, тиниқлиқ, равшанлик. Бу истилоҳни улуғ аллома, мутасаввиф ва мұфассир Хожа Абдуллоҳ Анзорий тасаввувфа кирифтган. Пири Ҳирот форсий манзумада "жон"ни қўйдагича таърифлаган (насрый баёни): "Субҳаналлоҳ! (Чексиз ҳайратлар бўлсин Ул пок-муназзаҳ Оллоҳнинг санъатигаким!) Жонданда жондан ҳам кўра таажжуброқ нарса мавжудот ичидан яширгани йўқ! Кийим ичидан кетаётган киши қандоқ? Унда жон яшириниб, йўқ бўлиб кетгандирки, у абадий тирикдир. Ўша тирик бўлган жон унинг ўзиdir. Тил асло тилга келмайдиган бир иборани тилга олмоқда..."

Бутун борлиқ-мавжудотда ҳаёт сабаби бўлиб турган нарса шу борлиқ-мавжудот ичидан пинҳондир. Уни кўрмоқча изн йўқ. Мавлоно айтадилар:

Танга жону жонга тан пинҳон эмас,  
Жонни кўрмоқ кимсага имкон эмас!..

Жон зоҳир кўзига кўринмайдиган борлиқдир. Хожа Абдуллоҳ Анзорий айтадики, "Суфийлар саҳифасида дил йўқ, суфийлар саҳифасида кўлланадиган жон сўзи жон эмас, жон ҳам йўқ. Аммо рашқ тариқида жонга баҳона (ишора) бор".

Мавлоно айтади, "Жон бўлу жон йўлидан жонни танигил, басират (кўриш) дўсти бўл, қиёс фарзанди бўлма!" Яъни, зоҳирнинг, "қол"нинг асири бўлма!

Бас, жон борлиги маълум, аммо у ҳаётнинг кўздан ниҳон асосидир. Вужуд жонга тўлган, жон эса жононга. Вукуддаги бу тўлган ҳаёт жонми, жононми – фаҳмлаб бўлмайди, дейди Навоий. Иккиси бирга айланниб кетган. Шу боис "можаро" сўзи буларга ярамайди. "Можаро" мумтоз лугатда кечимиш, саргузашт, бугунги лугатларда эса низо, жанжал, тортишув маъносини билдиради. Ҳолбуки, жон билан жонон ўртасида низо бўлиши мумкин эмас.

## Жонон – жон эгасидир

Фазалдан ҳузур тўймоқ учун "жонон" истилоҳининг маъноларини кўриб чиқайлик.

"Жонон" – луғатда маъшуқ, маҳбуб; ёр, севгили. Тасаввувий маънода эса қаййумий сифатидирки, бутун мавжудотнинг қиёми – борлиги, туриши, яшashi унинг биландир. Агар (қаййумий сифат) бир зум мавжудотга пайваста бўлмаса эди, ҳеч нима вужудга келмас ва бақо топмас эди.

"Қаййумий сифат"нинг маъноси нима? Ал-Қаййум – Оллоҳ таолонинг Куръонда билдирилган гўзал исм-сифатларидан бири. Оллоҳ Қаййумдир, яъни бутун мавжудотни (осмон, ер ва барча нарсаларни) тутиб турувчи зотидир. Ўзи ўз зоти билан қоимдир (ҳеч кимга, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ). Яна "зоти ўзгармайдиган, кимсага эҳтиёж сезмайдиган абадий турувчи"дир, деб ҳам шархланган.

Жонон – жоннинг азизи, суюклиси; жоннинг эгаси, яратувчиси, мутасарифи – бошқариб турувчисидир. Жонон жонга маъно, ҳаёт баҳш этган нурдир. Жонни нурга тўлдириган ишқи илоҳий манбайдир.

"Миръот ул-ушишоқ" – ошиқлар ойнаси деган маъно жиҳатидан қарасак, байтдаги жон ва жонон юксак маънавий мартаба, валяоят даражаси, ҳол манзараси экани маълум бўлади. Чунки жоннинг ошиқлар ойнаси бўлиши софлик, азим риёзатлар, поклик, тиниқлиқ, зуҳду тақво натижаси, илоҳий тажаллиларга мазҳар бўлиш аломатидир. Бу орифона ишқи илоҳий самараасидир.

"Жоним андоқ тўлдики, жонондинки..." Робиъа ул-Адавийядан, "Шайтонни душман тутармисан?" деб сўрадилар. "Йўқ", деди. "Нечун?" деганларида, "Шунинг учунки, кўнглимда Раҳмон севгиси шунчалик тўлиб тургайки, шайтон душманлиги сиғмас!" деб жавоб берди. Навоий байти шундай тўлгунлиники эслатади. Шу билан бирга, инсоннинг бундай тўлгунлиги, ишқи ва ирфони, шавқи ва аффони ўз куввати, идроки, қалбининг ҳоли доирасидаги тўлгунликлариди. Чунончи, Мавлоно Шамс Табризий ўз маънавий эҳтиёжларига жавоб берадиган бир валий дўстини қидирад, Оллоҳдан шуни илтижо қилиб сўрар эди. Кўнёга етганида Мавлоно

Жалолиддин Румий мадрасадан чиқиб, бир қанча уламо куршовида борар эди. Мавлоно Шамсiddин у кишининг оти жиловини тутиб:

– Имом ал-муслимин! (Эй мусулмонлар улуғи!) Боязид Бистомий улуғроқми ёки ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламми? – деб сўради. Мавлоно айтадики: “Бу савол ҳайбатидан гўёки етти осмон бирбиридан айрилди ва ерга тўкилди ва менинг ботинимдан бир азим ўт димогимга урди”. Ва жавобан:

– Ҳазрати Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам олам аҳлиниңг энг улуғидир! Боязид не бўлиди?! – деди.

Шунда Мавлоно Шамс айтди:

– Не маъноси борки, Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мо арофнака ҳаққо маърифатика” (яъни “Оллоҳ! Сени маърифатинг ҳаққи или етарли даражада таний олмадим”), дебди; Боязид эса, “Пок Парвардигоро! Шоним нақадар юксак! Мен сultonлар сultonиман!” дебди.

Мавлоно Жалолиддин Румий жавоб бе-риб айтадики:

– Боязиднинг чанқоги бир журъа билан қонди, серобликдан дам урди, идрокининг кўзаси шу билан тўлди ва ул нур (маърифат нури) унинг уйининг равзанаси хурдида (кичкина тўйнугида) эди! Аммо Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари улуғ ва чанқоқпик ва сувсизлик устига сувсизлик эди! Ва муборак кўкси “Алам нашроҳ лака содрек?” – “Биз сенинг кўксингни кенг, мунаvvар қилиб қўймадикми?” (ояти) билан “Ва арзуллоҳи восиъатун” – Ва Оллоҳнинг ери кенгдур” (ояти) бўлган эди! Шунинг учун (ичган сари тобора) ташналиқдан дам урдилар ва ҳар кун курбат (Оллоҳга яқинлик) истидъосида (илтижосида) эдилар!..

Бу комилжавобни эшитгач, Мавлоно Шамс фарёд уриб, йиқилди... Ориф-ошиқларнинг ишқ или тўлғунлиги ўз маърифати кўзасига муносиб бўлади. Шу билан бирга, Навоий сўзи ҳам шунчаки санъат ёки даъво эмас, балки ҳақиқатдан ботин оламидан дарак берувчи ҳол жилосидир. Навоий бу мартабани тариқатдан, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдураҳмон Жомий каби муршиди комилларнинг таважюхи ва химматидан топган.

Жоннинг жонон билан тўлгани илоҳий муҳаббатга далолат қиласи. Мұхаммад Фаззолий муҳаббатни бундай таърифлайди: “Банданинг Оллоҳни севмоғи Оллоҳ бандасини севмоғининг аломатидир... Севги илдизи соглом, шоҳлари кўкка юксалган муazzам бир дараҳт кабидир. Бу муҳаббат дараҳтининг мевалари кўнгилларда, тил ва аъзоларда маърифат ва зикр шаклида вужудга келади. Бундан эса амал туғилади. Шундай қилиб, худди тутун оловга, мева дараҳтга далолат қиласи, тил ва аъзоларда вужудга келган маърифат, зикр ва амал муҳаббатга далолат қиласи”.

### Жоннинг бақоси жонон билан

3. Бўлса жонон, бордурур жон ҳам,  
чу жонон қилди азм,  
Жон кетиб жонон била,  
жондин манга ҳижрон эрур.

“Жонон бўлса, жон ҳам бордир, жонон кетишига азм этса, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Жон билан менинг ўртамга ҳижрон тушади. Ки жон боис мен ҳижронда қоламан...”

Юқорида кузатдик, мавжудотнинг яшаб туришини таъминловчи қайумий сифат бир дакиқа пайваста бўлмаса, бирор нарса мавжуд бўлмайди ва бақо топмайди. Жононнинг илоҳий тажаллийси ҳеч қачон фоний бўлмайдиган абдийдан боқий сифат экани эътиборга олинса, “ла мавжуда иллаллоҳ” – “Оллоҳдан бошқа мавжуд (нарса) йўқ” сўзи ёдга келади. Қуръони каримдаги “Оллоҳнинг важҳидан (зотидан) бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Уникидир ва сизлар Унгагина қайтарилгайсизлар” деган ояти карима хотирга келади (Қасас сураси, 88-оят).

Энди бир нозик нуқтага эътибор қаратайлик, бу – жон ва инсон ўртасига тушадиган ҳижрондир. Жонон кетишига шайланса, жон ҳам у билан бирга кетади: “Жондин менга ҳижрон эрур”. Навоий бу айрилиқ иборасини олимона ва орифона кўллаган. Чунки жоннинг бадандан кетиши жоннинг йўқ бўлиши эмас. Үлнимнинг маъноси жоннинг жасад деган қолидан узилишидир. Жон мавжуд, аммо жасаддан кетган. Жасад ҳам

мавжуд, факат у тупроққа айланған. Ҳашр күнида жон билан жасад қайта топишиді. Ана шу ўртадаги масофа ҳижрондирки, Навойй бу ҳақиқатни ҳайротомуз зарофат билан мајозга туширган.

## Жон жонон учундир

4. Жон манга жонон учундир,  
Йўқки жонон жон учун,  
Умр жононсиз қотик,  
Жонсиз вале осон эрур.

"Менинг жоним жонон учун, аммо жонон жон учун эмас. Жонсиз умр кечириш осон, лекин жононсиз умр кўриш қийин..."

"Жонсиз умр осон" ифодаси бояги "хижрон"нинг шарҳидир. Инсон вафот этиб, жон билан жасад ўртасига ҳижрон тушганда ҳам, барибир, иккиси ҳамиша Оллоҳнинг тасарруфида! Агар инсон дунёда жонон – ишқ, иймон билан яшаган бўлса, жасаднинг қабрдаги ҳоли ҳам осон, лекин жононсиз яшаган бўлса, ахволи тангдир. Байтнинг ботиний маъноси – шу.

Энди зоҳир маъносини кўрайлиқ. Бу ўринда "қотик" ва "осон" ифодалари жон билан жононнинг нисбати ва мақомини белгилаш учундир. Инсоннинг жони жонон учун – жоннинг эгаси бўлмиш Холиқи зул-жалол учун! У аслига қайтгувчи, тугал маънода жононни! Аммо жонон жон учун эмас, унинг жонга хеч қандай эҳтиёжи йўқ. "Жомеъ ул-мутун"да айтилади: "Оллоҳнинг бу яратмоги ўз қудратини ва сұнъини (санъатини) изҳор этмоқ учундир. Ҳаргиз уларга ва уларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлганидан эмас!" (65-саҳифа.)

Жонон – ўз хоти билан қоим: қадимдирки, ибтидои йўқ; абадий тирик – бокийдирки, интихоси йўқ. Жон ҳам ўз хоти билан қоим, аммо у жасадга муҳтоҷ бўлмаган ҳолда жононга муҳтоҷдир. Унинг қаййумияти – бор бўлиб туриши жонон туфайли.

Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийдан Оллоҳ таолонинг ушбу "Иа айиұханнасу антум фуқаро-у илаллоҳу, валлоҳу Ҳувал-Фаниййул-Ҳамид" – "Эй инсонлар! Сиз Оллоҳга муҳтоҷсиз. Оллоҳнинг ўзи Фаний ва Ҳамид – беҳожат ва мақтовор лойиқ зотдир" (Фотир сураси, 15-оят) ояти ҳакида

сўрадилар. Айтиди: "Сиз Оллоҳнинг раҳматига муҳтоҷсиз, деганидир ва Ул Оллоҳ таоло сизнинг феълингиздан, қиладиган амалингиздан буткул беҳожатдир. Сиз эса Оллоҳнинг раҳматига муҳтоҷсиз, демақдир" (Абдураҳмон ас-Суламийнинг "Табоқот ус-суфий" китобидан).

Фузулий айтидади:

Жонни жонон тиламиш, вермамак ўлмас, эй дил,  
Не низо айлалим, ул на санинтур, на баним...

"Жонни жонон сўраяпти, бермасликнинг иложи йўқ, эй дил! Қандай ҳам низо, эътиroz қилайлик, ахир, бу жон сенини ҳам эмас, менини ҳам эмас!.. У Яратган эгасиникидир".

Тўғри, жасад жонсиз яшай олмайди, илмий мантиқ ана шундай, лекин бу ўриндаги "жонсиз умр осон"лиги жонсиз яшаш мумкинлигини билдиримайди, балки жононсиз яшаш мумкин эмаслигини таъкидлайди, яъни жонон бўлмаса тандаги жонга не ҳожат?! Чунончи, кейинги байт шу маънони қувватлайди.

## Жонсиз ҳам, жононсиз ҳам ҳаёт йўқ

5. Борса жон, жонон ўтар; гар борса жонон,  
Жон кетар,  
Кимсага жонону жонсиз умр  
Не имкон эрур?!

"Жон кетса, жонон йўқ бўлади; жонон кетса, жон ҳам кетади. Ҳишита жонону жонсиз яшашнинг қандай имкони бор?!"

Олдинги байтдаги "жонсиз вале (умр) осон эрур" ифодасининг асл маъноси энди очилди. Унда жонсиз яшаса бўлади, лекин жононсиз яшаб бўлмайди, дейилган эди. Бу байтда эса жонону жонсиз яшашнинг асло имкони йўқ, дейилади. Бу маъно олдинги байтни рад этиш ёки сўзидан қайтиш эмас, чунки бу гал иккиси қўшиб зикр қилинди. Бу аввалги маънони тасдиқлаш, очиш ва ривожлантириш, байтни байт билан шарҳлашдир.

Сулаймон Улудог Фархурддин Ироқий шарҳига таяниб, "жонон"ни тасаввуфий маънода: 1) Мавло, Робб, Оллоҳ; 2) Оллоҳнинг қаййумият сифати, деб изоҳлайди ва "Бутун борлиқ бу сифат соясида ўз борлигини сақлаб турди ва давом эттиради. Қаййумият (сифати) билан алоқаси узилган мавжудот бир зум бор ҳолича тура олмайди, дарҳол йўқ бўлиб

кетади", деб таъкидлайди. Ана шунинг учун жонон кетса, жон кетади, ана шунинг учун кимсага жонону жонсиз умр кўришнинг имкони йўқ!

Бу маърифий ифода жоннинг баданга эҳтиёжи бўлмасдан, ўз зоти билан қоим экани ҳақидаги илмий мантиққа асосланган. Навбатдаги байтда Навоий олдинги маъноларни умумлаштириб, хулосалайди:

### Жононсиз жаҳон – зиндан

6. Хуштуур жону жаҳон жонон била, жонон агар Бўлмаса жон ийлакум, ўлмас жаҳон, зиндан зрур...

Жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан яхшидир, агар жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон бўлмайди, балки зиндан бўлади...

Куръони каримда, "Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир", деб марҳамат қилинади ("Нур" сураси, 35-оят). Изоҳда эса "Яъни, уларнинг барчасини ёритиб, йўқдан бор қилиб тургувчи", дейилади. Оллоҳ қаййумият сифати тажаллийси билан еру осмонларни, жону жаҳонни тутиб турувчи бўлса, Нур сифати билан еру осмонларни (оламларни) ёритгувчи, мунаvvар қилгувчи. Ўзи хоҳлаган сиймоларга, зеҳнларга ва кўнгилларга нур ёғдиргувчи. Жононсиз жаҳон бўлмас, балки зиндан бўлур.

Жононнинг дил оташидан – ишқи илоҳийдан хабардорлиги Р.Яхёнинг ушбу байтида гўзал ифодаланган:

Сўзи дилдан бехабар деб ўйламанг жононани,  
Шамъни ёқмасми ул оташким, ёқар парвонани!..

"Жононани дилнинг ёнишларидан бехабар деб ўйламанг, ахир, парвонани ёқаётган бу олов шамнинг ўзини ёқмайдими!.." Яна Фаззолий сўзини эслайлик: "Банданинг Оллоҳи севмоги Оллоҳ бандани севмогининг аломатидир..."

### Абадият сабаби

Жон ва жонон мумтоз шеъриятда энг кўп кўплланган истилоҳлардандир. "Жонафзо" калимаси жонни нашъалантирувчи, жонни жонга кўшувчи, деган маънони билдиради, аммо тасаввуфий истилоҳда Ҳақ таолонинг бақо сифатидир (Ироқий). Соликни фанодан узоқлаштириб, уни боқий ва абадий қилувчи

сифат бу. Шу боисдан мумтоз адабиётни ҳар ким ўз идроки, маърифати дараражасида англайди. Бас, жон ва жонон фазалининг жони бўлган ўта муҳим хулосани ошкор этиш вақти етди. Бундай мурод ҳам руҳи инсонийдир. Зеро, ҳар кимки бежондир – у билишдан маҳрумдир. Билиш тириклик белгисидир. Билиш – жонга хос хусусият!.. Жононни билмоқ учун жасадга жон керак, чунки жонга жонон керак. Ҳадиси кудсийда Оллоҳ айтади: "Мен яширин ганж эдим. Ўзимни ошкор қилишни севдим!" Жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан ёруғ ва гўзал! Жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон нурсиз, қоронғу зиндан бўлади. Бу – жаҳолат, нурсизлик, ишқизлик, маърифатсизлик, бехабарлик, ғафлат зинданидир. Жон билан жононнинг бирлигидан мақсад маърифатидир, маърифатуллоҳидир, жоннинг эгаси бўлмиш Холиқи зул-жалоп ва зул-камони танимօқдир. Ана шундан ишқ тугилади. Жаҳон нур ва маъно билан тўлади. Адабиётдаги ирфоний истилоҳлардан мурод ана шудир. Шунинг учун Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий "Ирфон" сўзини шарҳлаб, "Оллоҳ, таолони ва Унинг сифатларини билмоқ илмларнинг энг юксаги, энг улуғи, энг фойдалиси, энг мукаммали, энг шарафлиси, энг порлоги, руҳга энг кўп таъсир этадиганидир. Ақли салим эгаси бўлган мусулмон киши авло тарзда бу илмни таҳсил олмоги фарзидир. Бу илм бутун илмларнинг асл-асоси, ҳамма нарсанинг магзи, бутун саодатларнинг манбаи, барча гўзал, хуш хислатларнинг бошлангичи, дунё ва охират саодатининг асосидир. Бу илмни яхши билгган инсон ўз эътиқодини шубҳа қоронгулигидан, шайтон ва нағснинг ҳийаларидан кутқарган бўлади!" дейди ("Жомиъ ул-мутун", 27-бет).

"Жоним андоқ тўлди жонондин", "Жон манга жонон учундир", "Хуштуур жону жаҳон жонон била" каби ифодалар ирфон аломати, жоннинг эгасига муҳабbat изҳоридир...

### Тан била жоннинг ҳижрони муваққатдир

7. Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга  
ранж истамаса,  
Чунки жононсиз Навоий жонидин  
ранжон эрур.

"Эй ҳажр, жононсиз менга ранж – қийноқ-машақат истама, ундан кўра жонимни олиб қўя кол, чунки Навоий жононсиз жонидан безордир!"

Байтда "жон" ўзаги, жим ҳарфи пайдарпай кўплланиб, иштиқоқ санъати вужудга келган.

Фузулий ёзади:

Ё Rab, бана жон геракмас,  
Жонон ўйқ эса, жаҳон геракмас...

Ирфон масаласида мумтоз шоирларда маъно оҳангдошлиги мавжуд.

Савол туғилиши мумкини, "Ҳақиқат тургандага нега тасаввифий шеъриятда мажоздан фойдаланилади?" Дунё ҳаётни абадий ҳаётдан бир жузъ бўлганидек, дунёдаги бошқа нарсалар ҳам жузъийдир. Зохир кўзи билан кўриладиган нарсаларга муҳабbat bogлаш bor gap. Қуръонда айтилади: "Зуйинна лин-наси хуббуш-шаҳавоти миран-ни-сои" – "Инсонлар учун аёлларга нисбатан эҳтиросли муҳабbat зийнатли қилинди..."

Нафсоний истак устун бўлган жойда муҳабbat ҳалокатта яқинлашади. И.Эккерманнинг "Гёте билан сұхбатлар" китобида қизиқ воқеа нақл этилган. Гётенинг котиби ёш бир шоирнинг шеърларини келтириб, унинг фоят истеъоддодли эканини айтади. Сұхбатда улуғ шоирнинг табиби ҳам бор эди. Шеърлар ўқиб чиқилгач, "Бу қиз эрга теккак, шеър ёзишини ташлайди", дейишади. "Нера?" дейилгандан, қизнинг ишқий шеърларида нафсоний – эҳтиросли истаклар кучли экани, у муродига етагач, шеърга эҳтиёжи қолмаслиги айтилади. Демак, нафснинг муродга етиши севигагина эмас, истеъоддогда ҳам салбий таъсир қилиши англашилмоқда. Албатта, чин муҳабbat билан боғланган умрлар бундан мустаснодир.

### Мажозий муҳабbatнинг моҳияти

Мажозий-башарий муҳабbat нафсоний ва шаҳвоний эҳтиёждан холи бўлмагани учун ориф зотлар, тариқат мансублари дунё севгисини барча хатоларнинг боши, деб

ҳисоблаган. Илоҳий ишқни таржиҳ этган. Тасаввифий адабиётда бунга мисоллар бисёр. Навоий ҳам ошиқ йигит, бемор матьшуқа ва табиб воқеасида мажозий муҳабbatнинг мусибатини кўрсатган. Профессор Маҳмуд Асьад Жўшон (раҳматуллоҳи алайҳ) "Ҳақиқий севги" китобида "Бу дунёдаги инсонларнинг турли севгилари ишқи мажозийдир, ҳақиқий эмасдир. Чунки келгай, кетгай. Ўткинчидир, муваққатдир. Бир қанча вақт ўтгач, севганингдан нафрлатланишинг ҳам мумкин... Кимиси, вақтлар ўтиб, ўзи тушуниб, ўйлаб, ёқтириб, севиб олган ёридан соўйиди..." дейди. Ана шунинг учун инсоннинг ҳаётига нур ва маъно бағишлайдиган ишқи илоҳий асл муҳабbat сифатида тараннум этилади.

Ҳасан Басрий Робиъага "Эй Робиъа! Агар хоҳласанг, сени никоҳимга олайин", дейди. Робиъа "Эй устоз! Никоҳ вужудга қилинади. Менда ўзи вужуд бўлмаса, нимамга никоҳ киласиз!" деб жавоб беради. Инсоний, мажозий муҳабbatнинг омили вужуд ва мавжуд нарсалардир... Илоҳий ишқ билан тўлган жон эса ўзини фано мақомига етказиб фано топган.

Навоий ўзининг бу шайдолигини, ишқи илоҳий мақомини бошқа бир ғазалида бундай ифодалайди:

Жонда ишқинг бўлгуси, то танды жон бўлгусидир,  
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлгусидир...

Инсоний-мажозий муҳабbatларнинг ўткинчи эканини таъкидлашасло бу муҳабbatни рад этиш эмас. Инсон борки, муҳабbat бор, дард бор, согинч бор, бир-бирига интилиш бор. Зеро, абадий гўзал ҳақиқатга кўприк бўлган нарса ана шу ўткинчи мажозидир.

Одатда татаббу бир шеърий асарга эргашиб ёзилган мустақил назмий асардир. Аммо бу маърифий татаббу Нажмиддин Комиловнинг "Жон ва жонон мажароси" шархига жавобан битилди. Олим фикрларини баҳоли қудрат тўлдириш, янгилаш билан бирга, баъзи саҳвлар испоҳига ҳам қўл урган бўлдик. Илло, ушбу оқизона шарҳ чин қалбдан азиз устозга бағишловдир.

Сирожиддин САЙЙИД

# Umr fərdləri

Етар бир корвон ҳар дам, ўтар бир корвон ҳар дам.

Алишер Навоий

Умр недир? Кечә – ўтди. Эртани қўй, кул бугун.  
Бахт недир? Ул – бугундир, ул бугундир, ул бугун.

Юз минг ёрзу ҳам ҳаваснинг гарчи қўл, ошносисан,  
Сен фақат шул лаҳзанинг, шул лаҳзанинг подшосисан.

Бул Ватани ўрганиб, ҳар қанча билсанг – оз экан,  
Ул буюк устоз экан, мангу буюк устоз экан.

Ҳар кишин гар жисму жону  
күнглида тўлгай Ватан –  
Бул Ватан бўлгай Ватан,  
бўлгай Ватан, бўлгай Ватан.

Амир Темур демишларки:

Менга токи зафар ёрдир –  
Яратганинг менинг бирлан улугвор  
ишлари бордир.



Олтину зар бу заминга зеб берур ҳам обу тоб,  
Тангрининг кетмони янглиг күкда олтин офтоб.

Жило бер юрт тупрогига токи сайқалинг қолгай,  
Агарачи ҳайкалинг қолмас, яратган пайкалинг қолгай.

Ранж чекиб гар битта ўғлон ўстирурсан сен букун –  
Битта қўргон ўстирурсан асли ўз юртинг учун.

Беридмиш тўти ҳам тўргайга дону ризқини ўнгай,  
Бузоқ оғилда кўз очгай – ариқда ўти ҳам унгай.

Унибдир, гоҳида кўрсанг, хароба устида нарғис,  
Сават ҳам бесабаб чиқмас ароба устига ҳарғиз.

Кекса устоз айтдиларким: Сўлмангиз ҳеч, очилинг,  
Яшилилк қилмоққа доим шошилингу шошилинг!

Айтмангизким, одамийдан ҳотамийлик истадим –  
Одамийдан одамийга одамийлик истадим.

Не учун келдинг жаҳонга – эл билан эл бўлмадинг,  
Ўзгага бўй бўлмадинг, ўзингга ҳам эн бўлмадинг?..

Юрт учун кўз узра бир киприкчалик ҳам бўлмадинг,  
Бир ариқ устидаги кўпприкчалик ҳам бўлмадинг.



◆  
Күчүкфөйл кимсаларга таърифу тавсиф нечук бўлгай?  
“Күчук”ни тескарисидин ўқисанг ҳам – күчук бўлгай.

◆  
Лутф айлар эрди бир кун муттаҳамга муттаҳам:  
Муттаҳамлар ичра энг зўр муҳтарамсиз, муҳтарам.

◆  
– Рози бўлгайсизми, – дерди кекса устоз қўзда нам, –  
Мендин ўзга барчангиз ҳазрат Навоийсиз десам?..

◆  
Ош дебон урганингнинг қанчаси ёвгон гурунг,  
Бемуҳаббат кунларингнинг барчаси – ёлгон гурунг.

◆  
Узоринг истаб, эй ёр, хуб оҳ-зор қилибман,  
Бу боғзор кўнгулни мен дозор қилибман.

◆  
Гулни гул кўйлак қилибдур гулбаданга ул бадан,  
Гул баданга тегдиму ё гулга тегди гулбадан?

Күрсалар ошиқлари энди дегай: ох, у эди,  
Бир замонлар бу санам оху эди, оху эди.

Ул булутларким юзарлар күкда олис, оқы оқ –  
Эсдаликлардырки мендин анча тушмишлар йирок.

Күнмади рафторинга чарх, күнгил, эй күнгил, дедим,  
Чарх рафторига энди, эй күнгил, күнгил дедим.

Күрдик, эй дуст, бир таноб ер-чун азобингни сенинг,  
Ер ўзи тортиб қўяр бир кун танобингни сенинг.

Келмагансан уч ва ё тўрт кун тижорат қилгали –  
Сен ўзингни аслида келдинг зиёрат қилгали.

Ўтмасин десанг умринг субҳу шоми бесамар –  
Сен ўзингдан то ўзинг шому саҳар қилгил сафар.

Николай ГОГОЛЬ

**BURUN**

Кисса

## I

Март ойининг йигирма бешинчи куни фавқулодда гаройиб ходиса рўй берди. Вознесенск кўчасида яцловчи сартарош Иван Яковлевич (унинг фамилиясини бирор кимса билмасди, ҳатто сартарошона эшигидаги юзига совун кўпиги суртилган жаноб тасвири туширилган ҳамда “харом кондан ҳалос этади” деган ёзув битилган тахта лавҳада ҳам ҳеч вақо кўрсатилмаган эди) одатдагидан баравқатроқ уйғондию димогига иссиқ нон хиди урилди. Каравотидан сал қад ростлаб, рафиқаси – ўзига етгунча кайвони, яна денг роса кофийхўр хоним



кип-қизил сўлқиллама ионларни пеҷдан узаётганини кўрди.

– Прасковья Осиповна, мен бугун коғий ичмайман, – деди Иван Яковлевич, – унинг ўрнига иссиқ нонга пиёз қўшиб егим келянти.

(Иван Яковлевич унисига ҳам, бунисига ҳам йўқ демасди-я, аммо бирваракай ҳар иккаласини сўрамок одобдан эмаслигини, зеро, Прасковья Осиповнанинг бунақа хурмача киликларга асло тоқати йўклигини

Улуг рус ёзувчиси Н. В. Гоголининг “Бурун” қиссаси (1836) ҳозирги адабий танқидчилик “фусункор реализм” дёя атапётган ижодий усулга мансуб асардир. Үнда қаламга олинган воқеалар, таажжубки, бир қарашда батамом ҳаётий, бир қарашда эса мутлақо ҳаёлий туюлади. Ҳар қандай юз-хотирни четга суруб айтганда, мазкур қисса фабулавий жиҳатдан чандон фазилатли ҳам эмасдек: Ковалёв деган ўртачароқ бир амалдорнинг юзидан бурни аевал қандай сирли гойиб бўлса, беъзи саргузаштлар оша кейин яна худди шундай сирли тарзда пайдо бўлиб қолади. Анчайин латифабон бир гап, тўғри эмасми? Үнда нега қисса салкам иккى юз ўштдан бўён китобхони ҳаяжонга солиб келмоқда? Бунга сабаб – асарда турли табака қишиларининг феъл-атвори бемисл аниқлик ва теранлик билан тасвирлаб берилганида. Факат шуғина эмас, бундай қиёфаларни бугун ҳам ҳар жойдан исталганча топиш мумкинлигига! Агар сўзимизни лофга йўйсангиз, майли,

яхши биларди.) “Майли, бу аҳмоқ нон сб кўяколсин, – деб ўйлади хотини, – ўзимга яхши – бир финжон кофий ёнга колади”. У столга битта нон ташлаб кетди.

Иван Яковлевич, азбаройи сипогарчилик, кўйлак устидан фрак кийди, сўнг стол қошига келиб ўтириди-да, икки бош пиёзни арчиб туз сепди ва ҳафсала билан нон кесишга киришди. Уни иккига бўларкан, ўртасида бир нима окариб турганини кўриб хайрон бўлди. Пичок билан секин кавлади, бармоқ учини теккизди. “Каттиқкина! – деди ўзича. – Нима бўлса экан-а бу?”

Кейин бармогини тикиб тортиб олди – бурун экан!.. Иван Яковлевич кўзларини ишқалаб, сер солиб қаради: бурун, буруннинг ўзгинаси! Боз устига, кайсиидир танишининг бурни. Иван Яковлевичнинг юзини даҳшат аломати коплади. Аммо бу даҳшат хотини кўтарган ваҳима олдида ҳеч гап бўлмай колди.

– Бурунни кай тўрдан кесиб олдинг, ваҳший?! – деб кичкирди у жаҳлдан кўкариб. – Ярамас! Пиёниста! Сени ўзим полицияга топшираман. Кирчанг хўзиз! Эшитдим, бир эмас, уч киши айтди менга, соколини олаётганингда бурнидан чантгаллаб тортилашинга мижозларинг аранг чидар экан.

Бирор Иван Яковлевич серрайиб колган эди. У билди, бу – ҳар чоршанба ва якшанба кунлари сокол олдирадиган коллэж асессори Ковалёвнинг бурни.

қиссану ўқинг-да, төваракка назар солинг – шундоқ ёнгинангида уларни кўришинги турган гап. Дарёкоे, Гоголагина хос бўлган ҳалим истеҳзо бу қиёфаларни, бадиий-эстетик маънода, янайам жозибадор этиб юборган.

Машхур “Ўлик жонлар” муаллифининг деярли барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Аммо “Бурун” қиссадек бадиий дурдона мутаржимлар эътиборидан четда қолиб келаётгани, рости, бизни таажжубга солар эди. Мана, ниҳоят, таржимон Фарҳод Файзийнин журъати ва заҳмати билан асарнинг ўзбекча таржимаси дунё юзини кўрибди. Уни сиз, муҳтарам журналхонлар эътиборига ҳавола этар эканмиз, таржимада айрим хирапоқ ўринлар учраса мазъур тутарсиз деб ишонамиз. Зоро, Гоголь каби даҳо санъаткорни ўзбекчада аслиятга монанд юксак пардада сўзлата олиш осон иш эмас.



– Сабр кил, Прасковья Осиповна! Буни латтага ўраб бир чеккага кўйиб кўй, шу ерда туратурсин, кейин олиб кетаман.

– Бўлмагур гапни йиғиштири! Бир камим уйда кесилган бурунни саклаш эди ўзи! Килтириқ, қашкатароқ! Қаранг-а, бу кишим устарани қайишга ишқашни билади, холос, якин орада шуни ҳам эплаёлмай колади ярамас, гўрсўхта! Сени деб полиция-полиция чопайми энди? Вой исқирт, ислики-е! Йўқот буни! Даф кил! Қаёкка бўлса ҳам олиб кет! Кўзимдан йўқот!

Иван Яковлевич бир ахволда каккайиб турди-турди, ўйлай-ўйлай боши шишиди.

– Жин урсин, бу қанақаси? – деди ниҳоят кулоғи оркасини қашиб. – Кечаси мааст бўлиб келганимидим ёки ақлу хушим жойидамиди, ўзим ҳам билмайман. Ҳечам аклга сифмайди: ахир нон деганлари пеҷда пишса, бурун унинг ичида... Бошим котиб колди!..

Тахририят

Иван Яковлевичнинг бирдан дами ичига тушиб кетди. Полиция бурунни қидириб топиб, уни айборд килишини ўлаб ақлдан озаёзи. Ҳалитдан кўзига заррин ҳошиядор кизил ёқа, шпага... кўриниб, бутун вужудини титрок босди... Нихоят, алмисоқдан колган кўйлаги ва этигини сандикдан олди, шу увадаларни эгнига илиб, Прасковья Осиповнанинг аёвзиси қарғишлари остида бурунни латтага ўраб, кўчага чиқди.

Бу дардисарни у бирон ерга даф килишини ўйларди: ё дарвоза ортидаги темир устунча орасига тикиб юборади, ёхуд, билмаган киши бўлиб, у ер-бу ерга тушириб кўяди-да, ўзи дуч келтан кўчага кириб кетади. Бахтга карши, рўпарасидан танишибилишлари чиқиб колар ва “Йўл бўлсин!” ёки “Тонг сахарлаб кимнинг соқолини киртишлагани шайланиб колдинг?” дея саволга тутар эди – шу асно Иван Яковлевич қулай фурсат топа олмади. Бир вақт бурунни тушириб кўйган киши бўлиб кетаётган эди, будкада ўтирган коровул узокдан ойболтасини ўқталганча, “Бир нимангни тушириб кўйдинг! Қани, ол-чи!” деб бакириб колди. Иван Яковлевич бурунни олиб чўнтағига тикишга мажбур бўлди. Бирдан умидсизликка тушди, боз устига, дўкону расталар очиласётган маҳал эмасми, кўча борган сари гавжумлашмоқда эди.

У Исакиевск кўпригига боришга карор килди: балки бу савил қолгурни Невага улоқтириб юборар?.. Аммо мен сал-пал хурматта сазовор жиҳатлари ҳам бўлган Иван Яковлевич ҳакида ханузгача бирон бир тайинли гап айтмаганим учун олдингизда андак айборман, муҳтарам китобхон.

Ҳар қандай рус ҳунармандига ўхшаб Иван Яковлевич ҳам фирт пиёниста эди. Худонинг берган куни мижозлари соқолини киртишласа-да, ўзининг соколи умри бино бўлиб устара кўрмасди. Сира эгнидан тушмайдиган фраки (у ҳеч қачон сюортук киймасди) эса олачипор тусдами-

ей: яъни, аслида кора бўлиб, ҳаммаёгини жигарранг-сариқ ва кулранг дод-дуг босган, ёқасининг ҳам ягири чиқиб ялтираб кетган, учта тугма ўрнида факат ипи осилиб туар эди. У ўтакетган сурбет бўлиб, колледж асессори<sup>1</sup> Ковалёв ҳар сокол олдираётганида “Иван Яковлевич, қачон қарама, кўлларинг сасииди-я!” деса, сартарош унинг ўзига “Нимадан сасиркан-а?” дея савол котарди. “Билмадим, отагинам, шу – сасигани сасиган-да”, дерди колледж асессори. Иван Яковлевич эса тамакисини бир ҳидлаб оларди-да, бу гапи учун унинг иякларию бурни ости, кулоклари ортию томокларига – бир сўз билан айтганда, қаерига суртгиси келса, аямай совун кўпигини чаплаб ташларди.

Ана шу муҳтарам фукаро Исакиевск кўпригига етиб келди. Теварак-атрофга аланг-жаланг бокиб, кейин кўприк остига қарамоқчи бўлган киши мисол тўсиқ устига энгашди, гўё баликлар ғужгон ўйнаб юрганмикан дея кузатаётгандек турди-турдида, латтага ўралган бурунни астагина сувга отиб юборди. Бирдан елкасидан тог ағдарилгандек енгил торғди-колди. Ўзича жилмайиб ҳам кўйди. Чиновникларнинг соч-соқолини олгани бориш ўрнига, қаншарига “Егулик ва чой” деб ёзиб кўйилган емақхонага кириб бир стакан пунш<sup>2</sup> ичаман, дея чоғланган ҳам эдики, бирдан кўприк адогида ўзи томон тикилиб турган серсалобат, эндор чаккасоқолли, учбурчак шляпа кийган, шпага тақсан квартал нозирига кўзи тушди. Сартарош жойидан кимирлаёлмай колди, нозир эса бармоғи билан имлаб уни чакирмокда эди:

– Қани, бу ёкка кел-чи, азизим!

Иван Яковлевич муловазамат йўригини билгани учун узокданоқ бош кийимини ечиб куллук қилди-да, зипиллаб унинг олдига борди.

– Олийхиммат жаноблари, саломат бўлгайлар! – деди ялтолклиниб.

— Э-э, биродар, олийхимматинг нимаси?! Хўш, кўприк устида нима килиб турган эдинг?

— Худо ҳакки, жаноб, сокол олгани кетаётib ўзим шунчаки, дарё тез оқиaptимикан деб бир карадим-да.

— Кўй ёлғонингни! Шу билан кутулиб кетаман деб ўйлама! Тўғрисини айт!

— Мен, олийхиммат жаноблари, ҳафтада икки марта ёки ҳатто уч марта бепул сокол оламан, — деди Иван Яковлевич.

— Бэ-э, шуям гап бўлптими, оғайнни?! Билсанг, менинг соколимни учта сартарош олади, улар тагин буни ўзи учун шараф деб билади! Қани, энди гапир-чи, кўприк устида нима килиб турган эдинг?

Иван Яковлевичнинг ранги оқариб кетди... Аммо шу ўринда мазкур воеани буткул туман чулгайди ва ундан сўнг нима бўлгани хусусида мутлақо ҳеч нарса маълум эмас.

## II

Коллеж асессори Ковалёв анча барвакт уйғонди ва лаблари орасидан “брр...” деган овоз чиқарди — уйғонганида у доим шундай қилади-ю, бунинг сабабини ўзи ҳам билмайди. Ковалёв бир керишиб олди-да, хизматкорига стол устида турган чоғроқ тошойнани олиб келишни буюрди. У кеча бурнида пайдо бўлган ғўддага бир кўз ташлаб қўймокчи эди; бироқ — афсус-надоматлар бўлсинким, бурни ўрни теп-текис, ҳеч вако йўқ! Юрак-пураги чиқиб кетган Ковалёв “Сув бер!” деб бакирди. Кўзларини сочиқ билан арта-арта яна ойнага қаради: ха, бурни йўқ! Туш кўраётгандирман деб у ёқ-бу ёғини чимчилаб кўрди, ухлаётгани йўқ шекилли. У каравотидан сапчиб туриб, бир силкиниб кўйди: йўқ, бурни йўқ!.. Дарҳол кўчалик либосларини сўради ва кийинибок тўппа-тўғри обер-полицмейстер хузурига равона бўлди.

Дарвоқе, шу ўринда китобхон Ковалёв коллеж асессорларининг қандайин турига мансуб эканини тасаввур қилмоги учун у ҳақда бир-икки оғиз гапириб беришга тўғри келади. Бундай унвонга илмий аттестат ёрдамида эришган коллеж асессорларини Кавказда шу унвонга сазовор бўлган коллеж асессорлари билан сираям тенглапшириб бўлмайди. Чунки булар мутлақо алоҳида-алоҳида тур ҳисобланади. Ўқимишли коллеж асессорлари... Бироқ Россия шундайин гаройиб ўлқаки, агар биронта коллеж асессори ҳақида бир оғиз сўз айтсангиз, бас, Ригадан Камчаткагача бўлган ҳамма ҳудудларнинг коллеж асессорлари буни албаттга ўзи ҳақда деб ўйлади. Кошки барча унвону мансабларни назарда тутиб бўлса! Ковалёв кавказлик коллеж асессори эди. Бу унвонга эришганига бор-йўғи икки йил бўлган, шу боис буни бир лаҳзаям хаёлидан чиқармайди; ўзини олижаноб ва салобатли кўрсатмок учун эса коллеж асессори эмас, ҳаммага майор деб танишитирарди. “Кулоқ сол, азизам, — дедя гап бошларди у одатда кўча-кўйда манишка<sup>3</sup> сотиб юрган хотинни учратиб колса, — сен, яхшиси, уйимга кел, квартирам Садовая кўчасида, майор Ковалёв қаерда туради деб сўрасанг, дуч келган одам кўрсатиб кўяди”. Бордии аёл ёқимтойроқ бўлса, унга маҳфий топшириқ ҳам берарди-да, “Жонгинам, сен майор Ковалёвнинг квартирасини сўра”, дер эди. Биз ҳам бундан кейин бу коллеж асессорини майор деб атаемиз.

Майор Ковалёвнинг ҳар куни Нева проспектида сайр килиш одати бор эди. Унинг манишкаси ёқаси доимо топ-тоза ва охорланган бўларди. Бакенбарди эса, ҳозир ҳам губерния ва уезд танобчилари, меъморлар ва полк докторлари, шунингдек, полиция хизматчилари, кўйингки, тўштдор ёноклари кип-кизил, бостон<sup>4</sup> ўйинини котириб ўйнайдиган ҳамма эркаклар кўйиб юрадиган кўринишда эди. Бундай

чаккасोқол ёнокларнинг көк ўртасидан чўзилиб бориб тўппа-тўғри бурунга тақалди. Майор Ковалёв қимматбаҳо тошдан ясалган турли-туман тамғали муҳрларни ёнида олиб юрар, улар орасида хатто “душанба”, “чоршанба”, “жума” ва бошқа сўзлар ўйиб ёзилгандари ҳам бор эди. У Петербургта фаолият юзасидан, аникрок килиб айтганда, унвонига яраша дурустроқ мансаб эгаллаш илинжида келган: иложи топилса, вице-губернаторликка ўтсан, йўқса, бирор каттароқ департаментга экзекутор<sup>5</sup> бўлиб жойлашиб олсан, деб мўлжалларди. Майоримизнинг уйланиш нияти ҳам йўқ эмас, агар бисоти икки юз минг ақчалик кайлик учраб колгудек бўлса, кўзини чирт юмиб уйланиб юбориши турган гап. Ана энди, тушпа-тузук, ўртамиёна бурни ўрнида майор ўта бемашни, сип-силлигу теп-текис жойни кўриб кай ахволга тушганини китобхоннинг ўзи фараз килаверсин.

Бахтга карши, кўчада биронга извош кўринмасди. Майор плашига ўраниб, гўё бурнидан кон кетаётгандек тус бермок учун юзини дастрўмоли билан бекитиб яёв кетишга мажбур бўлди. “Хойнахой менга шундай туюлгандир, хе йўк-бе йўк, бурним гойиб бўлиб колиши мумкин эмас-ку?!”, деб ўйлади у ва яна ойнага қарашиб илинжида қандолат дўконига кирди. Яхшияники, дўкон бўм-бўш экан; факат югурдак болалар хоналарни супуриб-сидириб, курсиларни жой-жойига кўймоқда, баъзилари уйқусираганча патнисда қайнок гўмма олиб чиқаётир; стол-стуллар устида кофий тўкилган кечаги газеталар қалашиб ётибди. “Хайрият, ҳеч зог йўк, – деди у ўзига ўзи, – бемалол ойнага қараб олсан бўлади”. Юраги бетламайгина ойнага якинлашди ва тикилиб қаради. “Жин урсин, бу нима кўргилик! – деди тупуриб. – Бурун ўрнида бир нима қаккайиб турса ҳам гўрга эди, ҳеч вако йўғ-а!..”

У аламдан лабини тишлиб дўкондан чиқди ва доимий одатига хилоф равишида ҳеч кимга қарамай, ҳеч кимга жилмайиб бокмай тез-тез кета бошлади. Аммо тўсатдан бир уй олдида коккан қозикдек тўхтади-колди – кўз кўриб кулок эшишмаган воқса рўй берган эди: йўлак остонасига карета келиб тўхтадию ундан мундирли бир жаноб сакраб тушди-да, энгашганча зинадан чақкон-чақкон чиқиб кетди. Бу ўзининг бурни эканини кўрган Ковалёв қандай даҳшату ҳайратта тушганини таърифлашга тил ожиз! Унинг кўз ўнгидаги ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди, у аранг оёқда туради, бироқ талвасада титраганча қандай бўлмасин ўша жанобни кутмокка қарор килди. Чиндан ҳам икки дақика ўтар-ўтмас бурун қайтиб чиқди. Каттакон тик ёкали, заррин ҳошиядор мундир ва тақаки чарм панталон кийиб олган, шпагаси ҳам бор. Уқпарли шляпасига қараб, камида статский советник бўлса керак, деба хулоса килиш мумкин. Туришидан кимникигидир ташриф буюриш ниятида. У ён-верига наазар ташлаб олди-да, аравакашга “Кани, кетдик!” деб бакирди ва каретага ўтириди жўнаворди.

Бечора Ковалёв аклдан озишига бир баҳа колди. У ҳозиргина ўзи гувоҳ бўлган воқеадан ҳангуманг: ё тавба-а, қандай килиб кечагина унинг юзида турган бурун бутун оёқ чиқариб, мундир кийиб бемалол кўчада юради?! Майор каретанинг кетидан чопди, хайриятки, у узокка бормай Қозон черкови олдида тўхтади. Ковалёв ҳам шоша-пиша ўша томон югорди, кўз ўрнида иккита тешикча очиб кўйилгану бети-бoshини чирмаб олган тиланчи кампирлар орасидан ўтиб черковга кирди. Ибодатчилар сийракрек – улар факат эшик олдида уймалашиб туради. Ковалёв айни тобда ибодат қиласиган ахволда эмас, аланглаб ҳар бурчакдан бояги мундирли жанобни изларди. Ниҳоят, уни топди. Бурун бир

чеккада, афтини каттакон тик ёкаси билан бекитганча ўтакеттан тақводорлардек берилиб ибодат килмокда эди.

“Унинг олдига қандай бораман-а? – деб ўйлади Ковалёв. – Савлат-салобати, мундирину шляпасидан статский советник<sup>6</sup> экани кўриниб турибди. Жин урсин, кандок килдим энди!”

Якинроғига бориб устма-уст йўталди; лекин бурун сира ибодатдан чалғимай, қайта-қайта таъзимга эгилар эди.

– Олийхиммат жанобим... – деди Ковалёв ўзини дадил тутишга уриниб, – олийхиммат жанобим...

– Нима дейиз? – деди бурун унга ўтирилиб.

– Мен таажжубдаман, олийхиммат жанобим... Менимча... сиз ўз ўрнингизни билмогингиз керак. Ахийри сизни топдим-а, яна қаердан денг? Черковдан! Шуни тан олгайсизким...

– Маъзур тутасиз, фахмим етмайрок туриби, нима демокчисиз ўзи... дурустрок тушунтирсангиз-чи.

“Кандай тушунтирсан бўларкан бунга?” деб ўйлади Ковалёв ва ўзини кўлга олиб, гап бошлади:

– Мен, албатта... Ха, айтгандек, мен маъорман. Ўзингиздан колар гап йўқ, мендек одамнинг бурунсиз юришим уятдир ахир. Воскресенск кўпригида арчилик апельсин сотиги ўтирадиган жулдузвоқи хотиннинг бурни бўлмаса хеч бокиси йўқдир, бирок мен... нуфузли лавозимга мусассар бўлишим назарда тутилса... бунинг устига, кўпгина эътиборли хонимлар, дейлик, статский советник Чехтарёва ва бошқалар билан танишман... Танангизга бир ўйлаб кўрсангиз... Нима дейишгаям хайронман, олийхиммат жаноблари... (Шу ерга келганда у елкасини кисиб кўйди.) Маъзур тутгайсиз... агар бунга бурч ва номус талаби деб караладиган бўлса... ўзингиз тушунсангиз керак...

– Мутлако ҳеч нимани тушунмаяпман, – деди бурун. – Очикрок гапиrint.

– Олийхиммат жанобим, – деди Ковалёв ич-этини егудек бўлиб. – Таажжубдаман, тушунмайдиган гапнинг ўзи йўқ-ку... Эки сиз... Ахир – сиз менинг бурнимиз!

Бурун майорга тик каради, унинг кошлиари чимирилиб кетди.

– Янглишасиз, муҳтарам жаноб. Мен, бу – менман. Боз устига, бизнинг ўртамиизда хеч қандай якинилик бўлмоғи мумкин эмас. Вицмундирингиз<sup>7</sup> тутмаларига караганда, сиз бошқа бир маҳкамада хизмат киласиз чоғи.

Бурун шундай дедиую ўтирилиб ибодатини давом эттираверди.

Ковалёв нима килишни, нима дейишни билолмай эсанкираб қолди. Шу пайт заифона либосларнинг ёқимли шитиршитири эшитилди, бошдан-оёқ тўрсимон матога бурканган кекса бир хоним билан оқ кўйлаги хушбичим қоматига чиппа ёпишган, бошига сарғиши шляпа кўндиранг нозикниҳол, укпардек енгил, болдек ширин киз пайдо бўлди. Уларнинг ортидан чаккасоколи эндор, кат-кат ёқали новча малайи ҳам кириб, тамакидонини очди.

Ковалёв уларга якинроғ бориб, маниш-касининг батис ёкаларини чикариб кўйди, тиља занжирига осигулик муҳрларини тузатиб-тўтилаган бўлди, сўнг ён-веридагиларга жилмайиб қаради-да, нозик бармокчаларини пешонасига теккизганча салгина эгилиб турган кўклам чечагидек нозикниҳол хонимга тикилиб қолди. Қизнинг шляпа остидан хиёл кўзга чалинаётган оппок ияти ва кўклам атиргули мисол нимпушти ёнокларини кўрган Ковалёвнинг башараси табассумдан багтар ёйилди. Аммо бирдан устига қайнок сув куйилгандек бўлди. Бурни йўқлиги эсига тушиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Шунда у мундирли жанобга: ўзингизни статский советник килиб кўрсатишга уринаётисиз, ас-

лида эса лүттибоз бир абласиз, менинг бурнимсиз, холос, бошка ҳеч бало эмассиз, деб дангал айтмоққа чөгләнган эди, аммо бурун аллакачон жуфтакни ростлаб қолибди. Ҳойнахой яна кимникигидир ташриф буюриши күзлаб жүнаворган бўлса керак.

Ковалёв баттар рухи тушиб, келган йўлидан изига қайтаркан, бурун у ер-бу ерда кўриниб қолмасмикан, деган илинжда теварак-атрофга синчков аланглаганча колоннадалар<sup>8</sup> остида бир фурсат тўхтаб қолди. Шляпаси укпарли, мундири эса заррин ҳошиядор эди – буниси-ку шундоккина кўз ўнгиди, аммо шинелини, каретасининг тусию унга кўшилган отларни, ҳаттоки карета ортида малайи борми, бўлса у кандай ливреяд<sup>9</sup> эди, афусски эслаб колмаган экан-да. Боз устига, у ёқданбу ёққа физ-физ қатнаётган карета шу кадар кўп эдики, кидираётган кишинизни илғаб олиш осон эмасди; илғаб қолганингизда ҳам уни тўхтатолмасдингиз. Ажойиб, куёш чараклаб турган кун эди. Нева проспекти ниҳоятда гавжум, хонимлар анвойи гуллар шаршараси мисол Полицейскдан то Аничкин кўпригигача бутун йўлкаларни тўлдириб юборган. Ана, унинг таниши – ўзгалар олдида у атайин подполковник деб атайдиган надворный советник<sup>10</sup> келаётри. Хув аваниси эса – сенатда бўлим бошлиги, бостон ўйинида саккизлика ўйнаганда доим ошиғи олчи турадиган якин дўсти Яригин. Ана, Кавказда асессор унвонига сазовор бўлган бошка бир майор кўл тўлғаб уни чорламоқда...

– Ҳе, жин урсин ҳаммангни! – деди Ковалёв. – Ҳой извошли, мени ҳозироқ обер-полицмейстер хузурига олиб бор!

Ковалёв усти очиқ енгил аравага ўтириду бора-borgунча извошлига “Қани, аравангни елдек учир, учиравер!” деб бакириб кетди.

– Обер-полицмейстер шу ердами? – деб қичкирди у дахлизга кирап-кирмас.

– Йўқ эди-я, – деди дарбон, – ҳозиргина жўнаб кетувди.

– Ана холос!

– Ҳа-я, – деди дарбон, – кеттганига ҳеч канча бўлгани йўқ, бирон дақиқа олдинроқ келганингизда уни учраттан бўлардингиз.

Ковалёв дастрўмоли билан юзини бекитган кўйи аравага ўтирида-да, умидсиз бир оҳангда қичкирди:

– Ҳайда!

– Қаёкка?

– Тўғрига ҳайда!

– Тўғрига? Ахир у ёғи муюлиш-ку, ўнгга бурайми, чапгами?

Бу савол Ковалёвни ногоҳ сергаклантириди ва яна йўлаб кўришга ундали. Унинг ахволига тушган одам аввало Ахлок бошқармасига<sup>11</sup> мурожаат қилиши лозим – бошқарма тўғридан-тўғри полицияга алокадор бўлгани учун эмас, бошқалардан кўра бўйруклари тезрок бажарилиши учун. Бурун хизмат қиласман деб айтган маҳкамা бошликларидан нажот кутишку аклсизлик бўлур эди, чунки буруннинг гап-сўзию ўзини тутишиданоқ маълум – унга мукаддас нарсанинг ўзи йўқ. Мана, Ковалёв билан ҳеч қачон учрашмаганман деб имонини ютиб турибдики, яна шунга ўхшаш ёлғон тўқиб сувдан курук чикмайди деб ким айти олади?! Алкисса, Ковалёв извошлига, Ахлок бошқармасига ҳайда, деб буюрмокчи бўлиб турганида бирдан хаёлига илк учрашувнинг ўзидаёқ юзизслик килган бу найрангбоз ва каллоб куляй фурсатдан фойдаланиб, устомонлик билан шаҳардан қочиб қолса-я, деган ўй келди – ана унда канча кидирманг бефойда, ёйинки кидириш ишлари, худо кўрсатмасин, бирор ойга чўзилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ниҳоят, Эгамнинг ўзи унга йўл кўрсатди чоғи, у буруннинг барча белги-сифатларини батафсил таърифлаб эълон бериш учун газета экспедициясига мурожаат қилиш керак деган карорга кел-

ди. Ана шунда кўрган-билган одам уни ўша заҳотиёқ тутиб беради ёхуд, жуда бўлмаганда, яшаш жойини маълум килади. Хуллас, шу тўхтамга келиб, извошлига газета экспедициясига ҳайда, деди ва йўл бўйи “Бўл, аблла! Тезрок ҳайда, муттаҳад!” деб унинг бикинига муштлаб борди. “Эх, тўрам!” дей извошли ҳам бош чайкаганча болонка итларнидек узун ёлли отининг жиловига маҳкам ёпишиб, унга устма-уст камчи босаверди. Арава манзилга етиб тўхтади, Ковалёв ҳаллослаганча чоғроқ кабулхонага бостириб кирди, стол кошида эски фрак кийган, кўзойнакли кекса чиновник қадамини лабига қистириб, чака-чука санаб ўтирган экан.

— Эълонни ким қабул килади? — деб шангиллади Ковалёв. — Э, салом!

— Салом, — дей чиновник унга бир назар ташладиу яна олдида уюлиб ётган пулини санайверди.

— Мен эълон бермоқчидим...

— Мумкин бўлса, бир оз сабр килиб турсангиз, — деди чиновник ва ўнг кўли билан қоғозга аллакандай ракамни ёзиб, чап кўли билан чўтга икки сокка ташлади.

Укали кўйлак кийган қайдидир оксусяк хонадон малайи кўлида хат билан стол олдилади турар ва ўзининг киришимли эканини намойиш этмокка хўб уринар эди:

— Биласизми, жаноб, кучукча аслида тўрт тангага арзимайди, мен уни сариқ чақага ҳам олмаган бўлардим, графиня эса уни нак кўйнидаги боласидек кўради — буни қарангки, топиб берган одамга 100 рубль вайда килинган! Сирасини айтганда, мана шунака — одамларнинг диди хечам бир-бирига сифишмас экан; айтайлик, зўр овчимисан — исковуч итинг ёки пуделинг бўлсин, ана унда беш юзни, мингниям аяма, чунки итинг шунга арзиди-да!

Чиновник малайнинг сафсатасини гўё диккат билан тинглаётир ва айни чоқда ўзининг хисоб-китоби билан ҳам машғул:

кўлидаги хатда қанча ҳарф борлигини санамоқда. Эълон кўтариб келган кампирлар, савдогару фаррошлар атрофини ўраб олган. Эълонларнинг мазмуни ҳам турфа хил: ичкиликка ружу кўймаган аравакаш хизматга ёлланмокчи; обдон кир ювиш машкини олган, ҳар қандай юмушни бажариб кетаверадиган ўн тўққиз яшар чўри киз хизматга кирмокчи; 1814 йили Париждан келтирилган, унча кўп ишлатилмаган болалар аравачаси, битта рессори йўқ усти очик енгил извош, ўн етти яшар бўзранг, гижинглаган чавкар тулпор, турп ва редис-канинг Лондондан олиб келинган янги нав уруғи, икки бўлмали отхона ҳамда ажойиб кайину қарагайзор боғ килса арзигулик ерсуви дала ҳовлининг сотилиши; эски тагчарм олмокчи бўлгандарни ҳар куни соат саккиздан эрталабки учга қадар чайков бозорига таклиф килувчи чакириқ дейсизими — ҳамма-ҳаммасидан бор. Ана шундай олақурок тўда тўплантган хона чоккина бўлиб, ҳавоси ниҳоятда оғир — бадбўй эди; бирор коллеж асессори Ковалёв хид сезмасди, негаки, дастрўмоли билан юзини бекитиб олган, бурни шу тобда қаерларда изгиб юргани эса ёлгиз худога аён.

— Ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрасам, муҳтарам жаноб. Мен жуда ям... — деб сўз бошлади у бир маҳал бесабрлик билан.

— Ҳозир, ҳозир! Икки сўму кирк уч тийин. Бир дақиқа! Бир сўму олтмиш тўрт тийин, — дерди чиновник кампирлару фаррошлар кўлидаги хатларга паришонхол кўз ташлаб. — Хўш, кулогим сизда? — деди у ниҳоят Ковалёвга юзланиб.

— Илтимосим шуки... — деди Ковалёв, — биласизми, мен ҳалиям тагига етолмаяпман, фирибгарликми-ей, найранг-бозликми-ей содир бўлди-да. Сиздан илтимос, ўша аблахни тутиб берган киши мўмайгина мукофот олиши ҳақида газетангизда эълон босиб чикарсангиз.

— Хўш, фамилиянгизни билсак бўладими?

— Фамилияни нима қиласиз? Йўқ, айтолмайман. Таниш-билишларим жуда кўп: статский советник Чехтарёва, штабофицер Пелагея Григорьевна... Худо арасин, таниб колипса-! Сиз шунчаки, колледж асессори ёки яхшиси, майор мансабига эга бир жаноб деб ёзib кўяколинг.

— Қочиб юрган одам – қаролингизми?

— Қарол дейсизми? Қаролим қочса майли эди-я, фирибгарликка кирмасди бу! Қочиб кетган – бурним...

— Ҳм! Ғалати фамилия экан-а! Хўш, ўша Бурунов катта маблагингизни ўмариб кетдими?

— Бурун деганда... сиз бошқача тушундингиз! Бурним, менинг бурним каёккадир гойиб бўлди. Худо ураман деса шу-да!

— Қандай килиб гойиб бўлади? Ҳеч нимани тушунолмаяпман.

— Қандай гойиб бўлиб колганини ўзим хам билмайман, аммо у ҳозир шахар кезиб юрибди, ўзини статский советник деб таништиради ҳаммага. Шунинг учун уни кўлга туширган киши зудлик билан менга топшириши лозимлиги тўғрисида эълон беринтигини сўрайман. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, юзимда бурун бўлмаса, мен нима деган одам бўламан? Оёғимнинг жимжилоги эмаски, этикка тиқсанум ҳеч ким кўрмайдиям-бilmайдиям десам! Ахир мен ҳар пайшанба статский советник Чехтарёва хузурида бўламан; штабофицер Подточина Пелагея Григорьевнанинг ҳам ёкимтойгина кизи бор, улар ҳам якин танишим; хўш, айтинг-чи, мен энди нима килий?! Шу таскара ахволда уларга қандай кўриниш бераман?!

Чиновник лабини қаттиқ кимтиб колди, бу унинг чукур ўйга толганини англатарди.

— Йўқ, бунака эълонни газетада чи-каролмайман, – деди у узоқ сукутдан сўнг.

— Нега? Нега чиқаролмайсиз?

— Шундай. Газетанинг обрўйига футур етади. Бунака, дуч келган одам бурним кочиб кетди, деб ёзверса, унда... Ўзи шусиз ҳам газетада бўлмағур ва ёлгон мишишилар чоп этиляпти, деган гаплар юрибди.

— Ахир, бунинг нимаси бўлмағур гап экан? Кечирасиз-у, мишишилар эмаслиги шундоқкина кўриниб турибди, чамамда!

— Э, сиз шундай дейсиз-да. Ана, ўтган хафта ҳам худди шунака иш бўлган эди. Сизга ўхшаб бир чиновник арз билан келди, эълони ҳисоб-китоб бўйича бир сўму етмиш уч тийинг баҳоланди; у қора юнгли пуделнинг қочиб кетгани ҳакида эди. Бундай олиб каралса, оддий бир эълон, тўғрими? Кейин маълум бўлдиди, барни кип-кизил ҳакорат, яъни ўша пудель, ҳозир эсимда йўқ, кайсилир бир идоранинг ғазначиси экан.

— Ахир, мен аллақандай пудель ҳакида эмас, шахсан ўз бурним ҳакида эълон бермокчиман, демакки, ўзим ҳакимда деса ҳам бўлади.

— Йўқ, бунака эълонни беролмайман, ҳеч иложи йўқ.

— Ҳа унда, бурнимдан айрилиб қолаверар эканман-да?!

— Бу вазиятда дўхтирга борганингиз маъқул. Айтишларича, ўзингиз хоҳлаган бурунни ёпиштириб кўйиш ҳам қўлидан келадиган дўхтирлар бор эмиш. Аммолекин-чи, сиз жуда хушчақчак, ҳазилни кийиб кўядиган одам эканисиз.

— Худони ўртага кўйиб онт ичаман! Ҳамонки, менга ишонмаётган экансиз – очиб кўрсатишим мумкин.

— Овора бўлишга не хожат! – деди чиновник тамакисини хидлаб. – Бирок малол келмаса, – деда кизикувчанлик билан кўшиб кўйди кейин: – бир кўриб кўйсак зиён кильмасди...

Коллеж асессори юзидан дастрўмолини олди.

— Ё, тавба! — деб юборди чиновник. — Чиндан ҳам бурун ўрни теп-текис-а, гўёки хозиргина пиширилган куймокқа ўхшайди. Сип-силлик!

— Хўш, энди нима дейсиз? Ўзингиз кўриб турибсиз, эълонни чоп этмасангиз бўлмайди. Мен сиздан бафоят миннатдор бўлардим, шу баҳона сиз билан танишганимдан ҳам беҳад хурсандман...

Карангки, майор бир оз лаганбардорлик килиб ҳам кўрди.

— Чоп этиш-ку кийин иш эмас, — деди чиновник, — аммо бундан сизга бирон наф чикишига кўзим етмаяти-да. Агар жуда кўнглингиз тўлавермаса, буни бирор ўткирроқ қаламкашга сўзлаб беринг — табиатнинг ноёб ходисаси сифатида тасвирлаб макола ёзсин, кейин уни ўсмирлар (у бурнини артиб кўйди) ёхуд анчайин синчков, кизикувчан омма эътиборига ҳавола этиш учун “Северная пчела”да<sup>12</sup> (у яна бир марта тамаки хидлаб олди) чоп эттиринг.

Хафсаласи пир бўлиб, коллеж асессори бошини куйи солиб олди. Шунда у газетанинг спектакллар ҳакида ахборот босиладиган пастки қисмida ўзига таниш дилбаргина актрисанинг номини ўқиб қолдию юзига табассум югурай деди ва ёнимда кўк қоғоз пулдан бормикан, деган ўйда дархол кўлини чўнтағига тикиди; Ковалёвнинг фикрича, театрга кирганда штаб-офицерлар креслода ўтириши шарт — лекин бурни эсига тушиб, ширин хаёллари бир зумда тумтаракай бўлиб кетди!

Чиновник ҳам Ковалёвнинг ахволига куйинаётганга ўхшарди. Мулозамат юзасидан унга икки оғиз юпанч сўз айтгиси келди:

— Сирасини айтганда, бошингизга шундай ғалати савдо тушгани кўп ачинарли иш бўлти. Тамаки ҳидлайизми? У бош оғригини, кайгуни кўтариб ташлайди, ҳатто бавосилга ҳам даво дейишади буни.

Чиновник шундай дея тамакидонининг шляпали бир хоним суврати чи-

зилган қопқоғини фоят абжирлик билан очиб, Ковалёвга тутди.

Ноўрин бу мулозаматдан Ковалёвнинг нақд кони қайнаб кетди.

— Ҳазил килмокқа қандай ҳаддингиз сигди, хайронман, — деди у жаҳл билан, — айнан хид билиш аъзом йўқлигини билатуриб-а? Жин урсин тамакингизни! Кўрарга кўзим йўк! Бадбўй, ҳашаки тамакингиз тугул бундан юз чандон аломатига ҳам тупурган бўлардим!

Қаттиқ ранжиган Ковалёв аччик-аччик гапириб газета экспедициясидан чикди ва тўппа-тўғри канд йиғишига муккасидан кетган участка нозирни хузурига ўйл олди. Но́зир уйининг дахлизига — емақхонаси ҳам шу ер — савдогар дўстлари тортиқ килган каттакатта каллақандлар<sup>13</sup> териб кўйилган эди. Айни тобда ошпаз аёл нозирнинг ботфортини<sup>14</sup> ечиш билан овора; шлага ва бошқа ҳарбий аслаҳалари аллақачон жой-жойига илинган, уч яшар ўғли вахимали учбurchак шляпасини ушлаб-ушлаб кўярди; нозир жанжалу талап-тортишувларга қозилик билан ўтган серташвиш кун якунида дунё лаззатларидан бир totinish ниятида эди.

У маза килиб керишиб, томок кириб, “Эҳ, икки соатгина мириқиб ухлаб оламан!” деб турган пайтда Ковалёв кириб келди. Ўз-ўзидан аёнки, Ковалёвнинг ташрифи мутлако бемаврид эди; билмадим, шу келишида у, жуда бўлмаганда, бир неча фунт чой ёки мовут кўтариб келган тақдирда ҳам илтифот билан кутиб олиниши даргумон эди. Нозир санъатнинг барча турлари ва саноатнинг барча маҳсулотларига зўр рафбат билан қаарди, лекин ҳар нарсадан қоғоз пулни афзал кўярди. “Дунёда бундан яхши яна нима бор экан?! — дерди у одатда. — Ош-нон сўрамаса, кўп жой эгалламаса, чўнтақка сиғиб кетаверади, кўлдан тушириб юборсанг — шикаст емайди”.

Нозир Ковалёвни совук қарши олди ва тушлиқдан сўнг тергов ишлари юритил-

маслиги, инсоннинг мижози таом танов-вулидан сўнг жиндак ором олишни тақозо этиши (бундан коллеж асессори участка нозирининг қадим донишмандлар бисотидан боҳабар эканини билди), андишли, ҳалол одамнинг бурнини ҳеч ким юлиб олмаслигию дунёда ичкийимининг яғири чиқиб кетган, ҳар хил бўлмагур жойларда санқиб юрадиган каланғи-қассанги майорлар учргандан-урчиб ётгани ҳакида сўзлади.

Юзингда кўзинг борми ҳам демади-я! Ковалёв сиркаси сув кўтармайдиган, таъби нозик мардум эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз жоиз. У ўзи ҳакида айтилган ҳар қандай ноҳуш гапни унугтиши мумкин-у, ўша гап мансаб ва унвонига тегиши бўлса асло кечирмасди. У ҳатто театр пъесаларида обер-офицерни ҳар канча масхаралаш мумкинdir, аммо штаб-офицерларга тил теккизиб бўлмайди деб хисобларди. Нозирнинг қабулидан у шунаканги изза бўлдики, бош тебратди-да, шаънини ерга урмаган холда, кўлларини керганча, “Очиқ гап, сизнинг бунака ҳақоратомуз сўзларингиздан кейин мен бир нарса дёллмайман...”, деди ва эшикка йўналди.

У юрди-ю, ер босмади – шу кўйи уйига етиб келди. Оқшом кириб колган эди. Шунча елиб-югуришлари бехуда кеттанидан квартираси ҳам кўзига коронги бир зулматдек кўринди. Даҳлизга кирибоқ яғири чиқиб кетган чарм диванда ястаниб ётган хизматкори Иванга кўзи тушди: у шифтга қараб туфлар ва ҳар сафар мўлжалга бехато теккизмоқда эди. Бу бетамизликни кўриб майорнинг баттар фифони чиқди; Иваннинг пешонасига шляпаси билан бир тушириб, “Сен, тўнғизнинг бошқа қиласи ишинг йўқми?!” деб кичкирди.

Иван ўрнидан сапчиб туриб, унинг плашини ечмокка тутинди.

Толиккан, дарди дунёси зим-зиё бўлган майор бўлмасига кириб ўзини креслога

ташладиу чукур-чукур нафас олиб беихтиёр нола қила кетди:

– Эй, Худойим! Эй, Худойим! Нега менга бунча азоб берасан? Бундан кўра кўлсиз ёки оёқсиз қолсан бўлмасми?! Кулоғимдан айрилсан ҳам ёмон-у, унга чидаса бўларди, аммо бурунсиз одамни, куриб кетсин, нима дейиш мумкин? Куш бўлиб куш эмас, фукаро бўлиб фукаро – шунчаки кераксиз матоҳдек деразадан улоктиру юбор! Уруш ёхуд дузлдами, ёки ўзим сабаб бирон кор-хол оқибатида бурундан ажраган бўлсан ҳам майли эди, хе йўқ-бе йўқ, ўз-ўзидан йўқолди-колди, бекор-бехуда, сарик чакачалик қадри йўқдек.. Йўқ, бу қандайин гап, – деди у ўзига ўзи, бир дам ўй суреб, – одамнинг бурни ҳам дабдурустдан йўқ бўлиб қоларканми?! Ҳойнаҳой туш кўрятман ёки хаёл сураётиман, балки соқол олдиргач юзга суртадиган аракни билмай ичиб юборгандирман. Ахмөқ Иван, дарҳол йиғишириб кўймаган-да, сув деб симирганман-юборгандан.

Маст эмаслигига ишонч хосил килиш учун у ўзини чунонам чимчиладики, оғрикка чидаёлмай додлаб юборди. Ковалёв туш кўрмаётгани, бу машмашалар ўнгидаги содир бўлаётганини антлади. Секингина кўзгуга якинлашди, зора бурним ўз ўрнида бўлса деган ўйда кўзларини кисинкираб каради-ю, шу заҳоти ортига тисарилди:

– Бунча таскара бўлмасам!

Ҳеч ҳам ақл бовар кильмайди. Агар тугмачами, кумуш кошикими, соат ёки шунга ўхшаш бирор нарса йўқолса бошқа гап эди, лекин бурун гойиб бўлиб турибди! Каёкка гум бўлди? Қандай килиб?.. Устига-устак, ўз уйимда йўқолса-я!.. Майор Ковалёв ҳар томонини ўйлаб кўриб, бу мени кўёв кильмокчи бўлиб юрган штаб-офицер Подточинанинг қилмиши бўлса керак, деган тахминга якинрокка ўхшаяпти. Тўғри, ўзи ҳам кизнинг кўнглини овлаш-

га иштиёқманд эди-ю, аммо уйланишдан кочиб юарди. Штаб-офицер уни күёв килиш ниятида эканини дангал айтганида, ҳали ёшман, яна беш ийлларча ишлашим керак, ана ўшанда роппа-роса кирк иккига кираман дея, секингина қизга хушомадларини йигишириб кўяколди. Шу сабабдан ҳам штаб-офицер ўч олиш мақсадида афсунгару жодугар хотинларни ёллаб, унинг “башарасини бузиш”га карор килган, негаки бурун кесиб олинганга ўхшамайди, бунинг иложи ҳам йўқ: хонасига ҳеч ким кирмаган бўлса, сартарош Иван Яковлевичга эса чоршанба куни сокол олдирган, ўша кун ва ҳатто пайшанба куни ҳам бурни жойида эди – шуниси аник эсида. Боз устига, у оғрикин сезган бўларди ва шубҳасизки, жароҳат бу қадар тез битиб, ўрни тептекис, куймокдек силлик нарсага айланниб қолмасди. У хаёлан режалар туда бошлади: штаб-офицерни расман судга чакиртирисинми ёки олдига бориб жиноятини фош этсинми?! Эшик тиркишидан сизиб кирган шуъла унинг хаёlinи бўлиб юборди – дахлизда хизматкори шам ёккан эди. Бир оздан сўнг хона буткул ёришиб кетди: қўлида шамдон билан оstonада Иваннинг ўзи ҳам пайдо бўлди. Ковалёв бу валакисаланг аҳволимни кўриб ростакамига эси оғиб қолмасин дея дарҳол дастрўмолини олиб юзини бекитди.

Иван ўз хужрасига кириб кетар-кетмас, дахлизда нотаниш овоз эшитилди:

– Коллеж асессори Ковалёв шу ерда яшайдими?

– Кираверинг, майор Ковалёв шу ерда, – дея коллеж асессори иргиб ўрнидан турдида, эшикни очди.

Хонага кадди-басти расо, чаккасоколлари унча малла ҳам, коп-кора ҳам эмас, юзи гўштдор, хув ўша, киссамиз аввалида Исакиевск кўприги адоғида учратганимиз полиция чиновниги кириб келди.

– Бурни йўқолган сизмисиз?  
– Худди шундай.  
– Бурун топилди.  
– Ростданми?! – деб кичкириб юборди Ковалёв.

Севинганидан бир он тили калимага келмай, каршисидаги қалин лаблари ва гўштдор юзида шамнинг нури липиллаб турган квартал нозирига тикилиб қолди. Сўнг:

– Қандай килиб? – деб сўради.

– У ғалати бир вазиятда, сафарга отланиш чоғида кўлга олинди. Дилижанс<sup>15</sup> ўтириб, Ригага жўнавормоқчи экан. Бошпурти ҳам бир чиновникнинг номида. Аввалига мен уни расмона жаноб деб ўйлабман. Яхшиям, кўзойнагим ёнимда экан, ўша заҳоти унинг бурун эканини билдим. Ўзи якинни равшан кўролмайман-да мен; мана, сиз каршимда турибсиз, факат юзингизни кўряпман, бироқ бурнингиз, соколингиз, кўзингизни, кўйинг-чи, афtingиздаги бошка аъзоларнинг бирортасини фарқлай олмайман. Қайнонам, яъни рафикамнинг онаси ҳам ҳеч балони кўрмайди.

Ковалёв ўзида йўқ, ҳовлиқиб:

– Кани у? Қаерда, айтинг, ҳозироқ учiburораман, – деди.

– Ҳеч ташвишланманг, уни олиб келдим. Биласизми, бу ишда Вознесенск кўчасидаги қаллоб сартарошнинг кўли бор экан, мана энди ўзи полиция маҳкамасида ўтириби. Мен уни азалдан бери пиёниста, ўгри деб шубҳа килиб юардим, бундан уч кун аввал расталарнинг биридан бир кути тутмани ўмариб кетиби. Мана бурнингиз, соғ-саломат ҳолда келтирдик сизга!

Квартал нозири чўнтагига кўл солиб коғозга ўралган бурунни олди.

– Худди шу! – дея кичкириб юборди Ковалёв. – Ҳа, менинг бурним шу! Келинг, бутун сизни меҳмон қиласай.

– Таклифингиздан бошим кўкка етди, бироқ бунинг сира иложи йўқ. Мен

хозир бу ердан чишибоқ жиннихонага боришим керак... Биласиз, озик-овқат маҳсулотларининг нархи осмонда... Ўзимиз жўжабирдек жонмиз, қайнонам, яъни рағиқамнинг онаси ҳам биз билан яшайди. Тўнгич ўғлимиздан айниқса умидимиз катта-ю... жуда каллали бола-да, аммо шу, таълим-тарбиясига кўлимиз калталик килиб турибди...

Ковалёв шамани дарров фаҳмлади ва стол торгмасидан битта кизил ўнталик олиб нозирнинг кўлига кистириди; у астойдил таъзим килганча чиқиб кетди. Шу заҳотиёқ унинг араваси билан хиёбонни пайхон килган бир бефаросат мужикни бўралаб сўқаётгани эшитилди.

Квартал нозири кеттандан сўнг коллеж асессори нима қиларини билмай қаловланиб колди, бир фурсат ўтгачгина аранг ўзига келди – кўриш ва хис этиш қобилияти тикланди. Кутимаган кувонч уни ана шундай карахт ахволга солиб кўйган эди. У излай-излай топилган арзандаси – бурнини эҳтиётлик билан йкки кафтига олди, синчковлик билан кўздан кечира бошлади.

– Ҳа, шу! Ўзгинамнинг бурним! – дерди нукул майор Ковалёв. – Ана, кеча чап томонидан чиккан гўддасигача туриби.

Майор хурсандлигидан бор овозда хоҳолаб юборишига сал колди.

Бирок бу норасо дунёда абадий нима бор?! Мана шу кувонч ҳам сал ўтиб хира тортади-да, кейин-кейин йўқола бориб, нихоят, ўзингиз сезмаган ҳолда одатий кайфиятингизга айланади-колади – худди сувга тош отганда хосил бўлган ҳалқачалар сенин-аста силлиқ сатҳга куйишиб кеттандек.

Ковалёв мулоҳаза қила-қила бирдан сергак тортди: бу ҳали иш битди дегани эмас, бурун топилишига топилди-я, бирок уни ўрнига ёпиштириб кўйиш ҳам керак-ку, ахир!

– Ёпишмаса-чи, унда нима бўлади? – деди ўзига ўзи.

Миясида ярқ этган бу саволдан майорнинг юраги шув этиб кетди.

Жонҳолатда стол сари отилди, бурнини кийшик ўрнатиб қўймаслик учун тошйанини ўзига якинроқ суриб олди. Диққатини бир ерга жамлаб, эҳтиёткорлик билан уни жойига кўндирмоқчи бўлди. Ув, шўрим курсин! Жойига тушмаяпти-ку!.. Кейин бурунни оғзига тутиб дами билан бир оз илитди-да, яна эски жойи – икки ёногининг ўртасига ёпиштиришга уринди, аммо бурун ёпишмади.

– Қани! Қани, бўлакол! Ёпишсанг-чи энди, касофат! – дерди у бўғилиб. Аммо бурун худди ёғочдан ясалганга ўхшарди, бехос кўлидан тушириб юборган эди, у пўкак тикин мисол столга “так” этиб тушди. Майорнинг афти бужмайиб кетди. – Энди нима бўлади? Наҳотки!.. – деди у баттар саросимада қолиб.

Бурунни ўрнаштиришга ҳар қанча ҳаракат килмасин, уринишларидан бир иш чикмади.

У Иванни чакириб, бинонинг юкори каватидаги энг ҳашамдор квартирада яшовчи докторни айтиб келишни буюрди. Доктор бағоят савлатли, ўқтам киши эди, катрондек тимқора чаккасоколлари ўзига роса ярашиб турар, мудом арчилигтан тұхмадек озода юрар, юзлари тиник, соғлом, эрталаб янги узилган олма ейишини канда этмас, айниқса, тиши тозалигига қатъий риоя килар, ҳар тонг чорак соатлаб оғзини чаяр, тишлиарини беш хил чўтка билан тозалар эди. Доктор шу заҳотиёқ келди. Бу кўргилик қачон юз берганини сўрагач, у бурун ўрнини шунақаям чертдики, майор жонҳоллида бошини орқага ташлаган бўлса керак, энсаси билан деворга урилди.

Доктор буниси ҳали ҳолва, деди ва девордан бериrok туришини сўради; аввал бошини ўнга буриб, бурун ўрнини пайпаслаб кўрди-да, “Ҳм!” деб кўйди. Кейин бошини чап томонга буришини буюрди ва тағин

“Хм!” деб, охирида яна бир чертган эди, тишларини кўрмоқчи бўлганингизда от қандай силтаниб-сапчиса, майор ана шундай калласини силтаб-сапчили. Доктор шу тажрибани ўтказгач, бош чайқаб кўйди:

— Йўқ, иложи йўқ. Яхшиси, сиз шундай юраверинг, чунки бундан багттар бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Албатта, буруни жойига ўрнатса бўлади, мен уни хозироқ ўрнатиб кўярдим-у, лекин ишонтириб айтаманки, ўзингизга ёмон бўлади.

— Қаранг-а! Нима, бурунсиз юр демокчимисиз? — деди Ковалёв тутокиб.

— Ҳозирги ахволимдан баттари бўлмаса керак. Жин урсин, бу не кулфат-а?! Шу ажуваи тараккос башарам билан одамларнинг кўзига қандай кўринаман? Обўюли обўюли танишларим бор ахир! Мана, бугун ҳам иккита хонадонга зиёфатта боришим керак. Мени кўпчилик билади: статский советник Чехтарёва, штаб-офицер Подточина... ха, айттандек, унинг бу килмишидан сўнг ўргамиздаги муносабатга чек кўяман. Энди у билан фақат полиция оркали гаплашаман. Менга раҳмингиз келсин, доктор, — деди илтижо кила кетди Ковалёв, — бирон чораси бордир ахир? Бир бало килиб ўрнатиб кўйинг, жуда рисоладагидек бўлмаса ҳам, шунчаки осилиб турсин, майли, калтис вазиятларда уни ўзим кўлим билан ушлаб тураман. Бирон бир эҳтиётсиз харакат килиб зиён етказиб кўймасман — мен ракс тушмайман-ку, ахир. Кўнглингиз тўк бўлаверсин, ташрифингиз учун миннатдорлик ҳам ҳамён кўтарганча бўлади.

— Ишонсангиз, — деди доктор баланд ҳам, паст ҳам эмас, лекин ёқимли, таъсирли овозда, — мен беморимни ҳеч қачон тама илинжида даволамайман. Тамагирлик менинг инсоний ақидаларим ва врачлик шательнинг мутглако зид. Тўғри, хизматга ҳак оламан, бунинг бирдан-бир сабаби — рад этиб мижозларимни ранжитиб кўймаслик. Бурнингизни-ку жойига келтириб кўярдим,

аммо гапимга ишонсангиз виждонимни кафил киласай, қиёфантлиз бундан-да таскарапоқ бўлиб қолади. Начора, энди пешонада борини кўраверасиз-да. Тез-тез совук сувда ювиб туринг, ишончингиз комил бўлсинким, бурнингиз борлигига қандай бўлсангиз, бурунсиз ҳам ҳудди шундай соппа-соғ юраверасиз. Бурун эса спиртли банкада саклаганингиз маъкул ёки, яхшиси, спирт ўрнига икки ошкошик ўткир арак ва иситилган сирка кўйинг — ана шунда бурун эвазига мўмайгина маблағли бўлишингиз ҳам мумкин. Агар киммат сўрамассангиз уни ўзимок сотиб оламан.

— Йўқ, йўқ! Сотиш ниятим йўқ! — деда кичкириб юборди Ковалёв аламидан. — Ундан кўра йўқ бўлиб кетсин!

— Маъзур тутасиз! — деди доктор тавозе билан. — Мушкулингизни осон килиш ниятида эдим, холос... Начора! Ҳарқалай, канча уринганимни ўзингиз кўрдингиз.

Шу гапларни айтиб доктор қаддини фоз туттганча хонани тарк этди. Ковалёв унинг юзига ҳам бокмали, карахт ахволда эмасми, факат кора фракининг енгидан чиқиб турган оппок кўйлаги манжети кўз олдидан лип этиб ўтди, холос.

Эртаси куниёқ у маҳкамага шикоятнома битишдан аввал штаб-офицер Подточина-га, каминага тегишли тана аъзосини уриш-жанжалисиз ўз ҳолига қайтариб берсангиз, деган мазмунда хат ёзишга қарор килди.

### “Муҳтарама

*Александра Григорьевна хоним!*

Сиз томонингиздан қилинган ғалати шиларга ҳеч тушунолмаяпман. Хотиржам бўлингким, бу йўл билан бирор нимага эришолмайсиз, яъни мени қизингизга уйланишига мажбур этолмайсиз. Шунга амин бўлингким, бурним билан боғлиқ воқеа менга кундек аёп, бунга бошика бирор эмас, айнан сиз сабабчи эканингизни ҳам аниқ биламан. Бурнимнинг тўсатдан гойиб бўлиб қолиши, қочиб кетишшию ҳар хил тусларга кириши, дейлик, аввалига чиновник

қиёфасида савлат түкіб юриши ва ниҳоят яна ўз ҳолига қайтиши – сизнинг сөхру жодуларингиз оқибаты өхүд сизга ўшаб мана шунақа “олижсаноб машгулолттар” билан шугууланувчи кимсаларнинг кирдикоридір. Мен ўз номимдан сизни оғоғлантириб қўйинши бурчим деб биламан. Башарти, юқорида айттыб ўтгаптимдек, бурним буғунок ўз ўрнига қайтмас экан, у ҳолда мен тегишили қонун ҳимояси ва ҳомийлигига таънишига мажбур бўламан.

Шоён ҳурмат ила таъзимда  
Камина қулингиз *Платон Ковалёв*<sup>16</sup>.

“Мухтарам жаноб  
Платон Кузьмич!

Мактубингиз мени гоят ҳайратга солди. Эътироф этмогим лозим, сиздан бунақа ноҳақ гина-кудуратларни асло кутмаган эдим. Олдиндан шуни маълум қиласманким, сиз тилга олган чиновникни ясама қиёфада ҳам, ўз қиёфасида ҳам уйимда қабул қиласманман. Тўғри, хонадонимга Филипп Иванович Потаников келиб туради. Гарчи у қизимнинг кўлини сўраш ишинжисида юрган бўлса-да, бу боадаб, ўта маданияти инсонни ҳеч қачон умидвор қўлган эмасман. Сиз яна аллақандай бурун ҳақида сўз юритибсиз. Агар бу гапларингиз билан мен икки кўлимни бурнимга тиқиб қоламан, деган хаёлга борган, яни расман рад жасавони оламан, деб ташвишланаётган бўлсангиз, буни сизнинг ўзиниздан эшиши мени жуда таажжубга кўйди. Негаки, мен мутлақо бошқача фикрдаман. Бордию эндиликда сиз қизим билан қонуний унашини ниятида бўлсангиз, бу истагингизни мен ҳозирнинг ўзидаёқ маъкуллашга тайёрман. Зеро, бу менинг энг катта тилагим. Ана шундай умид билан – мудом хизматингизга тайёр

*Александра Подточина*.

“Йўқ, – деди Ковалёв хатни ўқиб чиққач. – Унинг бу ишга дахли йўқ. Кўриниб турибди! Жиноятда айбланаётган одам бундай хат ёзмайди. – Коллеж асессори Кавказ вилоятида бир неча бор терговга жалб этилгани боис бундай ишлардан

дурустгина хабардор эди. – Қандай қилиб, кай йўсин бу савдо бошимга тушди?! Буниси энди ёлғиз худога аён!” деди у ниҳоят тақдирга тан бергандек.

Бу ёгини сўрасангиз, мазкур ғаройиб ҳодисага доир мишишлар, табиийки, ошириб-тоширилиб бутун пойтахтга таркаб кетди. Ўша кезлар барча ховлика мишилар айнан гайриоддий воеаларга уч бўлиб колган эди. Бундан сал аввал факат магнетизмга оид тажрибалар жамоатнинг оғзида эди. Боз устига, Конюшен кўчасидан чиқкан рақс тушувчи стуллар ҳангомаси ҳам ҳали эскирмаган эди, шунинг учун ҳамма тез орада коллеж асессори Ковалёвнинг бурни Нева проспектида роппа-роса уч соат сайдир килганмиш, деб гап бошлигани ҳеч ажабланарли эмас. Текин томошибинлар оқими кун сайин ортиб борарди. Кимдир ўша бурун Юнкер дўйконида<sup>16</sup> экан, деб гап тарқатибди. Юнкер олдига тумонат одам йигилиб, шунакаям урйикит бўйтики, бу жанжал-сурони полиция аралашиб базўр тинчтиби. Театрга кираверища қандолат-пандолат сотиб ўтирадиган, кўринишидан туппатузук, чаккасоколли бир чайковчи ёрочдан бежирим, пишиқкина курсилар ясад, ишқибозларни таклиф этибди – киши бошига саксон тийиндан олиб курси оша томоша уюштирибди. Бир фахрий полковник аттайлаб уйидан барвакт чикиб, бир амаллаб оломонни ёриб ўтибди, бироқ дўкон ойнасидан бурунни эмас, оддий жун фуфайкаю пайпогини тузатаётган киз ва дараҳт ортидан унга мўралаб караётган қайтарма нимчали, бир тутамгина соколчаси бор олифта йигит тасвирланган литографик сувратни кўрибди, холос; суврат бу ерда осиглиг турганига ўн йилдан ошган эди. Полковник туртина-суртина бир четга чиқиб олгач, “Шунақа ёлғон ва тўмтотк мишишлар билан одамларни майна килишнинг нима кераги бор-а?” деб роса дарғазаб бўлибди.

Кейин – майор Ковалёвнинг бурни Нева проспектида эмас, қаңондан бери Таврия боғида сайд килиб юрганиши, у Хисрав Мирза<sup>17</sup> яшаган вактлардан бўён ўша ерда эмиш, шахзода ҳам табиатнинг бу ғаройиб ўйинидан фоят ҳайратланибди, деган гаплар таркалди. Жаррохлик академиясининг бъази талабалари ўша ёқка йўл олибди. Таникли ва нуфузли бир хоним эса боғ назоратчиси номига мактуб битиб, табиатнинг бу ноёб ҳодисасини болаларга кўрсатишни, агар иложи бўлса, ибратли ва насиҳатомуз изоҳлар билан ўсмиrlар ўртасида тушунтиришлар олиб борилишини сўрабди.

Бўлиб ўтмиш ушбу воқеалар барча киборларга, айниқса, хонимлар димогини чоғ килишини хуш кўрадиган, тантанали қабул маросимларини қанда этмайдиган олифталарга жуда кўл келди – захирадаги кизикарли латифаларининг таги кўрининг колган эди-да. Бир неча нуфузли, холис ниятли кишилар эса бу холдан ўта норози эди. Бир жаноб ҳозирги маърифатли асримизда қандай килиб мана шунака куракда турмайдиган уйдирмалар таркалиши мумкин, ҳеч тушунолмайман, нега бунга хукумат бепарво қараётir, деб жигибийрон бўлиб гапирди. Бу жаноб, афтидан, хукуматни ҳамма нарсага, ҳатто эр-хотин ўртасидаги кундалик мажарога ҳам аралаштиришга уринадиганлар хилидан бўлса керак. Шундан кейин... шу ерга етганда яна воқеани буткул туман чулғайди ва у ёғига нима бўлгани мутлақо мъалум эмас.

### III

Дунёда ўта бемаъни ишлар ҳам кўп-да. Баъзида ҳакикатга якин ҳам йўламайдиган воқеаларга гувоҳ бўламиш. Статский советник мансабида ҳар ерда сайд килиб юрган ва шахарда шунча шов-шув чиқарган ўша бурун гўё ҳеч нима кўрмагандек, кутилма-

ганда ўз жойи, яъни майор Ковалёвнинг икки ёноги ўртасида пайдо бўлди-қолди. Бу воқеа апрель ойининг еттинчи куни рўй берди. Ковалёв уйғониб, бехосдан кўзгуга караса – бурни жойида! Шошапиша ушлаб кўрди – ўзининг бурни! “Ие, ие!” деб кийкириб юборди у ва қувончи ичига сифмай хонани оёқяланг гир айланиб югурмокчи эди, кўккисдан кириб келган Иван ҳалакит берди. Майор унга ювингани сув келтир, деб буюрди ва юз-қўлини чајаркан, яна бир марта ойнага қаради: бурни ўз ўрнида! Сочикқа артинаркан, тағин қаради: бурун ўша-ўша!

– Иван, кара-чи, бурнимга гўдда чикканга ўхшайди, – деди у ва “Агар Иван: э, жаноб, гўдда қаёқда, буруннинг ўзи йўқку, деса худо урди деявер!” деган гап ўтди хаёлидан.

Бирок Иван:

– Йўғ-э, ҳеч қандай гўдда-пўдда чикмаган бурнингизга! – деди.

“Ана-а, зўр-ку!” деди ўзича майор ич-ичидан севиниб ва бармокларини кирсиллатиб кўйди. Шу пайт кўлга тушаёзган ўғри мушукдек кўрқа-писа сартарош Иван Яковлевич эшикдан мўралади.

– Аввал менга шуни айт-чи, кўлингни ювғанмисан? – деб қичкирди Ковалёв унга кўзи тушибок.

– Ҳа, кўлим тоза.

– Алдама!

– Худо ҳакки, жаноб, топ-тоза.

– Бўлти, бўлти, кўрамиз ҳали...

Ковалёв курсига жойлашди. Иван Яковлевич унинг елкасига сочиқ ёпиб, чўткаси билан бир лаҳзада соколию ёнокларига ноёб, хушбўй совун кўпигини чаплаб ташлади.

“Буни кўринг-а! – деди ўзига ўзи Иван Яковлевич унинг бурнига қараб, кейин бошини эгиб, ён томондан боқди. – Бор, йўқол-3!”, деб кўйди-да, яна бурунга тикилиб қолди. Кейин иложи борича аябавайлаб, унинг учидан ушламоқ бўлиб

бармоқ қоғлади – Иван Яковлевичнинг сокол олиш усули шунака эди.

– Эй, эй, кўзингта қара! – деб қичкирди Ковалёв.

Сартарош тараддуд аралаш довдираб колди, уни шундай ҳаяжон босдики, бунақаси сира бўлмаган эди. Нихоят, эҳтиёткорлик билан устарасини гирд айлантириб, мижозининг иякларини аста киртишлай бошлади. Гарчи хид билиш аъзосини ушламасдан сокол олиш хийла нокулай бўлса-да, дағал бармокларини бет ва пастки жакка тираб, бир амаллаб ишини тутатди.

Сокол олдириб бўлган заҳоти Ковалёв кийиниб, извошга ўтириди тўппа-тўғри қандолатхонага жўнади. Дўкон эшигидан ҳатлабоқ, “Болакай, бир финжон шоколад келтири!” деб буорди, ўзи эса тошойнага югурди; бурни ўз жойиди! Сўнгра оғзининг таноби кочиб орқасига ўтирилди ва бирорининг бурни нимча тугмасидек келадиган икки ҳарбийга кўзини кисиброқ масҳаромуз қараб кўйди. Дўкондан чиккач, вице-губернатор лавозимига, бордию омад чопмаса, экзекутор мансабига эришаман деб обдон остонасини чангиттани департамент девонхонасига йўл олди. Қабулхонадан ўтиб бораракан, ойнага кўз ташлаб олди: бурун жойида туриди! Бу ерда у бошка бир коллеж асессори, яни ўзига ўҳшаган майорни зиёрат қўймокчи эди; ҳамкасабаси ўта ҳазилкаш, бирорнинг устидан кулишга суюги йўқ бўлиб, унинг илмокли гапларига Ковалёв “Эй, кўйсанг-чи, сени биламанку, заҳарсан!” деб кутуларди. Йўлакда у ўзича, “Агар шу майорки мени кўриб кулгидан тарс ёримаса, демак, ҳеч бир хавотирга ўрин колмайди”, деб ўлади. Коллеж асессори эса кулмоқни ҳаёлига ҳам келтирмади. “Жин урсин, ишлар беш!” деди Ковалёв ўзига ўзи. Қайтаётib у кўчада штабофицер Подточина билан кизини учратиб колди. Улар Ковалёв билан илиққина, ўзаро

таъзим адо этиб салом-алик қилишди. Бундан чиқди, кўриниши бишпа-бинойи, юзида ҳеч бир кемтиклик йўқ! Ковалёв улар билан узоқ сўзлашди, атайнин тамакидонини очиб, бурнининг ҳар иккала тешигига босиб-босиб хидлади. “Хе, товукмиялар-эй, караб турларинг ҳали! Кизинга уйланиб бўлман! Шунчаки раг amour<sup>18</sup> уйланадиган аҳмогинг йўқ – хомхаёл бўлма!” дерди ичидা.

Ўшандан бери майор Ковалёв, гўё ҳеч нима кўрмагандек, Нева проспектида, тегатру бошка жойларда бемалол сайр килиб юради. Бурни ҳам тўсатдан ғойиб бўлиб колганидан бехабар, ҳеч гап бўлмагандек, мана, жойгинасида каккайиб туриди! Кейинчалик ҳам майор Ковалёвнинг мудом ҳазил-мутойиба килиб хушвакт юрганини, хушсуврат хонимларнинг деярли барчасини зимдан кузатишини ва ҳатто бир гал Гостиный дворга<sup>19</sup> кириб, қандайдир раста олдида тўхтагани, нима учун экани номаълум-у, орден такиладиган тасма сотиб олганини кўрганлар бор, ваҳоланки, у ҳеч қандай орден соҳиби эмас эди.

Бепоён мамлакатмизнинг шимолий пойттаҳтида ана шундай воқеа содир бўлди! Бироқ энди, ҳаммасини мулоҳаза килиб кўргачгина бу ҳангоманинг ҳақиқатдан йироқ жихатлари кўп эканини англаб турибмиз. Ковалёв йўколган бурун ҳақида газетада эълон бермок кулгили иш эканини тушунмаганидек, буруннинг башарадан узилиб чикишию, кам эмас, кўп эмас, статский советник киёфасида ҳар жойда пайдо бўлиши ҳам акл бовар қильмас ходиса эканини гапириб ўтирмокқа ҳожат бўлмаса керак. Камина эълон чоп эттириш жуда кимматга тушажагини назарда тутаётганим йўқ, албатта, бу фирт майдакашлик бўлардики, мен асло манфаатпрастлар сирасига кирадиган кимса эмасман. Лекин барибир нимасидир нокулай, нодуруст-да, шундок эмасми? Яна ўша гап – мардумнинг юзидағи бурун қай тарика

эндигина печдан чиккан қайноқ нон ичиде пайдо бўлиб қолгану Иван Яковлевичнинг ўзи кай тариқа?.. Йўқ, мен буни ҳазм қилолмайман, мутлако! Аммо кизиқ, ёзувчилар шунака сюжетларни қандай қаламга олар экан-а? Тан оламан, бунисига энди сира аклим етмайди, ха, шундай... вассалом. Биринчидан, бунинг халкка ҳеч кераги йўқ; иккинчидан... иккинчидан хам бефойда. Билмайман, билмайман...

Лекин барибир ундоқ ҳам, бундок ҳам, бошқача ҳам бўлиши мумкин... Бундай олиб қараганда, шунга ўхшаш бемаъни, куюшқонга сиғмайдиган воқеалар йўқ деб ким кафолат бера олади?.. Нафси-амри, яхширок ўйлаб кўрилса, бу хил ҳангомаларнинг замиррида озми-кўпми ҳакикат борга ўхшайди. Ким нима деса десин, дунёда шу каби ҳодисалар ҳам бўлиб туради – онда-сонда бўлса ҳам.

## Изоҳлар

<sup>1</sup> Коллеж асессори – Пётр Биринчининг ташаббуси билан таъсис этилган "Увонлар жадвали"га кўра, саккизинчи клас чиновниги ҳарбий майорга тенглаشتрилган. Кавказда маъмурлар мансабини бемалол сунистеъмол қилганидан бу увоннга эришиш осон бўлган.

<sup>2</sup> Пунш – ром виносига сув, шакар, мева шарбати ҳамда хушбўй зираворлар қўшиб-қайнатиб тайёрланадиган спиртли ичимлик

<sup>3</sup> Манишка – кўйлакнинг қадама кўкрак қисми

<sup>4</sup> Бостон – қарта ўйинининг бир тури

<sup>5</sup> Экзекутор – Чор Русиясида идора ва муассасаларнинг хўжалик ишларини бошқарувчи амандор

<sup>6</sup> Статский советник – Чор Русиясида 5-даражали мартаба

<sup>7</sup> Вицмундир – чиновникларнинг маҳсус кийими

<sup>8</sup> Колоннада – қатор устунлар

<sup>9</sup> Ливрэя – малайлар киядиган заррин уқали либос

<sup>10</sup> Надворный советник – Чор Русиясида 7-даражали мартаба

<sup>11</sup> Ахлоқ бошқармаси (Управа благочиния) – айрим суд ишларини ҳам тасарруфига олган полиция бошқармаси

<sup>12</sup> "Северная пчела" – 1838 йилдан 1866 йилгacha Русияда нашр этилган сиёсий-адабий газета

<sup>13</sup> Биз билган каллақандан ҳажман анча катта.

<sup>14</sup> Ботфорт – кўнжи тиззадан баланд этик

<sup>15</sup> Дилижанс – пассажир ва почта ташийдиган арава

<sup>16</sup> Юнкер дўкони – Нева проспекти ва Большой Морской кўчалари муюлишидаги модалар дўкони


<sup>17</sup> Хисрав Мирза – форс шаҳзодаси; 1829 йилда Петербургдаги Эрон элчихонасини бошқарган.

<sup>18</sup> Par amour – севги туфайли (фр.)

<sup>19</sup> Гостиный двор – Петербургдаги йирик савдо маркази

## Фарҳод ФАЙЗИЙ таржимаси

Дамин ЖУМАҚҰЛ



Узоқ ўтмишга доир бири иккинчисига зид манбаларнинг ҳақиқатга яқинроғини топиб, тайинли бир тасаввур ҳосил қилиш кишидан кўп меҳнат талаб этади. Ана шундай баҳсли мавзулардан бири Мидия ва массагет кўшини қайси жойда тўқнашгани масаласидир. Милоддан аввалги 530 йилда бўлиб ўтган бу қонли муҳораба тарихи кейнинг йилларда алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда. Жумладан, архитектура доктори Пўлат Зоҳидов мазкур жангни Сурхондарёда – Дарбанддаги "Темир қопка"да бўлган деб ёсса (Тайны "Железных ворот". Журнал "Uzbekistan Airways", 2006, №2,

стр.50-57), тадқиқотчилар Охунжон Сафаров ва Аҳмад Жумаевлар эса жанг Бухоро худуди ёки Чоржўда бўлган деб қайд этади (Тўмариснинг ватани қаер? "Тафаккур" журнали, 2005, 4-сон, 68-72-бетлар). Табиийки, бу икки ёндашув ўкувчини айни жанг тарихига доир бошқа манбаларни ҳам саҳифалашга унрайди.

Фикримизча, курратли кўшингага эга бўлган бу икки мамлакатнинг ўзаро чегараси аниқлаштириб олинса ҳамда мидияликларнинг массагетларга кўшин тортищдан аввал яна қайси ўлкаларни босиб олганига назар солинса, муҳораба ўрни кўзга ташланиб қолади.

## Тұмарисми ёки Томир хотун?

Мазкур жаңғ қақида сүз юритар эканмиз, аввало унда ғалаба түгини баланд күттарған, ватан ҳимояси бобида авлодларга ибрат бўлиб келаётган жасур аёлнинг асл номи юзасидан бир тўхтамага келиб олмогимиз даркор. Тарих фанлари доктори Азамат Зиё “Томир хотун” мақоласида бу исм юнончада Tomiris деб ёзилгани ва рус тилига Томирис бўлиб ўтиб, ундан ўзбек тилига Тўмарис шаклида келганини таъкидлаган (“Тафаккур” журнали, 2001, 4-сон, 68-71-бетлар).

Дарҳақиат, Геродот милоддан аввали 626 йилда Кирнинг бобокалони Киаксар томонидан заҳарлаб ўлдирилган скифлар хукмдорини Мадиес, Тўмариснинг ўғлини Спаргапис, 513 йили Доро Биринчига қарши курашиб уни маглуб этган скифлар сардорини Иданфирс дея мазкур исмлар охирiga юнон таомилига кўра “-с” (“-ис”) кўшимчасини кўшиб ёзган. Буни аллақачон билиб олган бўлсак-да, аммо ҳамон Тўмарис деб юнончасига айтаётмиз ва ёзаётмиз.

Тарихдан аёнки, туркйларда болага исм шунчаки шахсни тасдиқловчи белги сифатида қўйилмаган. Чақалоқ исмиди ота-онанинг орзу-умидлари акс этган. Бу одат туркйларга аждодлари – скиф-массагетлардан ўтганига шубҳа йўқ. Ҳозир ҳам қардош туркй халиqlарда Илдиз деган исм бор. “Томир” сўзи – шунинг синоними. Бу исм маъносидан фаҳмлаш мумкин, Томир массагетлар подшосининг қизи бўлган. Ота-онаси унга шу исмни танлар экан, элнинг томири, халиqнинг куввати бўлсин, дея ният қилган.

Хўп, бу тарихий шахсни энди қандай атамоқ қерак? Шу вақтгача Тўмарис деб келган эдик ва бу ғалати эшитилмасди. Лекин энди Томир десангиз, унинг хотирасига гўё ҳурматсизлик қилаётгандек бўласиз. Тўгриси-ку, Малика Томир, бироқ ўша вақтлар массагетларда “малика” деган сўз бўлмаган. Азамат Зиё қайд этганидек, юртимиизда араблар босқини даврида Қабач хотун деган малика яшаган ва “хотун” сўзи “малика” маъносини англатган. Бинобарин, ўша жангдан кўп йиллар бурун ҳам скифлар “хотун” сўзини истифода этган. Жўмла-

дан, Кайхусрав (Геродот уни отини Киаксар деб ёзган) заҳарлраган скиф ҳукмдори Алл Эр Тўнга (Мадайнинг лақаби Алл Эр Тўнга бўлган, Геродот уни Мадиес деб атаган) ўша чоқда ёнида бўлган хизматкорига бундай деган экан:

Туркан қотун қутинга,      Туркон хотун кошига,  
Төгур мөндин қўшиғ.      Мендан еткур шеър.  
Айғил сизнинг табугчи,      Хизматга ходимингиз,  
Ўтнур янги табуг      Рост, деб паём бер.

(Алл эр тўнга ёки Афросиёб жангномаси. Т., “Чўллон”, 1995, 26-бет.)

Лекин бу ўринда тилга олинган хотун – Алл Эр Тўнганинг севикили ёри, мусибатда қолган муштипар аёл, холос. У халкнинг маънавий раҳнамоси, сиёсий йўлбошли ёки шиддатли лашкарбоши эмас.

Аждодларимиз мўътабар зотларни қадимдан ота деб эъзозлаган. Масалан, Кўркут ота, Ҳаким ота, Занги ота, Сайид ота... Шундай сифатга эга аёллар эса она дея улуғланган. Занги отанинг завжай муҳтарамаси Анбар она сиймоси бунга мисолдир. Шундай экан, босқинчиларга қарши курашда ҳам ҳарбий саркарда, ҳам маънавий раҳнамо бўлиб ҳалқ бошини бир жойга қовуштирган, ёв билан саващаги мардлигию жасурлиги, фожиа юз берган вақтдаги саботу матонати билан барчани ҳайратта соглан аёлни Томир она деб атасак қандай бўлар экан?

## Аҳамонийлар салтанати чегараси қаерда бўлган?

Ушбу мавзудаги барча тадқиқларга асос вазифасини ўтаётган “Тарих” асари гувоҳлик беришича, Мидия дегани Форс давлати эмас. Унинг ўзи узок йиллар мобайнида Мидия мустамлакаси бўлган. Милоддан аввалиг 584 йилда Мидия таҳтига ўтирган Астиаг Мандана деган қизи билан боғлиқ ноҳуш бир туш кўради. Таъбирчилар шоҳга шу қизидан туғилажак ўғил унинг таҳтига тажовуз қилишини айтади. Бунга ишонган Астиаг қизи улғайгач, уни кўёвлликка даъвогар мидиялик зодагонлардан бирига эмас, форслардан Камбис исмли аслзодага турмушга беради. Камбис форс аслзодаларидан бўлса-да, обрў-мартабаси мидиялик ўтраҳол

кишиникидан пастроқ эди (*Геродот. История. Ленинград, "Наука", 1972, стр.45*). Шундай қилиб, Мидия маликаси ва форс аслзодасидан туғилган фарзанд – Кир (Куруш) вақти-соати етиб, 550 йили бобоси Астиагдан Мидия таҳтини тортиб олади. Пойтахтни Экбатандан Персеполга (Пасаргад) кўчириб ўтказади, Форс ва Мидия давлатларини бирлаштиради. Ана шу бирлашган подшопникнинг жуғрофий ўрни эса ҳозирги Озарбайжон жанубига тулаш бўлган.

Тарихга Буюк Кир номи билан кирган бу подшоҳ Мидия-Форс давлати худудини кўшини ўлкаларни босиб олиш ҳисобига кенгайтирган. У кетма-кет Оссурия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Лидияни ишғол қилган. Ўша замонларда минтақадаги кучли давлатларнинг бири Бобил, иккинчиси Миср эди. Кир Бобилни босиб олиб, тутқуниликда бўлган яхудийларни озод этган ва уларнинг мамлакатини тиклаб берган. Шундан сўнг у Мисрга юриш қилишини кўзда тутган. Лекин Кир дастлаб кўзга тушган чўпдек бўлиб турган массажетларни хийла билан осонгина кўлга олиши режалаштирган. Бироқ массажетлар йўлбошчисининг рад жавоби унинг иззатнафсига теккан ва шу боис режаси ўзгариб кетган. Демак, ўша вақтда Кир салтанати, мустамлакаларини ҳам қўшиб ҳисобланса, жуда улкан бўлган.

### Массажетлар юрти

Пўлат Зоҳидов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2000 йил 1 январь сонида чоп этилган "Таъзим бажо айлаб..." мақолосида массажетлар хукмронлик қилган худуд тўғрисида сўз юритиб, бундай ёзган эди: "Баъзи олимлар массажетлар салтанати Амударёдан Каспийгача бўлган улкан минтақани эгаллаганини айтса, иккинчи гурух Скифия Орол билан Каспий орасидаги минтақада дер экан, учинчى гурух Скифияни Сирдарёning ўнг қирғоғи, ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозогистон деб биларкан, тўртинчи гурух эса Скифия Амударёning ўнг қирғоғи ортидаги минтақа деб ҳисоблар экан". Домланинг фикрича, Томир онанинг ватани – Скифия давлати Амударёning ўнг

қирғоғидан бошланиб, ҳозирги Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олган.

Охунжон Сафаров ва Аҳмад Жумаев бу фикрни инкор этиб, Томир она қадим бухороликларнинг аждоди бўлган дербиклардан экани, бу қавм асосан ўрта Амударё қирғоғлари бўйлаб, яъни ҳозирги Чоржўй ва Бухоро оралиғида макон топганини ёzáди. Уларнинг мулоҳазасига кўра, милоддан аввалги VI-V асрларда кўйи Зарабфон воҳасидан Амударё этаклари бўйлаб Орол денгизигача бўлган "кўз илғамас белоён текислик – Қизилқум чўллари этакларида массажетларнинг жуда катта қабила иттифоқлари яшаган".

Яна бир муҳим манба – Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёэлишича, массажетлар – Каспий денгизининг шарқий соҳили, Орол денгизи атрофлари, Амударё ва Сирдарёning кўйи оқимида милоддан аввалги VIII-IV асрларда яшаган кўчманчи ва бошқа қабилаларнинг умумлашма номидир (5-жилд, 501-бет).

Энди учала фикрга асос бўлган "Тарих" асарига мурожаат қиласлилар. "Айтишларича, массажетлар – кўп сонли, жасур халқ. Улар Аракс дарёсининг нариги томонида, Шарқда, иссадонларнинг қаршисида яшайди" (*История. Стр.75*). Хўш, Геродот "Аракс" деганда қайси дарёни назарда тутган? Ҳозирги Туркиядан бошланиб, Озарбайжоннинг Эрон ва Арманистон билан чегаралари бўйлаб оқадиган Аракс дарёсиними ёки Амударёними? Бундай дессангиз, Амударё њеч замонда Аракс деб атталмаган. Юнонлар уни Оксус, Окс, римликлар эса Оксос дейишган. Unda Геродот янгишганмикан? "Тарих" китобининг изоҳлар қисмida мурархи Аракс дарёси ҳақида аккад ва скиф-эллин манбаларига таяниб ёзгани айтилган. Аккад манбалари бўйича, Аракс деганда ҳозирги Озарбайжондаги Аракс дарёси назарда тутилади, скиф-эллин манбаларига таянилса, ўша замонларда Каспий денгизига қуйилган Амударё тушинилди.

Геродотнинг Аракс дарёси ҳақида ёзганларига шу вақта қадар скиф-эллин манбалари асосида ёндашиб келинмоқда. Шуни аккад манбалари асосида ҳам тушунилади.

нишга ҳаракат қилип күрілса, нима бўлар экан? Айтайлик, Мидия-Форс давлати – аҳамонийлар салтанати ҳозирги Эрондан бошланиб Озарбайжон жанубида – Аракс дарёси бўйида тугаган. Дарёнинг бу юзида эса массагетлар ҳудуди ястанган. Бундай дейишда маълум мантиқийлик мавжуд. Чунки сўз бораётган воқеадан бир асрлар бурун массагетлар сиқиб чиқарган скиф қавми дастлаб Қора денгиз бўйига бориб, у ердан киммерийларни қувиб солган. Демак, масофа якин бўлган.

Қолаверса, Аракс деган номнинг Оксга айланиб кетишига Страбоннинг қўйидаги ёзганлари асос вазифасини ўтаганлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. “Айтишларича, қадимда арманларнинг Аракси тогдан шитоб билан катта кенглиқдаги текислика қўйилган ва яна давом этишга йўл топа олмасдан денгиз ҳосил қилган. Иасон тог этагидаги дарадан сув йўлуни буриб юборгандан сўнг дарё Каспий денгизига кўйила бошлаган. Натижада Араксен далалари куриб кетган. Аракс ҳақидаги бу маълумот шу мавзудаги бошқа ҳикоятлардан бирмунча асосли. Геродотнинг Аракс матиенлар худудидан бошланиб, ўзидан қирқта шохобча чиқариб, ундан сўнг скифлар ва бақтрияликлар ўртасида чегара ҳосил қилиб оқади, дегани мутлақо хато. Каллисфен ҳам Геродотга эргашиб хатого йўл қўйган” (Страбон. География. М., “Ладомир”, 1994, электронная версия, стр. 501).

Тарихчилар Геродотнинг “Аракс скифлар ва бақтрияликлар ўртасида чегара ҳосил қилиб оқади”, деб ёзганига асосланиб, у Окс – Амударёни назарда тутган деган хulosага келган бўлишса ажабмас. Лекин кейинроқ Страбондан келтирадиган яна бир кўчирмани ўқигач, Аракс ўз номида тушунилиши керакмикан, деган хulosага келди одам. Факат олдин исседонларнинг маконини аниқлашга уриниб кўрайлик. “Исседонлар – қадимда Ўрта Осиёнинг шимолида яшаган қабилалар (милоддан аввалиг 1 минг йилллик ўрталари). Геродот исседонлар массагетлар ва Урал тог ён-багирларида яшаган туркй қавм – аргипойларга кўшини бўлган деб ҳисоблади. Исседонлар Фар-



бий Сибирь, Обь ва Иртиш дарёлари ҳавзалари, гарбда Исетъ дарёси (Свердловск области), Ўрта Осиёнинг шимолидаги худудда (ҳозирги Қозогистон) кўчманчилик қилганлар” (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд, 26-бет).

Массагетларнинг чегараси Аракс дарёси бўйида десак, Урал тог ёнбагирларида, Фарбий Сибирь, Обь ва Иртиш дарёлари қирғоғида яшаган исседонлар қандай қилиб уларга кўшини бўлиши мумкин? Буни шундай тушунмоқ керакки, массагетлар давлатининг ҳудуди, Пўлат Зоҳидов ёзганидек, Қашқадарё ва Сурхондарё билан, Охунжон Сафаров ва Аҳмад Жумаев ёзганидек, Чоржўй ва Бухоро билан ёки Миллий энциклопедияда қайд этилганидек, Каспий денгизининг шарқий соҳили, Орол денгизи атрофлари, Амударё ва Сирдарёнинг кўйи оқими билангина чекланмаган. Уларнинг юрти бу ўлчовлардан анча катта бўлган. Тахминан Кавказ ортидан бошланиб, бир томони Сибирга, бошқа томони эса Хитойга қадар чўзилган. Орада

бошқа катта-кичик қабилалар ҳам бўлган албатта, лекин бу ўлкада асосан массагетлар ҳукмронлик қилган.

Страбон массагетларни бундай таърифлайди: "Массагетлар ҳақида қуйидагича хикоя қиласидилар. Уларнинг бир қисми тоғларда яшайди, иккинчи қисми текисликларда, учинчиси дарёлардан ҳосил бўладиган ботқоқликлар атрофида, тўртинчи қисми эса ботқоқликка туташ оролларда яшайди. Шунингдек, уларнинг айтишича, мамлакатни шимолга қараб оқадиган ва ўзидан кўплаб шохобчалар чиқарган Каспий денгизига қўйилувчи Аракс дарёси сув билан таъминлайди" (География. Стр.485). Бизнингча, ана шу маълумотнинг ўзиёқ массагетлар ҳудуди бенихоя катта бўлганидан дарап беради. Буни Миллий энциклопедиядан бир мисол билан янада тўлдириш мумкин: "Айрим олимлар фикрича, "массагет" номи "masyo" – "балик" сўзидан келиб чиқкан бўлиб, "баликхўрлар" маъносини англатган. Бошка бир фикрга кўра, "массагет" атамаси "мас", "сака" ва "та" сўзларидан таркиб топиб, "сакларнинг катта уюшмаси"ни билдирган. Учинчи бир тахминга кўра, "массагет" сўзи "улуг гетлар" дегани бўлиб, "массагет"нинг ўзи қадимий хитой манбаларидаги "да (катта) юечжилар" билан айнан бир халқидир. Бу фикрга С.Толстов ҳам кўшилган, у Сирдарёнинг куйи оқими бўйидаги археологик ёдгорликларни массагетларга мансуб деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрича, массагетлар конфедерацияси таркибига хорасмийлар, аласиаклар, сакарааваклар, сакамюргийлар, дербиклар, тоҳарлар (даҳлар), осийлар (ятийлар, асианлар, усуунлар, яксафтлар), отасийлар (аугасийлар, аугаллар) кирган" (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-жилд, 501-бет).

"Массагет" сўзига гоҳ юонча, гоҳ хитойча таъриф берилишидан шуни англаш мумкинки, бу халқ эгаллаган майдон бир томондан Юнонистон, иккинчи томондан Хитой билан туташ бўлган. Шунингдек, массагетлар муҳтарам олимларимиз ёзганидек, бир қавм бўлмаган, балки ана шу кенглиқда яшаган кўплаб қавмларнинг бирлашган конфедерацияси массагет номи билан аталган.

## Кир қўшини қайси дарёдан ўтган?

Тасаввур қилинг, Буюк Кирнинг Кавказ, Форс ва Кичик Осиёдаги яна бир қанча давлатлардан йигилган улкан қўшинини Қашқадарё ва Сурхондарё ахолисидан тўплланган аскарлар очиқ жангда битта қолдирмай қириб ташлаши мумкинми? Бу савол раҳматли Пўлат Зоҳидовни ҳам ўйлантиргани шубҳасиз. Домла ана шу саволга жавоб топиш учун эътиборни массагетлар қўшини сонига эмас, уларнинг ҳарбий тактикасига қаратган. Лекин олимнинг массагетлар аввал юзма-юз жанг қилиб, кейин душманни тузоқча тушириш учун олдиндан шайлаб кўйган пистирма – "Темир қопқа" ичкарисига чекингани тўғрисидаги мулоҳазаси машхур "Тарих" асаридаги жанг тасвирига мос келмайди. Геродотнинг ёзишича, ўшанда шу қадар аёвсиз жанг бўлганки, тарафларнинг ҳеч бири ортга чекинмаган, дастлаб бир-бирига камондан ўқ ёғдирган, кейин қиличбозлик бошланган, ундан сўнг кўл жангига ўтилган, 200 минг босқинчи аскардан биронта тирик жон қолмаган. Бизни ўйлантирадиган жиҳати, мухорабада карши томондан ҳам шунча аскар қатнашган деб тахмин килсан, жангчиларнинг умумий хисоби ўртacha 400 минг атрофида бўлган. Шундан тахминан 200 минг ишик отлиг дея фараз қилинди, отларни ҳам саноқча қўшиб ҳисобланса, жангда иштирок этган жон сони 600 минга етади. Бунча кўп жангчи қандай кенглиқдаги майдонда уруш қилиши мумкин?

Кир қўшини буткул қирилиб кетди, деб ёзиш бир оз муболагадек туюлиши табиий. Лекин Геродотнинг мана бу маълумоти иштибоҳга ўрин қолдирмайди: "Инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бир санъат бор. Буни биз билган халқлар ичида фақат скифлар эгаллаган. Бу санъат шундан иборатки, скифлар ўз юртига бостириб кирган душманнинг бирортасини омон қўймайди" (История. Стр.198).

Охунжон Сафаров ва Аҳмад Жумаев фикрича, аҳамонийлар замонида Форс давлати бехад кучайиб кетган. Ўша даврда Хоразм ҳам юксалиш йўлига кирган эди. Форслар аслида Хоразмга юриш қилмоқчи бўлган-у,

аммо дербиклар ўртада туриб қолган. Шу боис олдин дербикларнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлган ва уларга хужум қилиб, шу ернинг ўзидаёқ мағлубиятта учраган.

Фики ожизимица, Парфия, Лидия, Бор бил ва Кичик Осиёдаги давлатларни босиб олиб, қозонган ғалабаларидан ҳаволаниб кетган Кирга қаршисида – дарёнинг нариги юзида унинг қудратига бўйсунмаган бир давлат таҳдид солиб туриши ёкмаган. Кир уста сиёсатчи ва моҳир саркарда сифатида мас-сагетларнинг қанчалик куч-қудратга эга эканини чамалай олганига шубҳа йўқ. Шунинг учун босқинчилик юришларини бошқа давлатлардан бошлаб, ўлжа олинган бойлик ва асиirlар ҳисобига қўшинини мустахкамлаб борган. Шундан кейин ҳам, олдинроқ айтиб ўтилганидек, массагетларга тўғридан-тўғри юриш қилмай, уларнинг маликаси Томир онага совға-саломлар билан совчи йўллаган. Томир онадан рад жавобини олгач, нафсо-нияти қўзиб, Мисрга юриш режасини кейинга қолдириб, шу давлат чегарасида турган қўшинни ортга қайтарган. Нақд 200 минг кишилик лашқар билан дарё бўйига келган. Кир қалбига ўрнашган ҳадигу хавотир Мас-сагетларни ҳам тинч қўймагани шубҳасиз. Улар ҳам урушнинг муқаррарларини эътиборга олиб, пухта тайёргарлик кўриб борган. Акс ҳолда массагетлар қисқа фурсатда бунча кўп аскарга эга мунтазам қўшинга қарши туришга қодир бўполмас, сон жиҳатдан ҳам шунга яқин аскарни йигишга улгuriши ҳам амримаҳол эди.

Бир сўз билан айтганда, Кирнинг массагетлар юртига бостириб кириши, унинг одатдаги юришларидан фарқли ўлароқ, узоқ вақт мобайнида пишишиб-пухталаб борилган стратегик режа натижаси бўлган-у, аммо кўзланган вақтидан бир оз эртароқ бошлаб юборилган.

Пўлат Зоҳидов “Темир қопқа” сирлари мақоласида асосий эътиборни Томир она душман билан ҳозирги Ўзбекистон худудида тўқнашганига қаратган. Охунжон Сафаров

ва Аҳмад Жумаев ҳам шу йўлдан бориб, “Тўмариснинг ватани қаер?” мақоласида икки қўшин тўқнашувини Сурхондарё худудидан Бухоро тарафга кўчирган ва мақолани “Тўмариснинг ватани ҳозирги озод Ўзбекистондир”, дея кўтаринки руҳда якунлаган.

Бизнингча, Томир онанинг қаерда жанг қилгани унинг түғилган жойини эмас, салтнани кўламини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, олдинги мақолаларда айтилганидек, у қадим Бухоро худудида түғилган бўлса-да, ёвни Аракс бўйида мағлуб этгани Томир она бошқарган мамлакат беҳад катта эканидан далолат эмасми?!

### Кейин нима бўлди?

Олдин нима бўлган эди ўзи? Томир она таҳтга қаочон ўтирган, у кимнинг беваси эди? Фарзанди шу биргина Спаргаписми?..

Бир жанг баҳонасида скиф-массагетларнинг жануби-гарбдаги ҳаётидан озроқ бўлса-да хабар топдик. Лекин уларнинг Шарқдаги ҳаётчи, ахир, бу тарих Турк ҳоқонлиги давридан бошланмайди-ку! Шарқий чегарадаги хитой, хинд, корейс, япон ва бошқа ҳалқлар билан боғлиқ қадимий воқеалар ҳануз тарих қаърида пинҳон ётибди.

Тавба деймиз-у, аҳамонийлар массагетлар юртига қўшин тортиб келмаганида, Геродот массагетлару Томир она ҳақида ёзармиди-йўқми, худо билади. Дарҳақиқат, Мидия шоҳини қонга бўктирган Томир она кейин нима иш билан машгул бўлган? Жангдан сўнг юртда тинчлик-хотиржамлик ўрнатилиб, барча мурод-мақсадига етганми ёки урушлар, низолар давом этаверганми?

Скиф-массагетларнинг бугунги авлодлари олдида ана шу саволларга жавоб то-пиш масаласи туриби. Бу ишда, айниқса, соҳа мутахассисларининг бурчи, вазифа ва масъулияти катта. Умид қиламизки, олимп-аримиз ўша замон тарихига доир манбаларни топиб, бу масалаларга аниқлик киритади.

Муҳаммад ҚУРОНОВ

*Kullas...*



Сиз фарзандингизда тарбиялаган вижедон – унинг ичидағи дўстингиздир.

\*\*\*

Ҳар куни боласига “юзингни ювдингми?”, деб жаврайдиган она меҳрибон кўринади.  
Доно волида эса юз ювишини боласининг одатига айлантиради.

\*\*\*

Тушунмасликнинг сабаби – тушунтирмасликдир.

\*\*\*

Шубҳа пайдо бўлганда дўстлик чекинади.

\*\*\*

Ёшилар олдин гапириб, кейин ўйлайди. Кексалар олдин ўйлаб, кейин гапиради. Ёки... яна  
ўйлайди.

\*\*\*

Шогирдга иши буюриси қалам билан нуқта қўйишига ўхшайди.

\*\*\*

“Мен бу ишини қила оламан” деганингизда сиз ҳақсиз. “Қила олмайман” деганингизда ҳам.

\*\*\*

Фамилия эшикларни очади... Ёнади ҳам.

\*\*\*

Эъзоз кутсангиз – эъзозланг.

\*\*\*

“Оммавий маданият” исроғарни яхши кўради. Тежамкорни жини суймайди.

\*\*\*

Бир киши түйдә ёниб қўшиқ айтди. Фикру хаёли қўшикда эди. Ҳамма маза қилди. Кейин "бирров" чи хонанда куйлади. Фикру хаёли одамларда эди. Ҳеч ким баҳра олмади. Одамлар – биринчи ҳофизга, "бирровчи" эса – одамларга талабгор бўлди.

\*\*\*

Ўзбек – қизиқ. Лўли уни тўхтатиб, "Менга 100 сўм бер, худодан сенга мол-дунё сўраб бераман" деса, беради. "Лўми нега худодан ўзига мол-дунё сўраб қўя қолмайди?" деб ўйлаб кўрмайди. Эртасига... яна беради.



\*\*\*

Одамнинг сиртидаги ўзгариши – ичидағи ўзгаришидан далолат.

\*\*\*

Биз вазиятни бошқармасак, вазият бизни бошқаради.

\*\*\*

Одамлар курашганидан кўра гоялар курашгани афзал.

\*\*\*

Одамни фикр, оламни ши ўзгартиради.

\*\*\*

Ўзингизни касал "ҳисобламоқчи" бўлсангиз, сабаб топилади.

\*\*\*

Одам қабул қиласиган катта-кичик қарорлар – унинг кўрган, ўқиган, эшиятганларидандир. Демак, болаларимизга кўз ва қулоқ орқали сингдирилган фикрлар бир кун шаксиз уларнинг қарорларига асос бўлади.

\*\*\*

Ууг мақсад улкан кучни пайдо қиласди.

\*\*\*

Ҳар биримиз уч кун уч жойда уч кишига бегараз яхшилик қисак, бу эртага – ҳайрат, индин – рагбат, учинчи кун – одатга айланади.

\*\*\*


Назарий – узоқдан, амалий – яқиндан дегани.

\*\*\*

Ношукурлик бор жойда шайтон – амир.

# MA'RIFATDIR QALBNING QUVVATI

*Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ мутолаа қиласи*



ИШҚ – ҲАДДАН ОРТГАН МАЙЛДИР

Абу Ҳомид Газзалийнинг "Ихъоу улумиддин" Мұхаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. Тошкент, "Мовароуннахр", 2005.

"Хўжокатул ислом" Абу Ҳомид Газзалийнинг "Ихъоу улумиддин" асари мусулмон Шарқида Оллоҳ қаломи ва Пайғамбар ҳадисидан кейин энг кўп мутолаа этиладиган китоблар сирасига кириши кўпчиликка аён. Ушбу битикнинг одам бино бўлгандан бўйн қизгин мұҳокама этиладиган мавзу – мұхаббатга багишлиланган боблари ҳам миқёс терандлиги, кенглиги, ҳам инкишоф жиҳатидан чукурлиги билан кишини ҳайратгасолади. Газзалийнинг фикрича, мұхаббат – лаззат-роҳат берувчи кимса ёки нарсага нисбатан табиий мойиллик. Ушбу майл ҳаддан ортса, унга ишқ дейилади. Демак, мұхаббат идрок ва маърифатга даҳлдор тушунча. Идрок нима? Идрок сезги аъзолари қабул қипувчи хиссиятлардир. Ҳар бир сезги аъзоси ўзи идрок этаётган нарсадан лаззат олади: кўзниңг лаззати гўзал ашёларга қараш; қулоқнинг лаззати ёқимли сасларни эшишиб; буруннинг лаззати хуш бўйларни ҳидлаш; тилнинг лаззати тотли таомларни танаввул этиш; кўлнинг лаззати юмшоқ ва мулойим нарсаларни ушлашдадир. Лаззатли нарсалар инсон учун севимлидир. Беш сезги аъзоси билан лаззатланиш яхвонларда ҳам учрайди. Бироқ инсондаги олтинчи сезги ҳам борки, у ақл ва қалба даҳлдордир. Ақл ила идрок этиладиган гўзал маънолар кўз билан кўриладиган зоҳирий суратлар чиройидан беҳад улуғ. Қалб кўздан кўра кувватли идрокка эга.

Инсон ўз вужудини севади. Вужудига нимаики ёқса, унга-да ёқади. Демак, инсон учун энг севимли нарса унинг ўзи, саломатлиги, сўнгра мол-дунёси, фарзандлари, қариндошлари ва дўстларидир. Газзалий гўзал иборани ишлатади: аъзолар – маҳбуб, саломатлик – матлубдир. Чунки инсон вужудининг камоли ва узоқ яшаси уларга боғлиқ. Мол-дунё ҳам севимли, чунки у ҳам узок умр гаровидир. Наслнинг боқийлиги фарзандга боғлиқ. Ота нафақат ўзим, фарзандим ҳам кўп яшаса дейди, уни авайлайди. Инсоннинг

қариндош-уруг, дўстларга бўлган муҳаббатида ҳам манфаат бор. Чунки инсон уларнинг мавжудлигидан куч олади. Муҳаббатни пайдо қиласиган биринчи сабаб шулардир. Иккинчи сабаб, инсон – эҳсоннинг қули, дейди Фаззолий. Қанча кўп эҳсон кўрса, эҳсон қилувчига муҳаббати зиёда бўлаверади. Эҳсон тўхтаса, муҳаббат ҳам барҳам топади.

Муҳаббат пайдо бўлишининг учинчи сабаби туб моҳиятига кўра ёқимли нарсаларнинг мавжудлигидир. Масалан, гўзалликка бўлган муҳаббат. Чиройли манзаралар, қиёфаларни идрок этиши, гарчи улардан бирон бир манфаат бўлмаса-да, инсон учун севимлидир.

Муҳаббатни келтириб чиқарадиган тўртинчи сабаб гўзал сифатлардир. Гўзал сифатлар ташки сезги аъзолари билан идрок этилмайди, балки ботиний кўз – басират нури билан идрок этила-ди. Илм, ақн, иффат, тақво, саховат, эзгулик каби гўзал сифатлар билан зийнатланган инсонлар шу сифатларни қадрлаган кишилар олдида ҳамиша севимлидир. Умрида кўрмаган, аммо сифатлари гўзал бўлган инсонга гойибан муҳаббат қўйиш шу сабабдан.

Муҳаббатни пайдо қиласиган ана шу тўрт сабабдан келиб чиқиб, Фаззолий Оллоҳга муҳаббат пайдо бўлишининг тўрт омилини кўрсатиб беради.

Биринчиси шуки, инсон ўз нафсини, вужудини яхши кўрар экан, ўзини ўрганади, асрраб-авайлайди, узоқ умр кўриш чорасини кидиради. Шу аснода вужуди абадий эмаслиги, ҳаёт Оллоҳ берган омонат неъмат эканига ишонч ҳосил қиласиди. Муҳаббат – маърифат самараси. Маърифатдан бенасиб инсон зоҳирий оламини танийди. Назари шаҳват ва сезигилар билан чекланади. Орифлар ўзларини яхши кўрар экан, албатта мавжудлигининг сабабчи-си ва асрорчини ҳам яхши кўради. Қўйиш иссиқлигидан қўйналган киши сояни хуш кўриш баробарида унинг сабабчиси дарахтга ҳам меҳр кўяди. Маърифатли инсон Оллоҳга ҳам шу зайдада муҳаббат билан қарайди.

Иккинчи омил, иккинчи сабабдан келиб чиқсан ҳолда, эҳсон қилувчи табиати билан боғлиқ. Инсон ўз эҳсони эвазига Оллоҳдан мукофот олади. Ҳақиқий саховат – молни бирор фаразсиз ва сарф қилувчидан манфаат кутмасдан харж қилишдир. Бундай саховат Оллоҳдан ўзгара топилмайди. Бинобарин, эҳсон банданинг кўли билан берилса-да, эҳсон юборувчи Оллоҳ таолодир. Эҳсон қилувчи кўл ҳам, ўз навбатида, Оллоҳ марҳаматига са-зоров. Фаззолий айтади, “Оллоҳ таоло яхшилини, муҳсин бандани, эҳсон шаклини, эҳсон сабабларини яратувчиdir”. Бундай зотни севмасдан бўладими?

Учинчи омил муҳаббат пайдо бўлишининг учинчи сабаби билан изоҳланади. Инсон гўзалликни севади. Агар гўзаллик қалб билан идрок этилса, унинг соҳибига бўлган муҳаббат янада ошади. Чунки шундай гўзал асарни яратувчининг ўзи минг чандон гўзал бўлади-да. Лаззат зоҳирий ва ботинийга бўлинади. Беш сезги аъзоси идрок этадиган лаззат зоҳирий бўлиб, ботиний лаззат раҳбарлик, голиблиқ, олимлик каби (сезги аъзо-лари билан ҳис этиб бўлмайдиган) пинхоний масрурлиkdir. Оллоҳ таолони таниш, у яратган санъатдан ҳайратланиш, илоҳий ишлар магзини чақиш ҳар қандай зоҳирий ва ботиний лаззатдан афзалроқидир. Буни фақат ориф даражасига етган зотларигина ҳис этади. Зоро, маърифат куввати қалбандир. Илоҳий сирларни чукур мушоҳада билан ойдинлаштириб олган инсон бу ботиний лаззат дебочасини сезади. Бундан унинг илмга бўлган талаби янада кучаяди. Зоро, у ўрганаётган масалалар маърифатга етакловчи билимлардир. Оллоҳ таоло маърифатига талабгор кишига Парвардигор мулкидаги сир-асрорлар озгина кашф бўлса, қалбидаги севинч ва лаззатдан осмонга учади. Матъруф Кархийдан бирордари сўради, “Айтингни, сизни нима ибодатга унгади?” Узоқ сукут қилди. Яна сўради, “Ўлимни эслашми?” Матъруф айтди, “Ўлим нима бўпти?” “Унда, жаҳаннам кўркинчи ва жаннат умидими?” “Булар нима ўзи? Ҳақиқий подшоҳ бор. Айттганларингнинг



барчаси Унинг қўлида. Агар сен уни севсанг, сенга буларни унуттиради. Агар сен Уни маърифат билан таний олсанг, ёлгиз Ўзи сенга кифоядир".

Тўртинчи омил муҳаббатни пайдо қўлувчи тўртинчи сабаб – гўзал сифатларни идрок этиш билан боғлик. Инсон ҳамиша ўз табиатига яқин кишиларга мойил бўлади. Боланинг бола билан дўстлашиши, олимнинг олим, хунарманднинг хунарманд билан юлдузи юлдузига тўғри келиши шундан. Дурадгор билан дехоннинг дўстлиги шунчалик ошночилиқдан нарига ўтмайди. Шу нуқтаи назардан, маърифат орқали Оллоҳ сифатларни таниш ва ўзида ҳам шу сифатларни шакллантири олиш инсонга бекиёс лаззат багишлайди. Бу лаззат ҳам Оллоҳга муҳаббатнинг бир белгиси.

Хуллас, Оллоҳни севиш – Уни таниши, қалбдан шукrona, ҳамду сано айтиши, ўз фаолиятида эзгулини шиор этиш, гўзал хулқлар билан зийнатланишдир. Оллоҳни севганларни У ҳам севади.

Фазолийнинг ишқи доир қарашларини бошқа Ислом файласуфлари, дейлик, Мавлоно Румий ёхуд Мавлоно Жомий нуқтаи назари билан қиёслаш, албатта, бизни янада кенг маъно уфқуларига юзма-коз этиши тайин. Аммо бу матлуб имкониятни бошқа сафарга қолдириб, юқорида баён этилган мулоҳазалар билан кифояланамиз.



## БЮОК ТАМАДДУН ИЛДИЗЛАРИ

Эдвард Р т в е л а д з е. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Ташкент, "Патент пресс", 2005.

Тамаддун жамият моддий ва маънавий тараққиётининг доимий ва кенг қамровли шакли сифатида, истисносиз, барча халқларга, уларнинг жамики тарихий даврларига хосдир. Хўш, Марказий Осиёда тамаддун жараёнлари қандай кечган? Биринчи галда унинг ўзига хос маданиятини кўрсатувчи муайян тури пайдо бўлди. Сўнг иктисадий ривожланиши, ижтимоий ва маданий жараёнлар иш шаҳарларни пайдо қилди. Марказий Осиёда Самарқанд (Мараканда), Марв ва Бақтри (Балх) шаҳарлари тамаддун ўчиги бўлган. Улар эрамиздан аввали I минг йиллик бошларидаёт шаҳар сифатида шаклланни ултурган эди. Шунингдек, Марказий Осиёнинг қадим цивилизация бешикларидан бўлмиш Кеш, шимолий Бақтриядаги Шеробод ва Деҳинав (Денов) каби шаҳарлар ҳам эрамиздан аввали II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб ривожланиб борган. Буюк ипак йўли шаклана бошлаган даврда ҳозирги Ўзбекистон худуди бўйлаб ўнлаб шаҳарчалар бўлган.

Ёзма манбаларга таяниб ўтган даврларда олти асосий этник миграция оқими юз бергани ҳакида сўз юритиши мумкин. Булар ҳинд-орий, зрон, грек-македон, турк, семит ва мўғул этник қатламлари бўлиб, тўрт лисоний – оила оптой, хинд-европа, семит ва мўғул тилларида сўзлашувчи халқлар ҳисобланган. Китобда Марказий Осиёга қадим даврлардан бошлаб кириб келган турли этник қатламлар ҳакида қизиқарли маълумотлар берилган. Тоҳар, эрон, эллин, яхудий, араб, турк қабилаларининг Марказий Осиё ерларига келиб ўрнашиши ва худуд тамаддунидаги улуши археологик тадқиқотлар натижалари асосида батафсил ҳикоя қилинади.

Марказий Осиё ахолисининг этник таркибига форс ва турк халқлари миграцияси таъсири айнича кучли бўлган. Шарқий Эрон халқлари миграцияси форс тилида сўзлашувчи бир қанча қардош этносларни, жумладан, бактрийлар, сўғдийлар, парфянлар, хоразмийларни вужудга келтирган бўлса, туркий қабилалар миграцияси ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғизларнинг шаклланишига олиб келди. Ўзбек ва туркмандлар европоид, қолғанлари эса монголоид антропологик қиёфа касб этди.

Китобни мутолаа қилас экансиз, муаллиф фикрига ҳамоҳанг баъзи мулоҳазалар ҳам хаёлга келади. Буюк Ипак йўли тамаддунларнинг энг буюк ютуқларидан бирига, инсоният тарихида Фарб ва Шарқни боғлаган қитъалараро йўлга айланди. Ушбу йўлнинг очилиши эрамиздан аввали II асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Хитой саёҳатчиси


Чжан Цзянь биринчи бўлиб бу йўлни кашф этди: у Хан империясидан Фарғона орқали Қанг давлати ва Бақтрияга сафар қилди.

Хитойдан Фарғба жўнатилган ипак маҳсулотлари ҳамда Фарбдан Хитойга олиб келинган турли ашёлар ҳозирги Ўзбекистон худудидаги карвонсаройларда жамланган ва шу ерда мол айирбошланган. Бугунги кунда учинчи давлат худудида логистика марказлари мунтазам фаолият юритиши давлатлар савдо манфаатларида муштаракликни вужудга келтиришга қанчалик катта хизмат қилаётган бўлса, ўша даврларда ҳам Марказий Осиё шаҳарларидағи карвонсаройларда етти иқлимдан келган савдогарлар яшаб ўз мамлакати учун фойдали савдо ҳамкорлигини йўлга қўйган. Хорижий савдогарларнинг узоқ муддат муҳим яшаб қолиши маҳаллий халқ билан қон-қардошлик алоқалари ўрнатилишига замин ҳозирлаган.

Буюк Ипак йўлнинг жаҳон тамаддуни тарихидаги ўрнини фақат савдо билан чегара-лаб қўйиш нотўғри. Бу йўлдан ўтган карвонлар нафакат шарқона ва гарбона молларни, балки ўз маънавий қадрятлари ва диний таълимотларини ҳам олиб келган. Ўзбек халқига хос бўлган юкори интеллект, тадбиркорлик ва бағрикенглик сабабларини балки Буюк Ипак йўли чорраҳаларида вужудга келган маданиятлар қоришувидан излаш жоиздир. Яна бир гап: айрим замондошларимиз ўзбекнинг миллый қиёфасини излаш билан овора-сарсон. Китоб ўзбек атамлиш буюк халқнинг антропологик асослари ҳақида муфассал маълумот берибина қолмай, Ипак йўли чорраҳасида улуғ тамаддунни шакллантирган, жаҳоншумул шуҳрат қозонган мутафаккирларни дунёга келтирган милллат қонида инсониятнинг энг сара генлари жамланганига ҳам ишора этаётгандек таассурот қолдидради ўкувчида.

## СИЙРАТ ВА СЎЗ УЙҒУНЛИГИ

Нажмиддин Коғилов. Хизр чашмаси. Тошкент, "Маънавият", 2005.



"Навоий ижоди – бамисоли бир обиҳаёт чашмаси. Ундан ичган сари қалбингиз тозаланиб, нурланиб боради, маънан ва руҳан улгаясиз, куч опасиз". Нуктадон олимимизнинг мазкур асари, унинг ўзи гўзал ташбеҳ билан таъриф этганидек, ана шу жонбахш чашмадан баҳра олиш истагидан яралган. Олим унда Навоийнинг одамийлик концепциясини, таъбир жоиз кўрилса, ҳижжалаб тушунирган. Китобда Навоий кўйлаган идеаллар турли жанрдаги асарлар таҳлили орқали очиб берилади. Сўзлар муаллиф қалбидан қуолиб келганки, бундан шаксиз ҳайратга тушасиз, гўё олим қаламини Навоийнинг ўзи йўналтириб тургандек. Бундай таҳлил ўзининг идеали ҳам шундай бўлган одамгагина хосдир. Ҳар бир сатрда устознинг ўз қиёфаси, дунёқараши ва маслаги кўзга ташланади. Олим Навоийнинг фақр бобидаги таърифларини келтирас экан, шундай деб ёзди: "Ҳўш, факрнинг фазилатлари нимада кўринади? Навоий таърифича, факрнинг белгилари кўйидагилар: қаноат ҳайкали бўлиш, яъни тамаъ, очкўзлик, молпарастлик, фикрини тарқ этиш. Оллоҳ берган оз неъматга шукр қилиш, сабрли бўлиш, ички, ботиний оламини бойитиш, билим ва фаросатда, камтарлик, хокисорликда намуна кўрсатиш; хуштавозе, хушсухан, хушхулк бўлиш; тилни озордан, кўлни ситамдан сақлаш; кўнгилни поклаб, Оллоҳ нури билан тўлдиришга интилиш, мансабу мартабаларга учмасдан, шоху гадора баробар мумомала қилиш; ички саранжомлик, осойишта-ораста ҳаёт кечириш, яъни Оллоҳ билан ҳам, Оллоҳ яратган борлиқ билан ҳам, жамият билан ҳам сулҳу келишувда, рози-ризоликда яшаш".

У Навоий ижодини таҳлил қиласар экан, ўзини ўша оламда сезади, Навоий билан бирга "тохир ҳожи"ларни танқид қиласади, риёкорликдан нафратланади, маърифатни улуглайди. Навоийнинг дунёпарастликка муносабатини таҳлил қилиб, муаллиф ўзининг ҳам мавқенини ошкор этади: "Улуғ мутафаккирлар ҳар қадамда инсон боласига мурожаат қилиб, дунёнинг абадият жойи эмаслиги, руҳ учун зиндонлигини, шунинг учун, ҳайрли ишлар қилиб, имону эътиқод билан умр ўтказиб, абадий ҳаётга тайёргарлик кўриб бошиш даркорлигини ўқтиради".

Дарҳақиқат, олим айтганидек, Навоий ижоди – бир қалит. Бу қалитни қўлга киритган одам мумтоз адабиёт сирларини эгаллаш баробарида Шарқ маънавияти хазинасига эшик очади. Шунинг учун ҳам, муаллиф таъбири билан айтганда, Навоийга қайтиш, Навоий оламини янгидан қашф этишининг зарурати ва аҳамияти катта. Навоийдан Инсонга муҳаббатни, ҳаётта муҳаббатни, футуват ва жавонмардликни, вафо ва садоқатни ўрганишимиз лозим. Зоро, Навоий ҳамма нарсага инсон қалби гўзаллиги, инсон ахлоқи камолоти нуқтаи назаридан қарайди.



## ТАРАҚҚИЁТ ТАНАЗЗУЛ ДЕБОЧАСИМИ?

Рэй Брэдбери. Золотые яблоки Солнца. Москва, "Эксмо", 2009

Илмий фантастика жанри Америка адабиётининг XX асрдаги тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Э. По, Ж. Лондон, А. Бирслар бошлаб берган "тахайул кенгликларига сайд"ни Р. Брэдбери, А. Азимов, Р.Шекли, К.Саймак, К. Воннегут каби машҳур фантаст адилар муваффақият билан давом эттири. Бугунги кунда уммон орти мамлакатида илмий фантастика катта қизиқиши билан мутолаа қилинади ва унинг жамоатчилик фиқри шаклланишига таъсири ниҳоятда катта. Ҳар йили юзлаб номда илмий фантастик китоблар нашр этилаётган ва улар асосида ўнлаб фильмлар яратилаётган ҳозирги даврда бу таҳлит яратиклар ҳатто дисклар ва қўғирчоклар бозорини ҳам "туплатиб юборди". Бу адабиётлар турли соҳа олимларига келгуси қашфиётлар учун йўналиш берадиган воситага айланниб бораётгани ҳам сир эмас. Г. Уэллснинг космик парвозлар ҳамда атом бомбаси ҳақиқидаги, Ж. Вернинг техник тараққиёт тўғрисидаги таҳайюлий манзаралари бугунги даврда реал воқееликка айланди.

Фантастика – оламшумул муаммолар, келажак ҳаёт ҳақиқидаги тизимили мушоҳада адабиёти. Шу билан бирга, жамият аъзолари келажакни қандай кўраётгани ҳақида муайян тасаввур берувчи кўзгу ҳамдир.

Технотрон давр истиқболи ҳақида бир вақтлар сурилган ширин хаёллар ҳозир ҳам омонми? Йўқ, бугун илмий фантастика жанри асосчиларига хос кўтариини руҳ йўқолиб, тушкун кайфиятларга ўрин бўшатмоқда. Илмий фантастика марказида инсон ва унинг беқиёс ақли турибди. Ақлнинг ўта фаоллашуви уни ҳалокатга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Оммавий қирғин куроллари, сунъий одамлар (клон), сайдёлараро жанглар, Ер куррасининг ялпи электронлашув сабабли таназзули айни шу илмий фантастикада акс этган эртанги кундан хавотир ифодасидир.

XX асрнинг 60-йилларида Рей Брэдбери хаёлига келган "даҳшат"лар кейинги йилларда реаллашмоқда. Ёнла электронлаштириш, жонли ва жонсиз табиат қонунларига дахл қилиш, инсоннинг машинага айланниб бориш жараёни тезлашмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчиларининг ҳисоб-китобларни калькулятор ёрдамида бажариши, инсонни ортиқча ҳаракатдан ҳолос қилган масоғавий бошқаргич – пультнинг пайдо бўлиши истиқболдаги кескин техноген тараққиётнинг ибтидоси, холос. Адибнинг "Қотил" хикоясини ҳозирги даврда тобора тараққий этиб бораётган ахборот технологияларининг оқибати ҳақиқидаги башорат дейиш мумкин. Қотилликда айбланаётган Элберт Брокнинг асосий жинояти радиообраслет, селектор, радио, телефон, телевизорни ишдан чиқарганида. "Бир дакиқа ҳам ором йўқ, жин ургур, – дейди қаҳрамон. – Бутун олам рекламага тўлган. Рекламалар кўзингни қамаштиради, ресторонлардаги жаздан қулогинг қоматга келади. Автобусда ишга кетаётганингда ҳам мусиқа ва рекламани эшитишга мажбурсан. Мусиқа бўлмаса, хизмат селектори. Қийноқ куролларининг энг ашаддийси – радиообраслет. Хотиним ва танишларим ҳар беш дакиқада оромимни бузади... Хотиним "Қаёрдасан, жонгинам?" деб юз марта сўрайди. Сўнг ўтоқлардан бири қўнғироқ қиласди, "Сенга бир латифа айтиб берайми?" Яна бирор бакиради, "Сизни статистика бюроси безовта қиляпти, қандай сақич чайнаяпсиз?" Айниқса, бошлиқлар...

Машинамга ишхона билан боялдиган радиоалоқа ўрнатилган. Бир дақиқага ҳам машинадан узоқлашиб кетишга имкон йўқ. Ҳар қадаминг ҳақида ҳисоб берасан, "Бензоколонка ёнида тұхтадим. Ҳожатхона киргандым".

"Қотил" ўзини безовта қылаёттан ахборот хуржуларидан қандай күтулишга ҳайрон. Жаҳл устида радиобрәсплетни оёғи билан эзиз ташлайды. Селекторни ишдан чиқаради. Машинасидаги радиоалоқани музқаймоққа "тўйдиради". "Шундай енгил тортдимки, асти кўяверасиз. Брок, ў ёққа! Брок, бу ёққа!", "Брок, ахборот беринг! Қаерга келдингиз?... Брок, ахборот беринг! Қачон жўнадингиз? Брок, Брок, Брок... Ҳаммаси тугади. Жимлик. Бир соат суқунат. "Озодлик!" дейди ниҳоят енгил тин олиб қаҳрамон. Иш вақти тугаб, хизмат машинасини топширган Брок уйга автобусда қайтади. Бир ёқда автобусга ўрнатилган селектордан варанглаб келаётган Вена ўрмон эртаклари, иккинчи ёқда йўловчиларнинг радиобрәсплетлар орқали бақир-чақир қилишидан кулоги том битиб, яна жазавага тушади. Шунда у йўлда сотиб олган радиотўлұнларни чалкаштиридаган портатив диатермик аппаратни ишга солади. Бир зумда барча алоқалар узилади. Суқунат чўқади. Вахимали суқунат. Йўловчилар юзида кўркув, даҳшат, саросима. Автобус тўхташга мажбур бўлади. Авария хизмати чақирилади. Айборд дарҳол фош этилади, жарима тўлаб зўрга қутулади. Уйга келганида хотини ярим кун мобайнода алоқага чиқмагани учун катта жанжал кўтаради – дард устига чипқон. Ҳикоя қаҳрамони аламини уйдаги жиҳозлардан олади. Ўйниям ўзи техника мўжизаси деса бўлади: жиҳозлар сұхбатлашади, қўшик айтади, об-хаводан хабар беради, шеър ва роман ўқийди, жойга ётсанг алла айтади, душга кирсанг, опералардан ариялар кўйлади, уйқудалигинга испан тилидан сабоқ беради. Қозон "мен исидим, тезроқ масалникин сол" деб шоширади, эшик кирган заҳотинг "Сэр, оёқ кийимингиз ифлос" деб ўшқиради, чангюттич эса сигаретингдан тушган күпни дарҳол сўриб олиш пайида ит каби хоналар бўйлаб ортингдан қувлади.

Брок бундай илғор технологиялардан чарчаган. У тўпконча сотиб олиб, уйидаги эшик, газплита, телевизор, телефонни "отади". Полиция уни ҳибсга олади. Брокнинг хуросаси ҳикояғоясини очиб беради: "Ушбу фойдали ва қўлай нарсалар – буюк ихтиро. Улар ўзларига юкландиган вазифани бажариш баробарида ўйинчолар каби инсонга завқ багишилади. Аммо одамлар бу ўйинга шундай берилиб кетдики, бутун жамият ана шу механик энагаларнинг асирига айланди. Уларга қарамаплик шу даражага етдики, энди кутупломай гаранг. Менинг қылғилиқларим хозир радиода эшиттирилмоқда, телевизорда кўрсатилмоқда. Мен ҳакимда миллиардлаб одамлар хабар топаётир. Энди биржа ҳисоботларини кузатинг. Шо-коладли музқаймоққа талабнинг қанчалик органини кўрасиз. Бошқа савол бўлмаса, бир кишилик камерамга қайтишга рухсат этинг. Мен, ҳеч курса, ярим йил ёлғизлиқ ва суқунатда ором олмоқни истайман!"

Рей Бредбери – воқеиликка хушёр бокувни фантаст ёзувчи. У ноёб таҳлилий тафаккур соҳиби. Ўтмиш ва келажакни бугуннинг долзарб муаммолари нуқтаи назаридан ўрганиши, эзгулини тарғиб этадиган фантастик адабиёт учун сабот билан курашиб ижод қилиш ушбу нозикташ ба доно файласуф, инсон руҳияти билимдонининг бадиий ижод методидир. Унинг ҳикоялари енгил ва равон ўқилади. Рей Бредбери космосни жонлантиради, табиат ибтиносини тирилтиради. Ҳатто сайёralар қоқиёт – Қўёш гулидан тайёрланган яшил шарбатдан тотли, енгил сархушлик сезиб ўз абадий мұхитидан адашади... Ташландик қудук тубида адолатли қасос тимсоли бўлган марслипилар руҳи уйғонади... Уммон қаърида сақланган охирги динозавр қолдиқлари миллион йилликлар оша ўзига келиб танҳоликдан азоб чекади ва сувдан бош чиқариб, ёлғиз маёқ ўрнатилган тош минора қиёфасида ўзининг ҳамжинсини тасаввур қиласди... Қуёшнинг олтин олмаси ва яшил ўсимлик сайёрани тирилтиради.



# Ijtimoiy adolat manbai

Хозирда дунёнинг мағкуравий манзараси "глобаллашув", "тамаддунлар тўхнашуви", "оммавий маданият", "аҳборот технологиялари" каби атамалар билан ифодаланмоқда. Шу ўринда савол туғилди: биз яшаётган жамият тадрижий тараққиёти давомимида қанча босқичларни боссіб ўтган? Или фуқаролик бирлашмалари – жамиятнинг ибтидоий кўриниши кай бир қонуният асосида шаклланган? Кулдорлик, феодал, капиталистик тузумларнинг гуркираб яшнаши, кейинроқ парокандаликка учраши негизида фақат техник юксалиш турадими ёки бу башариятнинг интеллектуал жиҳатдан ўсиб бориши билан изоҳланадими? Айтиш жоизи, бундайдар саволлар жуда кўп жамиятшунос-файлласуфларни ўйлантирган, илмий тадқиқотлар олиб бориша рағбатлантирган.

Эътибор қилинса, кейинги вақтда "фуқаролик жамияти" ибораси бот-бот кўулданадиган бўлиб қолди. У айни тоқида инсоннинг эришган чўёқи, ижтимоий идеал сифатида тушунилмоқда.

XX асрда фуқаролик жамияти назариясининг ривожига А.Грамши саломлики хисса кўзди. У фуқаролик жамиятини давлатнинг инклибий бузгучни сикувидан асрочви ҳётбахш восита деб билди. И.Левин эса А.Грамши назариясидан ўзига хос дилемма яратди: "Фуқаролик жамияти кимни кимдан ҳимоя килади: давлатни фуқаролардани ёки фуқароларни давлатданми?" Ушбу саволга жавобни фуқаролик жамиятини ташкил этувчи, бир-бирини тўлдирувчи аҳралмас таркиби кисмлардан топишимиш мумкин. Энг аввало, бу жамият ҳуқук ва мажбуриятлар бирлигини ангашга асосланган бўлиб, акс холда жамиятнинг эртагини куни истиқболисиз бўлиб қолади. Сўнгра, у фуқароларнинг аниқ бир мақсадда йўналтирилган ҳарқатини, яъни аҳборотта эга бўлиш эътиёжидан то сиёсий ва сайлов кампанияларида фаол иштироқ этишигача бўлган жараённи тақозо этади. Ва нюҳоят, фуқаролик жамияти ўзига маъно ва мазмун баҳш этувчи қадриятлар тизими ҳамда ахлоқий мөъләрларга таяниди.

Фуқаролик жамияти билан демократик ҳуқуқий давлат мудом бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдириб, кўллаб-куватлаб боради. Демократияни тадқиқ этган олим Ги Эрмэ фикрича, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун фуқаро дунёда содир бўлаётган ҳодисаларга ўзини дахлдор билиши, ўзи яшаётган мухит билангина чеклашиб қолмаслиги зарур.

Фуқаролик жамияти ҳаётнинг барча жабҳасида ўзини намоён этади. Унинг асосини иқтисодий

соҳада – мулкнинг турли шакллари, бошқариладиган бозор муносабатлари; ҳуқуқий соҳада – ҳоқимиятнинг бошқарув ваколатлари марказда йиғилиб қолмаслиги, ҳоқимиятнинг бўлиниши, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этиши, қонун устуворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги; маънавий соҳада – ягона мағкура ва дунёкараш хукмрон бўлмаслиги, виждан эркинлиги, юксак маънавият ва ахлоқ ташкил этади.

Замонавий фуқаролик жамиятининг асосий функцияси инсоннинг моддий ва маънавий эътиёкларини кондириш, унинг эркин яшашига имкон берувчи шартшаротларни яратишдан иборат. Мазкур ҳолатда давлат ўз ижтимоий моҳиятини намоён килади, буни давлат табиати бошқарув функцияларининг бир қадар ўзарисига олиб келувчи ижтимоий асос билан бойиганлигига кўришимис мумкин. Ижтимоийлик хусусити янни гавдалантирган давлат ўзидан "тунги коропул" вазифасини сокит килади ва жамиятнинг ижтимоий-маданий ва маънавий такомили учун масъулиятни зиммасига олади (Зерқин Д.Л. Основы политологии. Ростов на Дону, "Феникс", 2008, стр.78). Ушбу жараёнда фуқаролик жамияти бир неча мухим ижтимоий функцияни бажаради: у қонунчилик асосида инсонлар ва фуқароларнинг шахсий ҳаётини ўрганади ва бошқа сиёсий тузилмалар мазкур соҳани асосиз қатъий тартиба солишидан ҳимоялайди; фуқаролик жамияти бирлашмаларни негизида ижтимоий ўзини ўзи бошқарши механизмларини яратади ва ривож топтиради; фуқаролик жамияти давлатнинг демократик органларни, унинг бутун сиёсий тизимини шакллантириши ва соддаг ҳолга келтиришга кўмак беради; фуқаролик жамияти ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функциясини адо этади, у давлатдан мустақил равища восита ва санкцияларга эга бўлади.

Фуқаролик жамияти фаол, гайратли, оқилона фикрлайдиган фуқаросиз шаклланмайди. Акс холда жамиядат ҳоқимият легитимлиги фуқаролар пасивлиги ҳисобига таъминланади. Айни лоқайдлик фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳисобига давлат ваколатлари кенгайиши ҳамда давлат ҳоқимияти кучайишига олиб келади.

Истиқтол ийлларида Ўзбекистонда ривожланган мамлакатларнинг илгор тарихий таҳрибасини пухта ўрганиш асосида фуқаролик жамияти барпо этиш юзасидан "Ўзбек модели"нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал дас-

тури амалиётда ўз ифодасини топиб бормоқда. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Маърифатли дунёда "фуқаролар давлати" деб гапирилмайди. "Фуқаролар жамияти" дейилади. Давлат – бошқа нарса, фуқаролар жамияти – бошқа нарса. Бундай жамияти давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари давлат

ташкилотлари тизимига киради. Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат кильмогимиз лозим" (Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, Т., "Ўзбекистон", 1996, 80-бет).

**Бунёдбек МАМАТИОСУПОВ,**  
ЎзМУ фалсафа факультети  
магистранти

## *Fuqarolik jamiyati va siyosiy madaniyat*

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳукукий маданиятини юксалтириш алоҳидаги ўрин тутади. Чунки "фуқаролик жамияти" тушунчасининг ўзи инсон эркинлиги, унинг ҳукуқ ва манфаатларни қонуний асосида ҳамда фуқароларнинг бевосита иштирокида намоён бўлишини англатади. Чунончи, иктисолий соҳада – хусусий муллака эга булиш, сиёсий соҳада – давлат ва жамият бошқарувиду иштирок этиш, ҳукукий соҳада – қонун устуворлигига амал қилиш, иктиломий соҳада – турли жамоат бирлашмаларини тузиш, диний соҳада – виждан эркинлиги, маданий соҳада – маданий ҳилма-хиллиқ, милллатлароро муносабатларда – милллатларнинг тенглиги ва толерантлик, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айрбошлаш ва сўз эркинлиги, мағфуравий соҳада – плюрализм, бошқа ҳукуқ ва манфаатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишининг энг муҳим шарти ва гарови сифатида ҳар бир фуқаронинг иктиломий-сиёсий ҳукуклири Асосий Қонуниизда мустаҳкам белгилаб кўйилган. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, айни шу жihatдан "Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган ўюксал талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳукуклари ва асосий эркинликларини кафолатлади" (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблёясининг 48-сессиясидағи маъруzasи. Т., "Ўзбекистон", 1993, 7-бет).

Юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари миллый ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида амалга оширияпти ва бунда фуқароларда ўюксал сиёсий маданиятини тарбиялаш айниуса мухим аҳамият касб этлати. Чунки "Демократия жамиятынинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина, демократия бўлиши мумкин" (Ислом Каримов. Ҳозирги босқичда

демократия исплоҳотларни чукурлаштиришининг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар, 5-жилд, Т., "Ўзбекистон", 1997, 13-бет). Шунинг учун ҳам жамиятида сиёсий маданиятини юксалтириш бугунги кунда давлатимизнинг иктисолий-иктимоий курдатини, унинг жаҳон миёсидаги обрў-эътиборини оширишнинг асосий омилига айланмоқда.

Айтиш жоизки, сиёсий маданият мамлакатида сиёсий институтлар билан аҳоли ўртасидаги муносабатлар нечоғли маърифий асосида курилганини белгилаб беради. Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётida бир қанча муҳим вазифани адо этади. Биринчидан, у миллий манфаатларни рӯбба ҷиҳозларни сиёсий жиҳатдан таъминлашда катта роль ўйнайди. Иккинчидан, иктиломий гурух, қатлам ва миллий тузилмалар ўртасида умумисеий мақсад ва қарашлар шаклланшига хизмат килади. Учинчидан, иктиломий ҳаётни тартибга солувчилик вазифасини бажаради. Тўртинчидан, аҳоли орасида тарбиявий вазифани адо этади. Муайян мақсад, қадрият ва мөъберлар асосида шахснинг сиёсий маданий савиисини шакллантириш унинг туб моҳиятини ташкил килади.

Сиёсий маданият – жамият сиёсий тизимининг таркибий қисмидир. Унинг юксалиш даражаси мазкур тизимга хос асосий сифатларни ифода этади. Сиёсий маданият сиёсий институтларнинг шаклнаниши ва амал қилишига кучли таъсири кўрсатади, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро таъсири табиатини белгилаб беради.

Сиёсий маданият – турли иктиломий гурухларнинг давлат хокимиёти, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги роли, бошқа давлатлар, милллатлар билан муносабатлари ҳамда шу каби масалаларга қарашларининг тизимга солинган назарий ифодасидир.

Сиёсий маданият, маълум маънода, жамият аъзолари фаопиятини чеклаб туради. Лекин бундай чекловлар ҳам сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Ҳар кандай жамият сиёсий ҳаётини унинг сиёсий маданиятини ўрганиш орқалигина англаш мумкин.

Хуллас, сиёсий маданият мураккаб ва кўп қиррали феномен бўлиб, у ўзига хос мустақил маданият туридир.

**Неъматжон БЕКЧОНОВ,**

Давлат ва жамият курилиши академиги  
тафдиқотчиси

## *“Transplantatsiyaviy turizm” nima?*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таснифи гура, 17 турдаги хатти-ҳаракат трансплантологи ўюшган жиноят ҳисобланниб, одам танаси аъзолари ва тўқималарининг яширин савдоси ҳам ушбу рўйхатдан жой олган.

Инсон аъзоларининг ноқонуний савдоси трансплантологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Дастрлабки трансплантологик операцияни 1933 йил совет хирурги Юрий Вороной килган. Бироқ инсон бўйрагини кўчириб ўтказиш бўйича бу операция мувваффакиятсиз чиқкан. 1954 иили американлик врач Жозеф Мюррей илк бор бўйракни мувваффакиятли трансплантация қилди ва бунинг учун Нобель мукофоти билан тақдирланди. Шу тариқа, 1967 иили американлик жарроҳ Томас Старзл жигар, жанубий африкалик Кристиан Барнард эса юрал трансплантациясини амалга оширги. 1981 йил АҚШда трансплантация қилишининг расмий тартиби ишлаб чиқилди. Халқаро соглини сақлаш ташкилоти маълумотига гура, бугунги кунда 91 мамлакатда инсон аъзолари трансплантацияси конунийлаштирилган.

ХХ асрнинг 80-йилларидан инсон тана аъзоларини трансплантация қилишга ихтисослашган ўюшган жиноят гурухлар фаопияти кузатила бошлади. Европа Кенгашининг таҳлилига гура, дастрлаб Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида яшовчи қашшоқ аҳоли вакилларининг ичki органлари ушбу жиноят бизнес маёнга айланган. Тана аъзоларини сотмоқчи ва сотиб олмоқчи бўлган шахслар туристик агентликлар орқали ўз мақсадини амалга оширган. Шу боис мазкур трансплантологий жиноят "трансплантациявий туризм" деб номланба бошлаган.

Халқаро амалиётда "трансплантациявий туризм" тушунчаси "трансплантациявий коммерциализм" ва "трансплантацияни амалга ошириш учун сафар" тушунчалари билан узвий боғлиқида кўлланади. Трансплантация ҳамда Нефрология жамиятларининг 2008 йилдаги "Трансплантациявий туризм ва тана аъзолари савдоси тўғрисида"ги Истанбул декларациясида қайд этилишича, трансплантациявий коммерциализм деганда тана аъзосига

сотиш, сотиб олиш ёки фойдаланиш мумкин бўлган истеъмол товари ва маҳсулоти сифатида қараш тушунилади. Трансплантацияни амалга ошириш учун сафар деганда донорлар, реципиентлар ёки трансплантологларнинг юридик чекловларга қарамасдан тана аъзоларини кўчириш операциясини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилади. Юқоридаги иккни тушунчани бир сўз билан "трансплантациявий туризм" деб аташ мақсадга мувофиқ.

Инсон тана аъзолари ва тўқималарини ажратиб олишга ихтисослашган жиноят гурухларнинг шаклланишига донор органларга эҳтиёж ва талабнинг ошиби бораёттани сабаб бўлмоқда. Малъумотларга қараганда, жиноят йўл билан кўлга кирилган инсон тана аъзолари 5 мингдан бошлаб 250 минг АҚШ доллари гача баҳоланмоқда ва бу миқдорий кўрсаткич "трансплантациявий туризм"га оид ўшун жиноят гурухларнинг халқаро тармоқда интеграциялашуви учун шароит яратиб бермоқда.

Бугунги кунда инсон тана аъзолари ва тўқималарининг даромад манбаи бўлиб хизмат қиласиги таомилни халқаро ҳукукий меъбрарнинг ажратимас қисми ҳисобланади. Бу соҳадаги асосий ҳуқожатларга 1987 иили Парижда ўтказилган Европа мамлакатлари соглини сақлаш вазирларининг Учинчи конференцияси якуний декларацияси, Европа Кенгашининг 1997 йилдаги "Инсон ҳукуклири ва биотиббиёт тўғрисида"ги конвенцияси, БМТнинг 2000 йилдаги "Трансплантациявий ўюшган жиноячилликка қарши" конвенцияси ва ушбу конвенцияни тўлдирувчи "Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг опидини олиш ва унга қарши кураш ҳамда уни содир эттанилик учун жазо тайналаш тўғрисида"ги баённомаси, Халқаро тиббиёт ассоциацияси томонидан 2000 йил Эдинбургда қабул қилинган "Инсон тана аъзолари ва тўқималарини курбонлик қилиш ҳамда кўчириб ўтказиш тўғрисида"ги декларация, Европада хавфисизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Доимий кенгашининг 2003 йилдаги "EXXТнинг Европада одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳаракатлари тўғрисида"ги 557-сонли қарори,

Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг 2003 йилдаги 1611-сонли "Европада тана аъзолари савдоси тұғрисида" ги тавсияномаси, Европа Кенгашинынг 2005 йилдаги "Одам савдосига қарши кураш тұғрисида" ги конвенцияси, Мустақил давлатлар ҳамдүстлігінинг 2005 йилдаги "МДХ аъзо давлаттарининг одам савдоси, инсон танаси аъзолари ва тұқымалари савдосига қарши курашда ҳамкорлық қилиш тұғрисида" ги келишуві ва Трансплантация ҳамда Нефрология жамиятларининг 2008 йилдаги "Трансплантацияий туризм ва тана аъзолари савдоси тұғрисида" ги Истанбул декларациясы киради.

"Трансплантацияий туризм" га қарши курашга доир хорижек тәжіриба ҳам дүнгөнинг етаки давлатларыда ушбу жинояттың олдини олиш бүйічай ҳукукий механизм яратылғаннандал олапат беради. Хусусан, АҚШда ушбу муаммо 1984 йылдағек ҳукукий жиҳатдан хал этилган бўлиб, "Тана аъзоларини трансплантация қилиш тұғрисида" ги қонунга мувофиқ тана аъзолари ва тұқымаларини сотиш ман этилади ва фақат ихтиёрий равищда топширилиши мумкин. Шунингдек, Россия Федерациясининг 1992 йил 22 декабрдаги "Инсон тана аъзолари ва (ёки) тұқымаларини трансплантация қилиш тұғрисида" ги қонунининг 1-моддасига кўра, инсон тана аъзолари ва (ёки) тұқымаларини олди-сотиды ҳаракатларининг предмети бўлиши мумкин эмас. Инсон тана аъзоларини олди-сотиды билан шугулланганлар ва ушбу ҳаракатларни реклама қилганлар РФнинг қонунларига мувофиқ жиной жавобгарлика тортиласди.

Ўзбекистонда ушбу жиноятта қарши курашнинг сиёсий-ҳукукий асослари шаклланиши уч босқичда кечган.

Биринчи босқич 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Конституция мазкур жиноятта қарши курашнинг концептуал асосларини белгилаб берди. Асосий Қонуннинг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёті, эркинлиги, шаъни, қадр-киммати олий қадрият хисобланади. Шунингдек, Асосий Қонуннинг 24-моддасида яшаш ҳукуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳукуки экани ва инсон ҳаётига сунгасед энг оғир жиноят хисобланиши белгилаб кўйилган.

Иккинчи босқич 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу даврда Жиноят кодексида назарда тутилган уч жиноят таркибиға инсон тана аъзоларининг ноқонунный трансплантацияси кирилтилди. Булар – инсон аъзоларини кесиб олиш, бошқа кишига кўчириш ёки мурданың қисмларидан фойдаланыш мақсадида одам ўлдириш (97-модда 2-кисм "н" банди); инсон аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш мақсадида қасдан баданга оғир шикаст этказиш (104-модда 2-кисм "и" банди); инсон тана аъзоларини ёки тұқымаларини ахратиб олиш (133-модда).

Учинчи босқич 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида" ги қонун қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу қонуннинг 3-моддасида "одам савдоси" тушунчасига мейберий-ҳукукий жиҳатдан таъриф берилган ҳамда инсон тана аъзолари ёки тұқымаларини ажратиб олиша одамларни эксплуатация қилишининг шакли сифатида қаралган. Шунингдек, 2008 йил 16 сентябрда "Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида" ги қонун қабул қилинганда муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят кодекси" ўзgartариши ва қўшимчалар киритиш жақида" ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасининг янги таърири "Одам савдоси" деб номланди. Ушбу модданинг 2-кисми "к" бандида одам савдосининг киши тана аъзоларини кесиб олиб, бошқа инсонга кўчириш мақсадида содир этилиши жиной жавобгарлини оғирлаштируви ҳолат сифатида белгилаб кўйилди. Бундан ташқари, қонунности мейберий ҳужжатларга кўра, ушбу муаммонинг олдини олишга қаратилган маҳсус сиёсий-ҳукукий институтлар ташкил этилди.

Хуласа ўрнида таъкидлаш жоизки, "трансплантацияий туризм" – инсоннинг яшаш, эркинлик ва хавфзизлик каби фундаментал ҳукуқларини поймал қиласы ҳамда мамлакатнинг сиёсий-ҳукукий тизимиға салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ушбу таҳдидга қарши кураш, унинг олдини олиш доимо давр талаби бўлиб қолади.

Санжар ЮЛДОШЕВ,  
тадқиқотчи

## Ayol nufuzi

Тезкор замон ўзбек аёли зиммасига миллый маънавиятни саклаб қолиш баробарида уни фарзандлар тимсолида янада юксалтириш вазифасини юкламоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган

муносабатда белгиланади". Инчунун, аёлнинг билими ва савиаси миллат келажагига бағоят кучли таъсир кўрсатади. Буюк мутафаккир Ризоуддин ибн Фахриддин айтганидек, "Хотинлари тарбияли халқ – тарбияли, хотинлари тадбиркор халқ – бадавлат, хотинлари ялқов халқ – факир бўлиши аниқидир"

(Ризоуддин Ибн Фахруддин. Оила. Т., 1991, 9-бет).

Фуқаролик жамияти, таъбир жоиз бўлса, аввало оиласда шаклланади. Оиласдаги ўзаро хурмат, катта-кичичнинг ўз ўрнини билиши, ўзгапларнинг хукуки камситилмаслиги сеқин-аста жамият турмуш тарзига айлана боради. Шу жиҳатдан, "Аёлни улуғламоқ – оиласи, ватанини, ҳаётни улуғламоқ демакдир". Юртбошимизнинг ана шу сўзлари истиқтолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-кизларнинг ўрни ва мавженини мустаҳкамлаш борасидаги тарихий ва хайрли ишларнинг ўзига хос мезонига аланди.

2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-кизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони аёллар учун дастурламалан бўлиб хизмат қўлмоқда.

Янги давр аёлларга ўз қобилиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратди. Аёлларимиз эркаклар билан тенг хукуқда, елкама-елка меҳнат килмоқда, ҳатто базъи соҳаларда улардан илгарилаб ҳам кетди. Хунарманд аёлларимиз катта маҳорат билан яратган зартина дўппилар, каштао сўзаналар хорижда ҳам машҳур.

Бизнингча, хотин-кизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш учун бъязи омилларга эътибор қаратиш жоиз. Аёлларнинг сиёсий-хукукий маданиятини юксалтириш, ўз бекаларини маърифий тадбирларга кенг жалб этиши, уларда тадбиркорлик масаласи, мулкка эгалик хиссиси шакллантириш, устоз-шогирдлик анъаналарини янада жонлантириш, ёш авлод онгига истиқтол гояларини сингдиришида хотин-кизларнинг ўрнини белгилаш масалалари шулар жумласиданди.

Аёники, ўз хукуклиридан тўлиқ фойдалана оладиган шахс – эркин шахс. Шу боис хотин-кизларнинг тенг хукуклиги ижтимоий ва демократик тараққийтнинг муҳим омилларидан биридан. Бу борада жаҳон таҳрибасига мурожаат қилидиган бўлсак, хотин-кизлар эркинлиги Европа сиёсатига кучли таъсир кўрсатиб кепаётганига гувоҳ бўламиз. Айниска, 1995 йилдан Европа Иттифоқи давлатлари ўз ривожланиш стратегиясида хотин-кизлар масаласига алоҳида эътибор қараш бошлади. Натижада Финляндия, Австрия, Швеция каби давлатларнинг Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо бўлиши билан Иттифоқ бошқарувида хотин-кизлар сони кескин орти. Ҳозирги кунда Европа парламентидаги 173 нафар сиёсатчи аёл мазкур Иттифоқа аъзо давлатлардаги 187 миллион хотин-кизларнинг хукуқ ва манбаатларини химоя қўлмоқда. Европа комиссияси хурузида 1995 йилдан бошлаб "имкониятлар тенглиги"ни назорат қилюви гуруҳ самарали фаолият юритмоқда. Швецияда "Тенг хукуқлилик масалалари бўйича Омбудсман" Акти қабул қилинди. Омбудсман меҳнат даъволари, иш жойлари, таълим-тарбия тизими ва бошқа соҳаларда тенг хукуқлиликини таъминлаш масаласига фаол аралашади.

ЕИ давлатларида бугунги кунда оналиқ таътили 14-28 ҳафта оралигида давом этади. Скандинавия давлатларида эса оналиқ билан бир катorda оталик таътили ҳам мавжуд. Ота-оналиқ таътили бъязи мамлакатларда туғилиш билан бевосита боғлиқ эмас, балки у саккиз ёшгача бўлган бола тарбияси учун берилади. У ота ёки онага ёхуд бирйўла ҳар иковига берилиши мумкин. Маастрих шартномасига (1995) асосан Греция, Испания, Португалия, Франция, Германия, Швеция ота-оналиқ таътили тўғрисидаги хужожатни 1996 йилдан бери кўллаб-куватлаш, ўз шароитини хисобга олган холда ҳаётга татбиқ этмоқда. Энг кулаги имтиёзларни Швеция хукумати яратган. Ушбу мамлакатда давлат ота-оналини бир ярим йил давомидан ўз хизматидан озод этади. Ота-оналар имкониятдан таътильдан таътилгача ёки иш вактининг кискартирилиши орқали ёки қисқа-қисқа қўлиб бўлиб, фойдаланади.

Янги бир қизик таъриба: Даніяда нафакат бола тарбияси билан шуғулланниш, балки хотин-кизлар малакасини ошириш ёки уларнинг таълим олиши учун ҳам таътил берилади.

Умуман, ЕИ давлатларида хотин-кизларга мўлжалланган турли дастурлар қабул қилинган. Жумладан, таълим соҳасидаги ҳамкорликни кўллаб-куваттайтиргандиган "Сократес" ва "Леонардо" жамгармалари хотин-кизларнинг ҳунар эгаллаши учун кўпигина имтиёзлар яратди.

Бугунги кунда ривожланган давлатлардаги бундай таърихларни ҳаётга татбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

Хотин-кизларнинг қизиқиши, ижтимоий ҳаётдаги ўрни масалалари умуминсоний муаммолар сифатида ОАВнинг дикжат марказида бўлиб келган. Шу жиҳатдан, ОАВнинг бугунги фаолиятида аёлларнинг иштироқи масаласи ҳам долзарб масалалар сирасига киради. Хотин-кизлар масаласи билан маҳсус шуғулланувчи босма ОАВ сони мамлакатимизда кирқка яқиниди. Ушбу босма нашрлар ходимларининг деярли барчаси хотин-кизлардан иборат ва таҳририят раҳбарлари ҳам аёллар. Бироқ босха ОАВда таҳририятни бошқараётган хотин-кизлар бармоқ билан санарли.

Таҳририятларда аёллар сони кўп бўлиши уларнинг хотин-кизлар масаласига кўп эътибор беринини таъминлаиди, деган қараш учнчалик тўғри эмас. Журналистика соҳасидаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқаётган ва шу тартиқа ижтимоий фикр шаклланишига кучли таъсир кўрсатадиганлар асосан эркак журналистлар бўлиб қўлмоқда. Бироқ бу босма ОАВда хотин-кизлар фаол қатнашмайди, ижтимоий-сиёсий қарашларини дадил ёзлон қўйтмайди, дегани эмас.

Аслида аёлларда янги ахборотларга қизиқиш хиссси кучли ривожланган. Аммо ушбу ахборотлар микромухитга йўнаптирилган бўлиб, тор доирадаги воқеаларни ифодалашдан иборатидир. Шунинг учун ҳам ОАВда макромухит – кенг кўламли ижтимоий, сиёсий муаммолар билан шуғулланётган, ўқувчилар

онги ва тасаввурига жиддий таъсир ўтказаётган журналист – хотин-қизлар деярли учрамайди. Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган бэъзи кўрсатувлар хотин-қизлар мумаммолари билан бевосита шугулланса-да, бироқ "Хотин-қизлар ва сиёсат", "Хотин-қизлар – лидер", "Хотин-қизлар ва давлат" каби аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қўладиган мавзуларни тилга олгамиайди.

Олдимиизда турган мухим вазифалардан бири – хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш. Зоро, шу асосда биз озод, эркин, фаровон ҳаёт куришдек юксак бурчни бажарган бўламиз.

**Нодирахон НИШОНОВА,**

ЎзМУ докторантни

## Aхмад Дониш – nafosatshunos

Улуг маърифатпарвар Аҳмад Дониш ғоят кенг ва серкіра тафақкур эгаси бўлган. Бухоро амиригининг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этган бу донишманд фалсафа, астрономия, тарих каби фан соҳаларидаги санъатларни икод қилган.

Аҳмад Донишнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари эстетик қарашларни билан уйғунлашиб кеттани эътиборга сазовор. Аллома "Наводир-ул вақоғ" асанрининг айрим фаслларида эстетиканинг асосий предмети бўлмиш санъат ва санъат турлари хусусида, шунингдек, гўзаллик ва хунонлик, улугворлик ва тубанлик каби ўзак тушунчаларни ҳақида фикр юритади.

Муаллиф санъатдаги гўзаллик ва нафосатни ўткир ақл эгаси ва юксак дидли инсонинга тушуниши ва аксинча нодон одам гўзалликни ҳеч қачон ҳис кила олмаслигини кайд этади: "Бир киши ўта кетган чиройли, күш хулқ хусну жамоли тўлишган бир маҳбубани кўрган бўлса ёки турли гулирайхонлар очилган, бўзуллар сарайран, созандалар нағма қилиб турган бир бўстонга кириб томоша қилган бўлса, у ердан топган завқу сурурини, кўнглига тушган ўша чоқдаги сезигларини, бордию ақлли бўлса, тили билан айтиб берга олади, ақлли бўлмаса, айтиб беролмайди" (Аҳмад Дониш. Наводир-ул вақоғ, Т, "Фан", 1964, 193-бет).

Аллома инсоннинг онгу шуурига сингиб эстетик завқ уйгота оладиган мусика санъатининг сехрли кучини, жозибасини илмий ҳамда бадий услудба баён қиласиди: "Созандча ўтрада ўлтириб чөлгисига тортилган торга ёки симга ноҳун уради. Натижада кишиларнинг қулогига даранг-дараң, ғинг-тинг овозлари эшитилиб туради. Ҳақиқий таъсирларни юзага келгандга чолгу ва чолгучи ҳамда унинг бутун ҳаракатлари эшиутчиликнинг кўнглидан кўтарилади. Сўнгра нағис ва нозига нағманинг хайуллоси кумуш сувидек ёки оппоқ сутдек сизилиб, мисол оламидан тушади.

Том туйнугидан тушган кўёш нурининг найзаси каби, нағис ноҳун нозик торга тегиб тұхтамайди. Узок-узоклардан келғанд мунгли нола қулоққа урилади. Киши гоҳида хаёлида чолгу чалади. Аммо созанданинг ўзи кўринмайди, унинг устидан бошқа бир чолгучи пайдо бўладики, у эса Зухро қўлдининг руҳи ҳисобланади. Мана шундай таъсир-

лар кўпинча тиник, нағис кўнгиллардагина пайдо бўлади. Лекин уларни сўз қилиб, қаламга келтириб ёзиб бўлмайди" (ўша манба, 194-бет).

Умуман олганда, эстетик тарбияда мусиқанинг роли, таъсири ва жозибаси бекиёс. Бирор бир санъат тури инсонда мусиқачалик кучли завқ, ҳис-туйгу уйтого олмайди. Бежиз эмаски, инсоннинг илк тонгидаёт меҳнатта иштиёқ, онгли фаолият мусиқа кўшик билан уйғунлашган.

Буок мутафаккир Жалолиддин Румий мусиқа ҳамда унинг қудрати ҳақида шундай деб ёзган:

Сирри пинҳон аст андар зеру бан,  
Фош агар гўям, жаҳон барҳам занам.

Маъноси: мусиқанинг боланд садоларидаги яширин сир-асрор бордир, бордию уни ошкор этсам, жаҳон йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Аҳмад Дониш ўзига қадар ўтган ана шундай мумтоз зотлар ижодини, уларнинг эстетик қарашларини янги бир ижтимоий даврда ривожлантириди. Унинг илмий-фалсафий меросида бадий адабиёт, айниқса, шеъриятнинг эстетик тарбиядаги ролига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, шеъриятин инсон қалбига юксак ҳис-туйгулар олиб киради, уни гўзаллик ва нафосатга ошно киласи, одамни руҳан тозартириди. Бунинг учун шеър факат сўзлар йигиндисидан иборат бўлмаслиги керак. Шеър – сўз ва оҳанг уйғунлигига яралган мукаммалликдир. Албатта, ҳозирги кундан ҳатто вергунларнинг ўрнини тўғри топиб кўёлмайдиган бэъзи "шоир" ва "шоирча"лар учун бундай таълимотда катта ибрат бор. Аҳмад Дониш шеърда вази ва коғиз тўғри танланган, ундағи мисралар маъно мазмунга бой бўлса, бу том маънодаги санъат эканини таъкидлаб бундай фикрни баён қиласиди: "Қалам ахлининг мақтанурлик бир касби шоирликдир. Агар шеър тизмаларининг вазни, қоғиаси келишган бўлиб, унда маънолиғи фикрлар яширинган бўлса, руҳнинг газоси бўлиб, бу инсоннинг олий санъатаридан ҳисобланади".

Аҳмад Дониш шеъриятнинг тарбияйи аҳамиятига ҳам атрофлича тұхтади үтади. Шеърдаги ҳар бир сўз ахлок-одоб доирасида бўлиши зарурлигига эътибор қаратади: "Агар шеърда одоб-

дан ташқари сўзлар бўлса ёки шаҳвоний нафсни қўзғайдиган, дунё лаззатига, унинг ноз-неъматларига майл уйготадиган мазмундаги сатрлар учраса, бундай шоир, сарвари оламнинг айтишларича, шайтон жарчисидир". Дарҳакиқат, ҳақиқи шеър инсон қалбининг туб-тубидан, гўзларини сиз-тўйулар билан жилоланиб, зилол чашма сувидек табиий равишда отилиб чиқмоғи лозим. Афусуки, бугунги шеъриятимизда чин санъат ҳодисаси бўлган асл шеълар билан бирга маъно-мазмунсиз, ҳавоий гаплардан иборат соҳта тизмалар ҳам талайтина. Уларнинг айримлари ҳатто қўшиқ қилиниб, эфирга узатиляпти.

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида бадий ижод, чинакам шоиру ёзувчиларни тарбиялаш хусусида кулончаклик билан бундай фикрларни баён этгани бежиз эмас: "Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимиий тарихи ва ёргуларига улугламоқчи, уни автолодлар хотириасида боқий сакламоқчи бўлсан, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега дегандা, улуг адаб Чўппон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди" (Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 139-140-бетлар).

Ахмад Дониш адабиёт доимо юксак мақомда бўлишини истаган, улуг шоиру ёзувчиларни тар-

биялашни орзу қилган эди. Унинг "Бухородан Петербургга саҳёт" китобида адабиётга, шеъриятта санъатнинг мӯъжизакор тури сифатида баҳо берилган: "Шеърият сеҳрли кимматбаҳо тош кабидир. У одамнинг яхши ёки ёмонлигини, ортиқча қилиқ ва ҳунарларини равшан кўрсатади, ҳар кимнинг пинҳон сирларини юзага чикаради" (Ахмад Даниш. Путешествие из Бухары в Петербург. Сталинабад, ТГИ, 1960, стр. 233).

Хулоса қилиб айтсак, Ахмад Дониш эстетиканинг предмети, санъат ва санъат турлари ҳакида қимматли фикрларни баён этган. У мусиқа санъатининг жозибаси, эстетик тарбиядаги ролига алоҳида тўхтатлан. Адабиёт, хусусан, шеъриянинг инсон маънавий фазилатларини шакллантириши бора-сида муҳим хулосаларни баён этган. Шунингдек, у инсоннинг ижодкорлик қобилияти, эстетик оламини Оллоҳ ато этган фазилат сифатида улуглайди. Табиийки, бундай бой маънавий мерос бугунги кунда ҳам истиқбол гоялирга садоқатли барқамол авлодни руҳида тарбиялаш, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куришдек эзгу мақсадларимизга хизмат қиласди.

Элмурод ТОШЕВ,

Бухоро давлат университети  
юқитувлечиси

## Masal: ham qissa, ham hissa

Масалнинг жанр сифатида пайдо бўлиши инсон бадий тафаккурининг қадимий даврларига бориб тақалади. Антик Грециядаги милоддан олдинги VI-V асрларда Эзоп масаллари машҳур бўлган. Эзопнинг тарихий шахс эканини Ренессанс даври адабиётёти вакиллари, масалан, Лютер баҳсли деб билади. XVIII аср филологлари, чуночни, Ричард Бентли бу шубҳани асосласлаша уринади. XIX асрда Отто Крузиус ва Резерфорд сингари олимлар ҳам Эзопнинг афсонавий шахс эканини таъкидлашган. XX асрда эса Эзоп образининг тарихий прототипи борлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилди.

Қадимиий Римда масал жанрининг асосчиси милоднинг биринчи асрида яшаган Федрдир.

Табиийки, Шарқ олами ҳам бу борада қадимиий анъаналарга эга. Масалан, Хиндистонда III асрда яратилган масаллар тўплами – "Панчантантра" Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган.

Масал амалий характерга эга бўлиб, ундан аввалига оғзаки нутқда, нотилик мактабида фойдаланилган. Мазкур жанрнинг дастлабки шакти юнон адабиётida яратилган. Аллегориядан фойдаланиш ёки масалга хос лавҳалар эса илк бора қадимги шумер-аккад матнларида учраган. Доро ва Искандар

ўртасидаги дипломатик муносабатларда ҳам ма-салга оид мотивлар мавжуд.

Масалнинг ўзига хос жанр хусусиятлари мавжуд. У мазмун-моҳиятига кўра, ахлоқий-дидактик адабиётта мансуб. Одатда сўзловчи фикрини далиллаш, унга бадий-фалсафи, полифоник тус бериш, ўқувчи ёки тингловчидаги хис-тўйигу ва тасаввурлар уйготиб учун мавзуга оид масалдан фойдаланади.

Бадий адабиётда масалга ўхшаш жанрлар, адабий шакллар ҳам талайтина. Дейлик, ривоят, кисса, ҳалқ китоблари, латифа, ҳолот ва маноқибларда масалга хос сюжетлар учрайди. Жаҳон ҳалқлари адабиёти ва ҳалқ оғзаки ижодидаги "притча", "житие", "аполог", "моралите", "гнома", "хрия", " побасёнка", "животный эпос" сингари атамалар ҳам бевосита масалнавислик билан боғлиқ.

Сюжетлипик, қисқалик ва аллегория масалнинг қатъий шартидир. Агар бошқа жанрларда сюжет қисмлари экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминацион нуқта, ечим, пролог ва эпилоглардан ташкил топса, масал сюжети фракт тўрт бўлақдан иборат бўлади. Рус масалшуноси М.Гаспаров масалда экспозиция, мақсад, воқеа, кутилмаган натижага бўлиши шарт деб ҳисоблайди (Гаспаров М.Л. Сюжет и

идеологии в эзоповских баснях. // Вестник древней истории. 1968, №3, стр. 25). Сюжет кисмларининг қатъий тартибида келиши воқеа мантигининг изчиллигини белгилайди. Масалдан бошқа асарларда сюжет кисмларининг ўрни алмашиб келиши ҳам мумкин. Бироқ, масалда уларнинг маълум тартиби сақланади.

Эзоп тили – содда ва тушунарли. Масалларда диалог йўк, факат сўнгги реplika очик нутқ билан ажралиб туради. Эзоп масалларининг тили мажозий руҳда, коса тагида нимкосаси бўлгани боис адабиётшуносликда “эзоп тили” деган атама кенг ишлатиди. “Калила ва Димна”, Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Сиддикий Хондайликийнинг “Зарбулмасали Сиддик”, Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” асарларидаги масалларнинг композициясида диалог асосий ўрин тулади.

Маълумки, Эзоп масалларида биринчи қаҳрамоннинг нутки кўчирма ган шаклида берилади.

Алишер Навоийнинг дидактик-аллегорик хусусият устувор бўлган эпик асарларида, жумладан, “Маҳбуб ул-кулуб”, “Тарихи мулуку ажам”, “Тарихи мулуку анбийё ва хукамо”, “Лисон ут-тайр” ва “Хамса”да масалга ҳос сюжет композицияси ва масал мотивлари учраб туради. “Шер билан Дурроҳ”, “Елғончи чўпон” каби ривоятлар фикримиз далилларидир. “Лисон ут-тайр”даги күшлар аллегорик характерда экани, яъни образлар инсонлаштирилган ҳолда кўлланиши Алишер Навоийнинг масал жанрига ҳос бадий усусланд йирик эпик асарда қанчалик маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади.

Аллегорик образларнинг кўлланиши, моҳияти ва функцияси дастлаб ҳалқ оғзаки ижодида пайдо бўлиб, кейинчалик ёзма адабиётта ўтганини шу мисолнинг ўзиён ўқюн тасдиқлайди.

Масалнинг асосий хусусиятлари унинг кичик ҳажмадиги ҳикоя шаклида, аксар ҳолда шеърий нутқда бўлиши, баён ва ўйтидан иборат икки кисмга бўлинниши, қаҳрамонлар ҳайвонлар бўлиб, майян характер эгаси сифатида тасвирланishi, мажозий маънони ифода этиши, майян кўшимча матнга боғлиқ бўлмасдан, мустақил маъно англатиши, сюжетнинг якунланганлигига кўринади.

Масаллардаги аллегорик образлар биз доимий одатланни қолган кўчума маънони ташимаслиги мумкин. Чумоли образини одатда меҳнаткаш инсон тимсоли дейишга одатланган бўлсан, Эзоп масалида унинг меҳнаткашлик белгиси, яъни доим дон ташиш мотиви бирор салбий моҳият касб этади. Эзоп масалига кўра, чумоли ҳам одам килиб яратилган бўлиб, дехқончилик билан шугулланган. Лекин у топганига қаноат қилмай, кўни-кўншиларнинг хирмонига ўйирликка тушган. Бундан газабланган Зевс уни ҳозирги кўринишдаги чумолига айлантириб кўйган. Чумоли эски одатини ташламай, ҳозиргача уясига дон ташиш билан овора. Қиссадан ҳисса шуки, ким табиатан бадфөъл бўлса, уни ҳеч қандай жазо тузатолмайди.

Сиддикий Хондайликийнинг чумолилар ва булбул ҳақидаги масалида эса чумоли меҳнаткашлик тимсолидир. Чумолилар ва булбул бодга кўшни бўлиб яшар эди. Булбул ёз бўйи гуллар ичидаги сайраш билан машгул бўлди. Чумолилар эса “донақашлик бирлан бўлушур эрди”. Қиши келгач, булбул оч қолди ва чумолилардан ёрдам сўради. Чумолилар эса “Эй булбул, сен ҳам бизлар каби исисиг офтобда куюб ишлаб, ошилик тўпллассанг эрди, бу ҳолга тушмас эрдинг”, дейишиди.

Яна бир ўринда ҳам чумоли меҳнаткаш инсон тимсоли сифатида гавдаланади. Ўзидан бир неча баробар катта донни олиб кетаётган чумолини кўрсатиб, “Бу чумолини кўринингларки, ўзидин каттани олиб борадур” деганларида, чумоли пинак ҳам бузмасдан, “Биз заҳматлар чекиб номусимизни сақлармиз”, деб жавоб беради.

Масалларда аксар айёрлик мажозини ифодаловчи тулкини мушкул аҳволга тушиб, тадбир тополмай қолган нотавон қиёфада ҳам кўрамиз. Эзопнинг “Семирган тулки” масалида ковакдаги емиш билан қорини тўйдириб, сўнг чиқолмай қолган тулки воқеяси баён қилинади. Уни кўрган бошча бир тулки “Токи аввали ҳолингга келмас экансан, бу ердан чиқиб кетолмайсан”, дейди. Қиссадан ҳисса – ҳар қандай қийин савдо ҳам вақт ўтган сари енгиллашиб боради.

Масал ва масал характеридаги асарларда ўйтит ва таълим, ибратли воқеа, ҳукм чиқаришига алоҳида ёзтибор берилади. Баён хусусиятига кўра, масал эртак, хусусан, ҳайвонлар ҳақиқатига мажозий эртакларга, ҳикоят ва латифаларга яқин турса, унинг хотима кисми мақол ва сентенцияга ўхшаш бўлади. Одатда, масал қисқа, шеърий ёки насрый шаклда бўлади. Энг қисқа ҳажмадиги масал тури аполог деб юритилади. Аполог (юнонча apologos – ҳикоят, масал) – таълим бериш, ибрат кўрсатишга асосланган, аллегорик мазмунга эга, ҳайвонлар ва ўсимликлар иштирик этадиган асар тури. У XIX асрда масалнинг синоними сифатида ҳам кўлланган. Шеърий аполог – масал тўртиклар XVIII-XIX аср француз ва рус шеъриятида майдонга келган (Сувонқулов Б. Ўзбек ҳалқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиати. Филология фан. ном. дисс. автореферати. Т., 2007, 10-бет).

Рус адабиётидаги “басня” атамаси “баён” сўзидан олинган бўлиб, кўнгилга ёқадиган ривоятларни билдиради. Улар овуниш, тингловчини қизиқтириш учун айтилган. Рус адабиётшунослири масал ва притчани бир-биридан фарқи ҳодиса сифатида шарҳлади: притчада ўйт, одоб-ахлоқ ҳақида насиҳат мухим бўлса, масалда воқеа биринчи ўринда туради. Эзоп ёки рус адаби И.Крипов масалларида бир ёки ундан ортиқ аллегорик образ иштирока этса, Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида бундай образларнинг катта галереяси яратилган. Мумтоз масалнависимиз “қолиплаш” усулидан фойдаланиб, бир неча масални “Зарбулмасал”га жойлаган.

Шуни айтиш керакки, асосий сюжет қаҳрамонлари ҳам, асар таркибидаги масал қаҳрамонлари ҳам аллегорик образлардир. "Тошибақа ва Чайн", "Маймун билан Нажкор", "Туя ва Бүтталоқ" каби масаллар асар композициясидан мустаҳкам ўрин олган ва уарнинг мазмуни асосий сюжет билан чамбарчас боғланниб кетган.

Масалнинг сўнгти – "қиссадан ҳисса" қисми мақолга яқин келади. Мақолнинг келип чиқиш манбай масал эканини рус олими А.Потебня изоҳлаган эди. Ҳукм-хулоса қисменинг мустақил ҳолда келиши унинг бориб-бориб мақолга айланни кетишига асос бўлган.

Бугунги кунда кенг кўлланадиган айрим мақолларимизнинг тарихий илдизларига назар ташланса, улар вожелик асосига курилганинг гувоҳи бўламиз. Масалан, "Етти ўлчаб бир кес" ёки "Нима эксанг, шуни ўрасан". Улар вақт ўтиши билан ўзгаришга учраб, ривоят қисми қискариб сиқиқ, ихчам шакла келган. Масалнинг сўнгти хотима қисмидаги насиҳат, ўйт, ибрат мазмуни ифодаланган жумлagini қолган. Демак, мақол ва масалнинг илдизлари битта асосга боғланади. Ёки "Туя бўйига ишониб йилдан куркул кобили" накри асосида ҳам масалга хос мотив мавжуд.

Адабиётшунос Б.Саримсоқов "матал" атамасининг "масал"дан келиб чиққани, "матал" масалнинг архак номи эканини таъкидлаган эди. Дарҳақиат, араб фонетикаси ва артикуляциясига оид кузатиш-

ларда "с"ни "т" тарзида талаффуз этиш ҳолатлари қайд этилади. Кўринадики, масал ва масал типидаги асарларда дидактик мазмун, қисқа шакл ва аллегорик образлар иштироки асосий хусусият ҳисобланади.

Шарқ адабиётидаги масалларни ўрганиши шуни кўрсатадики, анъаналарни ўзлаштириш орқали айрим масал сюжетлари ўзгаришга учраб, Фарб адабиётiga ўтган, уларнинг сюжет тизими, таркибий тузилиши, образлар олами баъзан қайта ишланган, баъзан айнан шундай кўчган. Фарб адабиётидаги айрим масаллар адабий таъсир ва адабий алоқалар туфайли вужудга келган, деб хисобланса, бошқа томондан эса ахлоқ меъёллари ва инсонпарварлик тамоийлари барча ҳалқлар ҳаётида қайсиdir нутқада ҳамоҳанг келишига асосланниб, улар бир-биридан бехабар ҳолда ўхшаш вазиятларга дуч келиш натижасида яратилган, деган қарашлар ҳам йўқ эмас.

Масал ва шу тиздаги асарларнинг гоявий мазмуни, композицион тузилиши ва поэтик табиатининг қиёсий-типологик таҳтили адабиётшунослиқдаги зизифаларни бажариш ҳамда жаҳон адабиётшунослиги ва маданияти соҳасида ҳалқларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашда мухим аҳамият касб этади.

**Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА,**  
филология фанлари номзоди

## Cho'lga "hujum" asoratlari

Ўтган асрнинг 50-60-йилларидаги собиқ мустабид тузум юртимизда пахта яккаҳоқимлигини "таъминлаш"га янада зўр берди. Табиий мувозанат қонунлари ва маҳаллий зироатчилик анъаналарига зид бирёклами сиёсат оқибатлари бутун ўлкамиз, жумладан, Марказий Фарғонадаги бўз ерлар, чўл зоналарини ўзлаштириш юзасидан компанияядга яққол кўзга ташланди. Бу жараба пахта сиёсати биринчи ўринга кўйилиб, гўзани сугоришда сув заҳиралидан мөтебридан оптик фойдаланиш оби ҳаёт танқисларни келтириб чиқарди. Президент Ислом Каримов бундай номакбул сиёсатнинг сабаб ва оқибатларини атрофличи таҳлил этиб, кўйидаги масалаларни алоҳида таъкидлаган эди: "Сув заҳиралидинг сифати энг мухим муаммолардан бириди. 60-йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўлмада ўзлаштирилди. Саноат, чорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор-зовур тизимлари курилди ҳамда дарё сувлари сугориш учун мутасар юқори ҳажмда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди" (Ислом Каримов.

мов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳаёфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997, 123-бет).

Марказий Фарғонанинг ялпи майдони 532,4 мингектар бўлиб, 363,7 мингектари кўриқ ва бўз ерлар, шундан 1953 йилнинг 1 январига қадар 190,5 мингектар ўзлаштирилган (Гоффорд А. Ирригация ва мелорацияни ривожлантиришиниң иқтисодий проблемалари. Т., "Ўзбекистон", 1974, 28-бет).

Ўзбекистон компартияси Марказий комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 20 октябрдаги "Ўзбекистон ССРда сугориладиган ерларни кенгайтириша су хўжалигининг бундан кейнинг ривожланиши чора-тадбирлари тўғрисида"ти 1735-сонлиқ қарорига кўра, 1958 йилда Наманган вилоятида сугориладиган майдонларнинг ўсиши 38 мингектарни, жумладан, Марказий Фарғона ерлари бўйича 28 мингектарни ташкил этган (Фарғона вилоятин давлат архиви, 1151-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 1-варақ).

Вилоятда 1953-55 йиллар давомида 48 та янги колхоз ташкил қилинган. Ўзлаштирилган ерларда

ташкит этилган бундай хўжаликларда гектаридан бор-йўғи 8-10 центнердан пахта ҳосили олинган. Бинобарин, қанчадан-қанча маблағ, техника, ер ва сув ресурслари эвазига ташкит топган, энг ачинарлиси, қанчадан-қанча одамлар, оиласарнинг чўлга кўчирилиб, сарсон бўлишига олиб келган бу колхозлар амалда ўзини муттақо оқламаган. Бундай мисолларни кўплаб көлтириш мумкин.

Айтиш керакки, бу борадаги ишлар самарасиз, истиқболизз бўлганига қарамасдан, Марказий Фаргона ерларини ўзлаштириш ва сугориш ишларига капитал маблаглар сарфлаш йилдан йилга ортиб бораверди. Масалан, 1953 йилда бунинг учун 7 миллион 300 минг рубль сарфланган бўлса, 1965 йилда ушбу рақам 11 миллион 200 минг рублага етди.

1955-60 йилларда Марказий Фаргонани ўзлаштириш ишлари янада кенг кўлам касб этди. Аввали, Катта Фаргона канали реконструкция килинди. Марказий Фаргона ерларини сугориш ва хўжалихи жиҳатидан ўзлаштириш режаси 1956-61 йиллар учун 80 минг гектар, жумладан, Фаргона вилоятида 32 минг гектар, Андикон вилоятида 28 минг гектар, Наманган вилоятида 20 минг гектар этиб белгиланди. Марказий Фаргонанинг барча худудларида сугориш ишларни янада чукайтириш ва 142 минг гектар майдондаги кўрик ер ўрнида сугориладиган маданий дехкончиллик туманлари барпо этиш вазифаси кўйилди (*Андикон вилоят давлат архиви, 619-фонд, 1-рўйхат, 113-иши, 107-варак*).

Шу таріқа бу худудда асрлар давомида ривожланиб келган ўсмилик ва ҳайвонот дунёсига кирон келтирилди, водийнинг экологик тизими издан чиқарилди.

1961 йил 12 майда Ўзбекистон компартияси Марказий комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг "Марказий Фаргонада кўрик ерларни ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида"ги 370-сонли қарори чиқди. Унда қайд этилишича, 1953 йилдан 1961 йилга қадар 60,6 минг гектар ерда ирригация ва мелиорация ишлари олиб борилди. Лекин, айтиш керакки, бу ишлар палапартиш, маҳаллий шароит ва экологик вазиятни ҳисобга олмасдан, фақат расмий хисобот учун қилинар эди.

Фаргонанинг Марказий қисмидаги янги туманларда қарийб 3 минг 100 километрга ирригация тармоғи, салкам 3 минг километрлик коллектор-дренаж тармоғи ва 2 миннгтага яқин катта-кичик гидротехник иншоот, шунингдек, умумий узунлиги 770 километр бўлган бетонлаштирилган каналлар, насос станциялари барпо этилди. Аммо мазкур ишларнинг импий жиҳатдан асосланмаган ҳолда олиб борилиши, пахтчаликка ихтисослашган кўплаб туман ва хўжаликларнинг ташкит килиниши, пахта экин майдонларнинг муттасил кенгайиши, сув захирапаридан оқипона фойдаланмаслик охир-оқибатда оби ҳаёт танқислиги, ерларнинг шўрланиши, хосилдорликнинг пасайиши, энг ёмони, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатнинг издан чиқишига олиб келди. Мамлакатимиз раҳбарияти бундай нотўри агросиёсат оқибатларини бартараф этиш учун мустақилик йилларда бутун бир чора-тадбирлар мажмусини ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширимокда.

Ойбек КОМИЛОВ,

*Андикон давлат университети доценти*

## "Turkestanskiye vedomosti" – tarix guvohi

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Русияси Марказий Осиёни истилип этгач, мустамлака хукумати ер-сув масаласида асосий эътиборни Туркистон ўлкасида арzon пахта хомашёси базасини яратишга қаратгани тарихий-имлый манбаларда ўз ифодасини топган (Бродовский М. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. М., 1891).

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида 1876 йил ташкит этилган Фаргона вилояти ўлқада пахта хомашёси етиштирища алоҳида ўрин тутган. Бу худуд пахтачилигига доир маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланадиган "Туркестанские ведомости" газетаси таҳламларидан ҳам топиш мумкин.

"Туркестанские ведомости" – Туркистон ўлкасида рус тилида чор этилган дастлабки матбуто нашри бўлиб, у 1870-1917 йиллар мобайнинда ҳафтада бир дафъа чиқиб турган. Ушбу нашр Русия ва чет эл ҳаётига доир воқеаларни ёритиш билан бирга, Туркистонда чоризм мустамлакачилик сиёсати таргиботчиси сифатида ўлка тарихи, иктиномий-итисодий ва сиёсий-маданий ҳаётига оид мақола ва хабарлар ҳам берib боргани боис мухим тарихий маңба ҳисобланади (Ўзбекистон янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги давирида. Т. "Шарқ", 2000, 288-бет).

Чор хукуматининг ўлқада ва Фаргона водийсida арzon пахта хомашёсини етиштириш юзасидан амалга оширган тадбирларига доир маълумотлар

ҳам газета саҳифаларида ёритиб борилган. Газетанинг 1884 йил 15 май кунги 19-сонидаги чоп қилинган А.Розовнинг "Фарғона вилоятида пахта экинини яхшилаш тўғрисида" деб номланган мақоласида бу худудда америка пахтасини экиши борасидаги уринишлар ёритилган. Мақолада қайд этилишича, 1878 йил баҳорида генерал-губернатор фон Кауфман кўрсатмаси билан Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 32 пуд америка пахтаси чигити жўнатилган. Чигит Наманганд, Кўён ва Андикон уездларига деярли тенг миқдорда тақсимланиб, уезд бошлиқларига ургуни дәхқонларга текин тарқатиш топширилган, айни чоқда, ундан олинган ялпи ҳосил миқдори, ҳар бир туплағ нечта чанок ва чигит борлиги ҳакида аниқ маълумотлар берилиши талаб қилинган. Кўрсатма шу йил 30 марта куни берилган бўлса-да, чигит номаълум сабабга кўра, уездларга 20 май куни жўнатилган. Оқибатда Кўён ва Наманганд уездлари бошлиқлари экишини келгуси йилга қолдириган. Андикон уезди бошлиғи эса дәхқонлардан май ойида ҳам чигитни экиши мумкинлиги ҳакида маълумот олиб, ургуни Балиқчи, Ёрбоши, Олтинкўл, Кўконкишлек, Ҳакан, Кўштепа ва Норин волостларидаги катта пахта майдонлари эгаларига тақсимлаб берган. Айни чоқда 30 фунт чигитни шаҳардаги давлатга қарашли ер майдонига экишини буюрган. Октябр ойида дастлабки ҳосил териб олинган ва хомашё этишириувчилар америка пахта нави унумли экинини билдириган.

1879 йил Чуст уездидаги 6,5 таноб ерга бир пуду 18 фунт америка пахтаси чигити экилди. Этиширилган ҳосилдан жами 158 пуду 30 фунт чаноқсиз пахта ҳосили олинди. Ушбу навдаги пахта Кўён ва Наманганд уездлари ҳамда Поп ва Олимс волостларида ҳам экилди.

Марғилон уездидаги пахта этишириб келган тадбиркор Курилов Кўён уездидаги ҳам америка пахтасини экишини йўлга кўйди. Илгари маҳаллий навдан 30 пуд чаноқсиз ҳосил олинган бўлса, америка пахтасидан 45 пуд ҳосил олинди. Шунингдек, америка пахтаси маҳаллий навдан анча юқори нарҳда сотилиган.

Янги пахта навини экишга маҳаллий аҳолининг қизишиши турлича бўлган. Масалан, Марғилон уездидаги аҳолиси америка пахтасини экишга унчалик соҳиши билдиримаган, фақат 1883 йили Яқкатут волостида Ёрмозор кишлогидаги 1,5 таноб ерга шу нав экилган, холос. Шунингдек, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига Фарғона вилояти губернатори 1883 йил 26 марта тақдим этган маълумотта кўра, Куба ва Кўконкишлек волостларидаги америка пахтаси умуман экилмаган (ЎзР МДА, 23-фонд, 1-рўйхат, 1442-ш, 4-10-еарақлар).

Туркистон ўлкаси ва Фарғона вилояти маъмурияти пахта экишини ривожлантиришини рағбатлантириши билангина чекланмади. Маҳаллий пахта тозалаш ускуналари америка пахтасини яхши тозаламаёттани этибиборга олиниб, 1879 йил декабрида генерал-губернатор фон Кауфман Америка пахта тозалаш

машиналарини сотиб олишни таклиф қилди. 1883 йил бошида Фарғона вилоят губернатори Черняев маҳаллий аҳоли орасида америка пахтасини экиши кенг ёйилганини этибиборга олиб, молия вазиридан шу навдаги пахта этишириувчиларни беш йил мобайнида ер солигидан озод қилишни сўради.

"Туркестанские ведомости"нинг 1900 йил 3 февраль 10-сонидаги Андикон шаҳридан юборилган хабарда 1-нав пахта нархи 2 рубль 50 копеек, 2-нав эса 2 рубль 15 копеек экани ёзилган. 1900 йил 16 ноябрь 92-сондаги хабарда эса Марғилон уезди Асака қишлоғидаги пахта теримининг бориши, пахтага навлар бўйича белгиланган нархлар ва хомашёнинг ташиб кетилиши ахволи ҳакида сўз юритилади.

Газетанинг 1900 йил 23 ноябрдаги 94- ва 26 ноябрдаги 95-сонларидаги муаллиф А.Михалевскийнинг "Андикон тажриба пахта майдони" деб номланган мақоласи эълон қилинган. Мақолада Андикон шаҳри якнидаги Ҳакан волостида Авғонбог ва Сарикуй участкалари ўрнида ташкил этилган тажриба майдонидаги америка пахта навини маҳаллий шароитга мослаштириш борасида олиб борилган ишлар ёритилган. Тажрибалар Туркистон ўлкасида дәхқончилик ва давлат мулклари бошқармаси вакили, агроном А.Шахназаров ишлаб чиқсан ва дәхқончилик департаменти тасдиқлаган дастур асосида олиб борилган.

"Туркестанские ведомости"нинг 1900 йил 23 июль 59-сонидаги хабарда Фарғона вилоятида пахта экишнинг 1 июнь кунигача ҳолати берилган. Марғилон уездидаги чигит экиши 5 майда якунланган, пахта экини майдонлари олдинги йилдагига нисбатан 33 фоизга кўпайган, айрим волостларда эса пахта майдонлари ҳатто 2 бараварга кенгайлан, чигит 4 июнда униб чиқсан. Ўтган йили пахтадан яхши ҳосил олингани туфайли уезддаги айрим фирмалар келгуси ҳосил учун олдиндан бай пули беришда нархни кўттарган.

Андикон уездидаги пахта майдони 1898 йилдаги 30 минг десятинадан 1900 йилда 80 минг десятинага кўпайган. Уездда пахта заводлари эгалари келгуси пахта ҳосилининг бир пуди (тола) учун 8 рубль 70 копеекдан бай пули тўлаган.

Кўён уездидаги 20 минг 209 десятина ерга америка пахта нави ва 8 минг 116 десятина ерга маҳаллий пахта нави экилган, пахта экини майдонлари ўтган йилга нисбатан 7 фоизга кўпайган.

Хулоса қилиб айтганда, "Туркестанские ведомости" газетаси 1870-1917 йиллар мобайнида чор хукуматининг Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийсини арzon пахта хомашёси манбаига айлантиришдан иборат мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда ўзига хос роль ўйнаган.

**Авазбек МИРЗАЕВ,**  
Андикон давлат университети  
тадқиқотчisi

# SUMMARY

**Interview with Shaykh Abdulaziz Mansur, Deputy Chairman of the Board of Muslims of Uzbekistan. pp. 4-11.**

The issues of intercultural dialogue in the globalised world and the place of islam in it is the central topic of the interview. How far does Islamic teaching tolerate other cultures, lifestyles and religions? Is it ready to accept the Other? What can we attribute the causes of gradually growing islamophobic tendency in non-muslim countries to? Deputy Chairman reveals the position of the Board over these issues. He also calls on religious preachers to be example for others with their behavior. On his view, everyone who calls himself religious leader should have sufficient knowledge of world affairs. Restricting ones interest only within the scope of religious views and dogmas sows the seeds of fundamentalism and extremism.

**Bakhodir Zokir. Asian Tigers: the Experience of the East of Liberalization. pp. 12-19.**

Although liberalism is the product of western thought, it has developed in a distinctive form in Asia, particularly in the eastern Asia. Slightly modified version of liberalism has arisen as a result of the interaction between liberalistic doctrine and Asian cultures. The author sketches the characteristic features of Asian liberalism taking Asian Tiger Economies – South Korea, Singapore, Taiwan and Malaysia as an example. What makes these economies distinctive from their western counterpart? What is the secret of rapid economic development in these countries? Furthermore, the article analyses the relation of political authoritarianism with market economy in Asian Tiger Economies. According to Bakhodir Zokir, authoritarianism had been the first step of the economic miracle of Asian Tigers. Economic prosperity, says the author, eases authoritarianism, and paves the way to democratization of political sphere. Uzbekistan as newly emerged independent and developing state has much to take from the historical experience of Asian Tigers.

**Abdulla Sher. Liberty, Will and Volition. pp. 20-27.**


The philosophical issue of liberty and volition is one of lengthy discussed and long standing questions in the history of thought of humanity. The author examines the core concepts of the issue – Will or Preference (Ikhtiyar) and Volition (Iroda). We usually interchangeably use, says the author of the article, will and volition, but in reality they are different. We will something when we have several alternatives. In this sense will is a choice. That is an occurrence of a single moment within seconds. Volition, in contrast, is a power to act. It is like engine gives us power, keeps us in action. You can smoke cigarette or not, that is choice, will and preference, if we use author's lexicon, it is ikhtiyar . But the push the smoke or not to smoke comes from Volition, Iroda. The author supports Schopenhauer's conception of will. In general, the article has much to be worth reading.

**Abdugafur Rasulov. One step between two worlds. pp. 31-37.**

As scientific and technologic development intensifies, the tension between humanity and nature is worsening over time. But this problem did not arose yesterday, but it has been existed since the time when humanity separated itself from nature. The author of the article Abdugafur Rasulov studies mythologies and folklore of central asian nations about nature and place of mankind in it.

**Damin Jumaqul. Tomir ona (Tomiris). pp. 70-75.**

Studying and examining mutually contradicting texts of ancient world is time demanding difficult effort. The article analyses different views about the exact place of the war occurred between Achaemenids and Massagets. The issues of where and how this war occurred, and what caused it have not been adequately learned by scholars. Before this, the author attempts to ascertain the territories and borders of these countries. According to him, massagets were not a single tribe or nation, but the union of nomadic tribes which had lived in vast territory extended from Black Sea to China, from Amu-darya (Oxus) to Siberia. If we imagine these territories the solution of the issue will be complicating and perplexing. The article shows northern bank of the river araks (in the territory of Azerbaijan) as the battlefield. But the author admits that this is not final conclusion. Future researches may show more exact place of the war.



Намоз СУЛТОНОВ. "Сұмалак".

хп 0160

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Бахоси келишилган нарҳда

# ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2012

